

ДУШАН ФАЙЗИЙ

БУ КЎНГИЛ

САМАРҚАНД
1990

Уз
Ф 20

Душан Файзий. Бу кўнгил. Шеърлар. С.: — Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990, 202 бет.

Самарқандлик таниқли шоир ва драматург Душан Файзий шеърларида давр руҳи жўшқин нафас билан куйланади. Унинг ушбу тўпламида ҳам ана шундай руҳ борлиги эътиборга лойиқдир. Китобдаги янги шеърлар ва дostonларда қайта қуриш жараёни ўзининг поэтик ифодасини топган.

Ф 4702620202 — 90
М 352 (03)

ISBN 5—665—00893—3

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг Самарқанд бўлими, 1990

ТАРИХГА ТОШ ОТМА

Расул, эшитишимча, сен Шомилга тил текизибсанми? Бундай қилма. Тарих билан ҳазиллашиб бўлмайди. Агар сен ўтмишга палахмондан тош отсанг, келажак сенга тўпдан ўқ отади.

Ҳамзат ЦАДАСА.

Бугун тарихимизни, куппа-кундузи,
Бир тутам хас сингари ёқа бошладик.
Дил қаъридан бўртиб маҳдудлик илдизи,
Бир талай қабрларни бузиб ташладик.

Дунёда на ибтидо, на интиҳо бор —
Фаразки Макка ичра муаллақ бир тош.
Аммо ул сўқмоқларда ҳаёт барқарор,
Мавжудот-у ҳодисот, таворих тутош.

Нодонликми, онгсизлик — қайбири қотил?
Ахир — оқми, қорами — не бўлса-тарих.
Тупроқ ичра ётибти қатма-қат, ботин,
Бир қати — қоронғудир, бир қати — ёруғ.

Тарихсиз халқ — гумроҳдир, тилсиз, ватансиз,
Қай дўзахга қочамиз тарихимиздан?
Чирқиратиб пок руҳни ташлаб кетсангиз,
Бу разолат изоҳин сўрарлар биздан.

Дарсликлар тутаб ётса хазон сингари,
Мозорлар вайрона, марҳумлар лوماкон.
Мозийга кетасанми ё ундан нари,
Сенда на замин қолди, на парча осмон,

Тарихга тега кўрма, эй телба манқурт,
Ахир у боринг-йўғинг, нонинг, тузингдир,
Ёмон бўлса шу тарих, шу тупроқ, шу юрт,
Уни ёмон қилган ҳам сенинг ўзингдир!

ШОИРЛАРНИ БИЛАМАН

Шоирларни биламан,
Исёнкор халқдир,
Ҳаттоки оллога тик боқмиш бир пайт,
Матлаби қуёш янглиғ эзгу ва ҳақдир,
Қовжираган гулга ҳам эмасдир лоқайд,
Биламан, шажара-ю, насл-насабин,
Урхун битикларин руҳи-шуурида,
Навоийдан меросдир шоирлик азоби,
Адолатни демак — муҳрдир шиорида,
Биларсиз,

Уша, бадбахт Машрабдан токи,
Ун еттинчи йилнинг долғали садоси,
Қолчак ҳамда Деникин, Антанта, ёки —
Европани қақшатган фашизм вабоси,
Биларсиз,

Волокалам, Сталинград,
Ҳамда Рейхстакка тикилган байроқ,
Оналарни ўлдирган ўша «қора хат»,
Хиросимадан қолган куйинди тупроқ,
Биларсиз,

Гагариндан токи БАМ қадар,
Қуриб бораётган Оролнинг алами,
Боғларнинг тепасидан сочилган заҳар,
Самовий урушларнинг юракдаги ғами,
Биларсиз,

Дарз кетган, субутсиз муҳаббат,
Текинтомоқ, кокилдор «бахтиёр» ёшлик,

Қайта қуриш, жадал иш, борингки — шиддат,
Сурункали мажлислар, кўнгилдаги ғашлик...
Ҳақсизликнинг дастидан кўнгил ойнаси,
Мисоли юпқа муздек синди чирсиллаб,
Разилликка нишон меҳрнинг сийнаси,
Чинорлар беомон қулади гурсиллаб,
Чорбоғда баргларни шопирар гирдибод,
Гўё чирпиракдек айланар хору хас,
Шоир қалби аро ўкинч ва бедод,
Ўрик дарахтин кесмиш қайси бир нокас...
На бир лаҳза роҳат, на уйқуда ором,
Эзгуликни кўрганда — боладай қувноқ,
Баррикаданинг қизил ёғида мудом,
Ҳар қалай министрдан ташвиши кўпроқ,
Осон бўлган эмас, ҳақ гапни ёзиб,
Не бир маломатга йўлиққан жон бу.
Тошбўрону дуэл, сургунларда кезиб,
Ўлимга тик борган тиниқ виждон бу.
Аму... Сир...

«Хомталаш» бўлган Зарафшонни —
Ҳимоя қилмоқ учун кўкси бир қалқон,
Онажоним сен дея Ўзбекистонни,
Бошига кўтарган фидойи бир инсон,
Уйламанг, шоирлар бегуноҳ фаришта,
Шайтон йўлдан оздирган пайтлар ҳам бўлди.
Не бир ҳодисотлар кечмайди турмушда,
Шоир ҳам баъзида аросатда қолди.
Фақат жасоратла иш битсайди агар,
Оқни қора дейишга қолмасди эҳтиёж.
Мақтовлар етганида осмонга қадар.
Жим қоларди баъзан шоир ҳам ноилож.
Шоирларни биламан — исёнкор халқдир!

ГАП

Мағрибдан то Машриқ жамийки элларда,
Бугун ниҳоятда арзон бўлди гап.
Хоҳланг чорраҳада ё хоҳланг йўлларда,
Сотишади уни бўяб, пардозлаб.
Ҳайрато, бунча кўп бугун гапдонлар,
Бир зумда сеҳрлар бор-йўғингизни.
Улар измидадир вақт-у замонлар,
Еттинчи осмонга чиқарар сизни...
Ўша қадим, кўҳна замонларда ҳам,
Бўлган экан лофчи, гапга чечанлар.
Тўтиқушдек сайраб даврада дам-бадам,
Гап билан юрт кезиб, дунё кечганлар.
Аmmo... ишонингиз, бизнинг гапдонлар,
Бир чўқиб қочирар энг... ва энггини.
Ахир, бизда-ку энг.. ва энг чемпионлар,
Икки дунёда ҳам топмассиз тенггини!
Кўчада гап сотар ва ўйда ҳам гап,
Йиғинда бўлса-ку то бошдан оёқ.
Азада ҳам шудир ва тўйда ҳам гап,
Саржиндай қалашиб кетар ҳаммаёқ,
Тепада-ку — тўла!
Пастда ҳам шундоқ,
Ўқувчи боладан министрға қадар.
Гап хирмонлари тоғлардан баландроқ,
Борди-ю, денг, унга минбар тегса агар...
Ҳай-ҳай, ўзи сақласин, бир гапга тушса,
Тўхтатиб кўрингчи — ёқангиз вайрон!

Истарки — гапни қанот қилиб учса,
ва бу ваъзхонликка қойил қолса жаҳон!
Зинҳорки, сув билан эмас, ўйламанг,
Ҳозирча гап билан тўлди Орол ҳам.
Дунё тўла гапдир! қуруқ лоф деманг,
Унга торлик қилиб қолди кенг олам!
Гап билан омборларни ташлар тўлдириб
Бозор-у магазин тошиб кетади.
Ростки, бу асрни ортда қолдириб,
Нарги асрларга ҳам етиб ортади!
Кимга ҳам шикоят қиласиз? Ўзи —
Ҳам ваъзхон бўлса у, ҳам худойингиз?
Қарахт қилиб қўйса жарангдор сўзи,
Ундан қаерга ҳам қочар эдингиз.
Ҳаммаси майли-я, чидаса бўлар,
Шу илинжда кўнгилнинг бир чеккаси тўқ.
Гап камайиб,
Инсофли кунлар ҳам келар,
Ҳозирча гап кўп-у, ишдан дарак йўқ.

ЭТИЛМАГАН БОШИМ

Издан адашиб инсоф, диёнат,
Қулаб тушар экан чинордек қомат,
Ногаҳон элимдан кетаркан омад,
Қалбларни тирнаркан оҳу надомат,
Эгилмаган бошим эгилди менинг.

Искандар тигидан омон қолган бош,
Қутайба, Чингиздан қасос олган бош,
Гитлердек вабодан ғолиб келган бош,
Буюк давраларда мағрур бўлган бош;
Эгилмаган бошим эгилди менинг,

Тарих йўлларида карвон безаги,
«Зичи Кўрагоний» — осмон безаги,
Алишер даҳоси — жаҳон безаги,
Ногоҳ дарз котганда виждон безаги,
Эгилмаган бошим эгилди менинг.

Гурур, буюклигим хира тортган чоқ,
Ризқу тирикклигим хира тортган чоқ,
Нурдай тиниқлигим хира тортган чоқ,
Юртда суюклигим хира тортган чоқ
Эгилмаган бошим эгилди менинг.

Аралашиб кетиб ҳарому ҳалол,
Аросат, арода қолганингда лол,
Бир маҳал ёқангдан тутганда увол,
Кузги хазон каби тўзғиркан хаёл,
Эгилмаган бошим эгилди менинг.

Қилич қиндан чиқса бу кун, не ажаб,
Инсон диндан чиқса бир кун, не ажаб,
Жанг бўлса диёнат учун, не ажаб,
Дунёни ёритса учқун, не ажаб.
Эгилмаган бошим, эгилди менинг.

ДИЛИМДА БИР ВАҲМ

Бир ҳолатни кўрдим
Тоғ ён бағрида;
Бутазорлаар аро бир тўда бўрилар,
Бир-бирин қувишиб нари-берида,
Бемалол сайр этиб юрибди улар.
Дилимда бир ваҳм, кузатдим бир нафас,
Улар ўз дунёси ичра бепарво.
Ажабки — ҳаётда ўйин бўлса бас.
Гўё сайр этишга яралган дунё,
Қарангки, суйкалиб, сийпар бир-бирини,
Эркаланган бўлар — меҳрибон, иноқ...
Бу ҳолатда кўриб йиртқич бўрини,
Кўнглимга қадалди бир сўроқ;
— Не учун одамлар... одамлар эрта-кеч,
Тинмай бир-бирига қайрайди қилич?
Қайда қолди, айтинг, диёнат, имон?!
Наҳот тубанлашиб кетмоқда инсон?!

ҚҰРҚИШ ХУСУСИДА

Бир замон қўрқардик саводсизликдан,
Қоп-қоронғу эди шунда бу олам,
Безиллардик бир пайт қизил сўзлиқдан,
Охири кўнникиб кетдик бунга ҳам.

Яна не балолар йўлда кўндаланг,
Не бир ур-йиқит-у, беҳаёликлар,
Баъзан ўз-ўзимиз топардик аранг,
Найранг ва оқибат — кўнгил сиёликлар

Кўпини енгдик тик боқиб кўзига,
Юзма-юз турсақ ҳам, лекин қўрқмадик,
Баъзан болта урдик билмай илдизига,
Тўғри сўзни айтиб баъзан ёқмадик.

Адолатни истаб бу эркин ўлкада,
Не бир ватанпарвар қилмишди афсус,
Бир хавотир доим турар елкада,
Не тонг — луғатда бор «қўрқиш» деган сўз.

Ахир, битта бошга бир ўлим-ку бор.
Зероки, тош-метин эмасдир юрак.
Бало-қазодан қўрқмасанг ҳам зинҳор,
Диёнатсизликдан қўрқмоғинг керак.

ҲОЖАРБИБИ

Зарафшон соҳили,
Зумрад бир боғдир.
Ухшаши гўёки минг бўёқ палак,
Гулгун бир ғунчадир, ям-яшил япроғдир,
Тенгсиз бир жозоба — эртакдаги малак!

Эртак,

Афсоналар, пари, паризодлар,
Шунчаки — эртакдир,
Шунчаки — афсонадир.
Барча соҳибжамол, барча ҳуснободлар,
Шунчаки — бир нақл, нақл-у фасонадир,

Қадим,

Қадимларнинг силсиласида,
Шу тупроқ узраким яралмиш ҳаёт,
Ирмоқлар шивир, қушларнинг сасида,
Бир ажиб афсона бўлмишлар бунёд,
Бир ажиб афсона — қулоқ эшитмаган,

Бир ажиб афсона — кўз ҳам кўрмаган.
Ул бир афсонаки бўлганми, бўлмаган,
Бу боғлар саҳнида юрганми, юрмаган,
Ва лекин Ҳожардир, менинг Ҳожарбимим!
На бир афсона, на эртакда бор!

Менки — Ҳожар дедим, Ҳожарбиби дедим,
Бу — афсона эмас, ҳаётдир — бетакрор!
Бетакрордир унинг ҳуони камолоти,
Бетакрордир мовийранг кўзлари.

Пари эмас,

Биллоки, инсондир аоти,

Заминга тухфадир босган излари.

Унинг,

Ул тимқора зулфларин дейинму,

Тимқора киприklar, қайрилма қошлар,

Бирини аввал-у, бирини кейинму?

Сеҳргар!

Борлигинг сеҳрлаб ташлар!

Ҳожар! — унинг учун — гўзаллик нима,

Сулувлик нимадир, нимадир чирой?

У — гўзаллик тангриси? Танҳо, биргина,

Унга рашк этади осмондаги ой,

Лаблари гул барги, қоп-қора ул соч,

Бир қучоқ райҳонки — тўлғанар белда.

Бир гулирухсорки — очилмиш қийғоч,

Боғу-баҳор дерлар уни элда,

Парими?

Инсонми? — менки — аросатда,

Оқ қайин мисоли — гулбаданбегим!

«Қимдир танҳо?» — десалар ҳаётда,

Мен: «Ҳожар!» — дегим-у, Мен: «Ҳожар!» дегум!

Ун етти йилдирки — ўзи айлаб бунёд,

Ўзи ҳайратдадир ахир табиат,

Ва бир мўъжизаки — кашф этиб ҳаёт,

Бир ҳайрати бўлди минг битта ҳайрат,

Ун еттинчи баҳор гул очган бир чоқ,

Ғариблигин унутди бу дунё..

Ишқнинг — ул палаги ёзаркан япроқ,

Оламки — қайтадан яшарди гўё!..

Парими? Инсонми? — менки аросатда,

Оқ қайин мисоли — гулбаданбегим.
«Кимдир танҳо?» — десалар ҳаётда,
Мен — «Ҳожар!» дегим-у, яна: «Ҳожар» дегум!»
Ҳожарбибиники, куйларман то абад,
Ул борки — оламда боқийдир муҳаббат!

БИЗНИНГ ҚОИДА

Бунисин ҳам, мана, тахтдан қулатдик,
Бир чинор сингари тушди гурсиллаб.
Таг-томири билан суғуриб отдик,
Ҳатто суяклари синди қирсиллаб.
Авом нима дерди... умумий қоида:
«Соғлиғи ёмонлашиб қолгани учун,
Жуда ҳам валломат, ишлари жойида,
Ҳамиша қойил қилиб ўтади бурчин»
Лекин... шу... «Лекин»да эрур ҳамма гап,
Туя қилган экан халқнинг нонини..
Кетаверганмиз сувнинг оқимиға қараб,
У бўлса — куйдириб виждон, имонини...
Узоқдан кўринса, барча таъзимда,
Эгилардик бошлар ерга етгунча..
У зот бўлса ўша минбари азимда,
Кеккаярди боши кўкка теккунча.
Шундай.. нодонни аввал йўямиз донога,
Арши-аълогача кўтарамиз, денг.
Тенг қиламиз ҳатто уни оллога,
Сўнг эса қиламиз тупроқ билан тенг.

ҚИЗ ЙИГИСИ

Жайхун бўйларида авжи баҳордир,
«Хайратон» кўпригин бедамиш лолалар.
Хайрият бир нохушнинг «хуш»и ҳам бордир,
Афғонистондан қайтар аскар болалар.

Заррин ул ёғдуларга ўралмишди тонг,
Ҳадемай жамолини кўрсатар офтоб.
Дунёни тўлдирмишди бу чоқ турфа ранг,
Табиат кўм-кўк ҳусн, чиройга сероб.

Бир ёқда мавж уради шовқинли дарё,
Ёноқларда сирғир севинч кўз ёшлари.
Бир ёқда одамлар шодлиги бир дунё,
Интизор оналарнинг сабр-бардошлари.

Тирик қайтганларни босиб кўксимизга,
Қўрбон бўлганларга тилаймиз мангулик.
Қаноат битилгандир тақдиримизга,
Бир ёқ — қизил алвонлар, бирёқ — кўргулик..

Олис, машаққатли ҳамдардлик йўллари,
Ҳавода жонсарақдир эгасиз хатлар.
Шукрона ҳиссиётдан тошиб диллари,
Ватаннинг тупроғин ўпар солдатлар.

Севинч-у изтироб аралаш бу замон,
Қониқишми, афсусми — англаб оларсиз.
Тантанадан четроқда ёлғиз ва пинҳон,
Қон бўлиб йиғлар эди куйнққан бир қиз.

КЕЗАРМАН ЕЛГИЗ

Мен бори дунёдан маҳрумман бугун,
Уша йўлак бўйлаб кезарман ёлғиз.
Бўғзимга қадалиб турар бир тугун,
Не қиларим билмай нотавон, ожиз.

Сен кетиб боряпсан мендан олислаб,
Ортингдан тикилиб дилим поради,
Бирга кечган ўша дамларни эслаб,
Қалбим изларингдан йиғлаб борадир.

Айрилиқнинг дарди умрга завол,
Мен ўшанда сезиб қолдим ногаҳон.
Борлигимни ёқди аянч бир аҳвол,
Кўксим тешди ўша сен тортган камон.

Бомбай кўрфазида муаллақ боғдай,
Жарнинг ёқасида турибман бу чоқ.
Сўниб бораётган олис чироқдай,
Хира тортиб ҳамон кетяпсан йироқ.

Хувиллади қалбим — тақир бир саҳро,
Мени адо қилар бу дард оқибат.
Вале, сен омон бўл тургунча дунё,
Энди фақат сенга тилайман омад!

БИР ЙУҚОТИБ, ҚАЙТА ТОПОЛМАГАНИМ

(Тошпўлат Ҳамид хотирасига)

Бухорога келдим яна сени излаб,
Нурли нигоҳингни бир қўрмоқ бўлиб,
Уша — ҳайёмона суҳбатларинг истаб,
Келувдим соғиниб, дўстларингни олиб...
Во дариг!

Бир фарёд эшитилди шу дам,
Ларзага солгудек борлиқ жаҳонни,
Арсат ичида гангиб қолдим мен ҳам,
Бир фарёдки — қалтиратар эди инсонни!
Наҳот, бу дунёда Тошпўлат йўқ энди,
Наҳот — бир йўқотиб, қайта тополмасам?
Бундай кўргулликка наҳот, ҳамма кўнди?
Дўстга не десам-у, душманга не десам?
Биров тахтада туриб ризқ ато этганда,
Биз бўлсак тирноқда ҳаёт яратувдик.
Ҳарқалай замона қўлимиздан тутганди,
Тирмаша-тирмаша шу кунларга етувдик,
Ҳаёт бизга жуда қимматга тушган,
Унинг машаққатин бизчалик ким кўрди.
Элга сув келтирдинг, мевалар ҳам пишган,
Энди яшамоқлик — Сенинг ҳаққинг эрди.
Қирқ йил Бухорони мақтаганинг рост.
Халқ севиб: «Зарафшон булбули» деди.
Бухоро мадҳини қилганимда ҳавас
«Тошпўлат борку» деб кўнглим тинч эди.

Қадки букилмоқда ўйлаганим сайин.
Гулга сероб бир боғ эдинг ўлкамда,
Дўст эдинг жон қадар! Яна нелар дейин —
Суянган тоғим эдинг елкамда!
Шу эканда, дўстим, дунёнинг иши,
Шоҳни ҳам,
Шоирни ҳам аямаскан тақдир,
Буали-ки ожиз... биз — не деган киши.
Ҳаёт... қонуният... чораси йўқдир.
Шоирга ўлим йўқ! Абадият бор!
Сени унутмагай навогаъб диллар.
Шеърят боқийдир! Боқийдирки баҳор.
Форзандлар бор бўлсин!

Кўмилмасин йўллар!

СУВ ПАСТГА ОҚАДИР

Бир замон эшитдим кескин баҳс аро,
Кексалар демиш: сув пастга оқадир,
Йўлида қумликлар, сойликлар пайдо,
Шу сабаб доим сув бошдан лойқадир.
Аслида, биз билган ўша — юқорида,
Зилол кўзли, кўм-кўк тоза булоқлар,
Ҳаёт софлиги бор тоғларнинг қорида,
Оппоқ нур аралаш югурар ирмоқлар.
Мовий ул осмонни бағрига сиғдирар,
Зангори кўлларнинг тиниқ ойнаси,
Саховат маскани, доим қайнаб турар,
Минг кўз чашмаларнинг оппоқ сийнаси,
Харсанглар қаъридан худди кўз ёшидек,
Сизиб чиққан ўша — биллур оби ҳаёт,
Суюкли ёри сари ошиққан кишидек,
Водийлар қўйнига чопади умрбод,
Аммо — ўша софлик, оппоқ чашма узра,
Қоп-қора булутларнинг галаси пайдо,
Гўёки офатга бир чора излар,
Қуюнли сел ичра қолган ул дунё.
«Қуюнли сел...», дарё пастга оқадир,
Шуурни нишонга олмиш ниҳоят.
Кексалар демишки: сув бошдан лойқадир,
Шунчаки... қадимдан қолган ривоят.

ОЛИСДАМАН

Қўй!

Энди излама, уриниш беҳуда,

Мен кетяпман туманлар аро,

Сендан олисдаман,

Олисдаман жуда.

У ёғи — сўнгсиз қоронғу дунё,

Афсуслар...

Ва балки кўз ёшлар,

Сенга сабр берсин илоҳим!

Қалбимда хотира — ўша ширин тушлар,

Рўёда — бурқсиган тутунли оҳим.

Уша — олислардан, туманлар бағридан,

Сенга термулади кўзларим.

Утдим — муҳаббатсиз дунёнинг баҳридан,

Анҳор бўйларида... сўнгги изларим...

Қўй,

Энди излама!

ЎЗБЕКЛАР ИШИ

Ўзбекнинг азалий ҳикматин кўриб,
Ўзингни сен десанг, ўзгани сизла,
Ғаним ишин қилма дўст бўла туриб,
Туяни мингин-у олисни кўзла,
Мана, сенга таниш — ўша девқомат,
Минг йиллик чинордир... сўлим бир гўша,
Салқин шоҳсупага ўлтир, марҳамат,
Ўзбеклар ҳам ўша, суҳбат ҳам ўша.
Хўш, қани, сўйла-чи, «Ўзбеклар иши»,
Қачон ва қаердан бўлмишдир пайдо?
Балки бу «сари-по» — замон қилмиши,
Балки ибтидодир, балки интиҳо.

Ўша лойқаланган сувнинг бошида,
«Мосторг» хўжалари кўрсатаркан иш,
Чумоли-ку дейман филнинг қошида,
«Нафси бало» деган қилмиш-қидирмиш...
Сенга айтақолай, эй нодон кимса,
«Ўзбеклар иши»нинг бир шингилини.
«Авесто» ва «Урхун...», «Ал-қонун», «Хамса»,
Яна «минг битта»нинг мингдан бирини!
«Ўзбеклар иши» бу — «Ал-жабр»и тождор,
Бир ёқ — Спитамен, бир ёқ — Гўрўғли,
Буюк Навоийси, Улуғбеги бор,
Етти иқлим аро бутундир бағри,
«Ўзбеклар иши» бу — даҳшатли Темур,
Жўжи, бў-жиларни элдан дафъ этган.
Қутлуғ билимларга хазинаи нур,

Ўзи бек бир юртдир — довруғи кетган,
Ўзбекнинг бошида турмишдир порлаб,
Бир минг-у ўн саккиз чароғон юлдуз.
Регистон, Тожмаҳал самога ўрлаб,
Шуҳрат сочиб турар кеча-ю кундуз.
«Ўзбеклар иши» бу — зумрад Фарғона,
Ва бу — Бухородир! Ва бу — Самарқанд.
Ўзбекистон номли суюк бир она,
Қони қонга, жони жонларга пайванд,
«Ўзбеклар ишидир Қизил қум аро.
Жаранглаб турган ул тилло сандиқлар.
Унинг пахтасидан тенг ярим дунё,
Қаҳратон қиш ичра жонини сақлар.
«Ўзбеклар иши»дир уран ҳамда газ,
Сибирга кўз тикиб қуриган Орол.
Кўзни қамаштирган ўша хон атлас,
Ва дўстга меҳримиз — чашмаи зилол.
«Ўзбеклар иши»дир — қаттол жанг аро,
Сталинграддан то Берлин қадар,
Ватандошлик рамзи — қилиб жон фидо,
Дўстликнинг қадрини айлаб тожи сар,
Ўзи емай сўнгги парча нонини,
Уруш етимларин оғзига тутган,
Қирғин жанггоҳларда аямай жонини,
Жигирларим дея кўксин қалқон этган.
Мана, не дегани ўзбекнинг иши,
Бир учи Питер-у Масковга туташ.
Марказда айниган арбоблар қилмиши..
Юраклар дарз кетмиш, ва асаблар ғаш.
Алқисса: «иш»лар кўп! шимолдан токи,
Жанубнинг энг олис этаги қадар.
Қабрларга кириб борар ҳаттоки,
Бу ёғи — алҳазар! Тавба! Алҳазар!

МУВОЗАНАТ

Икки карра икки тўрт бўлсин учун,
Боболар яратмиш тарози-ю тош.
Ҳаёт ва эҳтиёж... вобаста, бир бутун,
Билки, шу тарози ҳаммасига бош.
Бир ён — саҳро, бир ён — зумраддай дала,
Муътадил иқлимдир ва ё мувозанат.
Аралаш ўсмишдир харсанг ва лола,
Тикан ва гул — бирга! Биргадир абад!
Харсангни кўрмадик, фақат лола дедик,
Қайда тикан кўрсак ташладик ўриб,
У чоқ нодонликнинг қурбони эдик,
Тинмайин маърадик еб-ичиб туриб,
Тўқайларни буздик, портлатдик тоғларни,
Заҳар сочавердик, қушлар қирилди,
Туз чиқиб, шўр босиб кетди боғларни,
Қўкатлар минг ўлиб, минг бор тирилди,
Табиатдан, рости, кутмадик эҳсон,
Чўллар чаман бўлди, чаманлар саҳро,
Бухорога «бормай қўйди» Зарафшон,
Бир челак чучук сув — бугун минг тилло...
Мувозанат дейди қаламкаш дўстим,
Қим билсин тўғридир, илму каромати,
Қани биродарим, айтингчи ростин,
Буромади кўпми ёки даромади?
Улкан юрт ва яна не эл-элатга,
Пахтанинг беминнат иссиғи даркор,
Тушсак — биз тушармиз ўша «Қизил хат»га,

Кимга не қайғудир, кимда не ғам бор?
Билмадим, неча пул эмишдир қадринг.
Тошқин дарё сувин кўрмаса раво?
Распутинга керакми ташвишинг, дардинг,
Орол қуриб қолса-қолар, не парво!...
Бир қадаҳ май бергил, қонунга йўйма,
Мувозанатними? — сақламоқ даркор!
Нафсингга жуда ҳам эрк бериб қўйма,
Эҳсонли табиатнинг жазоси ҳам бор!

ТЕНГЛИК

Ҳақиқат — зиёдир,

йўлларни ёритар,

Баъзан эса найзадек санчилар бехос,

Баъзида ё чўққига,

ё жарга элтар,

Зеро, воқиф бўлмас ҳеч на беасос,

Юксакдан нур сочар ҳамон ул даҳодир,

Заминнинг нимқоронғу, бурчакларига,

Барчасига тенг эрур!

Кўринг ва баҳоланг,

Ёнма-ён ўсган алаф, чечакларига,

Биз донм ҳақиқатга ташна интилдик,

Баъзан у йироқ бўлди,

баъзан яқинроқ,

Барчасига ҳам сабру-қаноат қилдик,

Чанг босган ҳаққоният покланар бу чоқ,

Ярим ҳақиқатлар тўлқинида кетдик,

Аро йўлда қолдириб чала дунёни.

Мана,

Минг йилдан сўнг,

энди англаб етдик,

Ўзбек эмаслигини Ибни Синонинг.

Идрокимиз етмай-ку —

аросатда қолдик,

Аmmo тош отяпмиз буюк зотларга,

Биз ҳозирча юртларни,

элатларни бўлдик,

Лек, даҳолар муҳтожмас тақсимотларга...

ХАЕЛ

Бир ерга йигилса тўрт киши шу дамлар,
Оролнинг тақдирига тақалади гап.
Кўз ёши ҳам қилишар баъзи одамлар,
Жабрдийда балиқлар ҳолини сўраб,
Орол қуриб борар: фожеъ бир қисмат,
Бу хил даҳшат учун бормидир қиёс?
Пичоқ суякка етиб, энг сўнгги фурсат —
Табиат инсондан олмоқдадир қасос.
Нима қилмоқ керак — кўндаланг муаммо,
Жиноятга тенгдир лоқайд қараб турмоқ.
Энди тош босмайди қуп-қуруқ илтижо,
Жонни фидо қилиб, лозим чора кўрмоқ,
Сибирнинг сертошқин улуғ дарёлари,
Шимолий денгиз сари «оққани маъқул»,
«Жугрофий жамият» бир робот сингари,
Мувозанат дея кўз ёш қилди нуқул...
Орол қуриб бормоқда, Қайдасан Жайхун?
Қайда сенинг ўша телба тўлқинларинг?
Қумликлар ичида адашдим Сайхун,
Хира тортиб кетди мавжли ёлқинлари.
Чора топмоқ... Қайроққум, Чордара, Сурхон,
Ҳайдар кўл, Туямўйин, Аму — Бухоро...
Неча бир каналлар-у, неча кўл, уммон,
Ерга сингиб ётмишдир қамишлар аро...
Чора топмоқ... адолат ҳаққи, барча кўл,
Ҳамда канални «ҳайдаб» Оролга томон,
Юзта кўлдан кўра битта денгиз маъқул,

Шўрлик Оролни балки сақлармиз омон.
Пахта нима бўлади дерсиз дафъатан,
Пахтами?..
Миллион йил асрадик уруғини.
Қараб турарми ахир бир бутун Ватан,
Тирик жонмиз, тоқармиз бир йўриғини,
Аслида-ку ўша-сиз айтган пахтағиз,
Оролни шафқатсиз симириб ютмоқда,
Асрлар табиатга безак бўлган денғиз.
Дунёдан «дод!» дея нишонсиз кетмоқда!
Балки, рўй бергуси мўъжиза ногаҳон.
То абад ўзбек билан қолгуси Орол.
Бутунлай йўқ бўлиб кетмас-ку Ер, Осмон.
Орол умр кўрсин! Бу бир эзгу хаёл!

ВУРИЛИШ

Имзолар қўйилди Битимга. Шул замон,
Гўёки қарсиллаб ёрилди қалин муз.
Бир лаҳза мисоли қалқиб турди жаҳон,
Жуғрофий минтақалар бир он юзма-юз.

Қирқ йиллик ботин-ўша яхбаста қирғоқ,
Гўё эрий бошлади бир чеккасидан.
Илиқ бир шабада эсар экан, шу чоқ,
Оғир юк тушгандай ернинг елкасидан.

Ҳамон хотиримда ўша — қирқбеш, баҳор,
Дунё шодлик билан тўлиб-тошган бир чоқ,
Ғалаба садоси жаранглаб улуғвор,
Рейхстаг қуббасида ҳилпираб байроқ.

Ирланд қирғоқларидан Курилга қадар,
Гулдуракдек тарқалиб жарангос садо,
Бутун бир қитъани чулғаганда зафар,
Эркин нафас олиб турганда дунё,

Бир шумхабар келди Штатлардан шу дам,
Атом портлатилди! Бомба! Даҳшат бу!
Аросат бир нуқтада қолди Потсдам,
Бир ёқда зафар бонгги, бир ёқда қайғу.

Уруш дарди чиқмай инсонлар эсидан,
Ҳали ғуборлардан тоза бўлмай осмон,

Атомнинг дўзахий алангасидан,
Гўёки ловуллаб ёниб кетди жаҳон.

Йўқ, ёниб кетмади, балки даҳшатдан,
Томир-томиригача музлаб кетди ер.
Гўёки муз асри бошланди бошқатдан,
Энди буёғига, ҳаёт, ўзинг тўзим бер...

Мен шу маҳал эсладим, ўша сўнги жанг,
Одерь қирғоқларини, қирғин баротни.
Олов ҳамда қуюн орасидан аранг,
Қўрардим қонталаш, ёруғ ул ҳаётни.

Уша тонгда жаҳаннимнинг қоқ ўртасида,
Мен қўлимда милтиқ, бўялиб қонимга.
Урмонга туташ ул сойнинг орқасида,
Норқулни дафн эттим митти жонимга..

Дўстим жасадини қўярканман ерга,
Нигоҳимда ўша қиз — қавжироқ бир гул.
Дилни ёндирар алам, турардим зўрға:
«Қўзингни оч, ул қизга бир қара, Норқул!».

Шу дам музлаб кетди Ер ҳам, Само ҳам,
Гўё музлаб қолди ёноқларда кўз ёш..
Музлаб қолди севги ва борлиқ дунё ҳам,
Гўёки ўз йўлидан адашди қуёш.

Ҳамон хотирамда ўша — қирқ беш, баҳор,
дунё шодлик билан тўлиб-тошган бир чоқ..
Неча баҳор, неча ёз ўтса ҳам такрор,
Аммо, ўша музлар эрмади бироқ.

Қирқ йил музлайвериб, не дейин, оқибат,
Оламда қирқ қават муз уммони пайдо.
Уммон ҳам гапмидир! Уммонлар қатма-қат
Ва музининг етти қават осмони пайдо.

БМТда ҳақиқат музлади бир дам,
Музлагандек Қарбишев бир ҳайкал мисол.
«Мутлақ Ҳоким» даъвоси — диёнатсиз олам,
Бу мозийдан қолган ўша — зарбул масал.

Музлаган ул қалбларнинг шиддатига қиёс,
Шимолий муз қитъасин қаҳратони не?
Ғаламис инсонлар қилмишига — қасос,
Еттиўтовни¹ дегил, Невадани де...

Айтингиз, юрагимиз ўти, олови,
Етармикан бу музликни эритмоқ учун?
Дунё чигил, топилурму унинг қалови,
Бир қиличдек қадалиб турибти бугун.

Қирқ йиллик ботин — ўша яхбаста қирғоқ,
Гўё эрийбошлади бир чеккасидан.
Илиқ бир шабада эсар экан, шу чоқ,
Оғир юк тушгандай Ернинг елкасидан.

Аммо, ҳушёр бўлки, риёкор шарпалар,
Изғиб юришибди қўлида тўғаноқ,
Савоби кимга-ю, увол кимга қолар,
Бу ҳали жумбоқдир, бу ҳали жумбоқ.

¹ Етти ўтов — Семипалатинск.

БИРИНЧИ ШЕЪР...

Биринчи шеъримни сўрашар мендан,
Қачон ёзганимни ва нима ҳақда.
«Навоийдан ўргандимми ёки Пушкиндан?»
Ё бирорта қизни севдимми у чоқда.
Хулласки,

Ёмғирдай ёғилар савол...
Мен жавоб излайман уларга бир-бир.
Узоқ бир манзилга бошлайди хаёл.
Ҳамда гирдобига мени ўрайдир.
Анҳорнинг баҳорги бўтана сувидир,
Қирғоқларни тирнаб оққан ул хаёл.
Ким таъбир этар уни — кўнгил сиридир,
Кўзларни алдаган саробий бир ҳол.
Дарвоқе,

Қайдасан биринчи шеърим? —
Дилга олов ёққан оташ муҳаббат.
Қайдан излай сени олис тақдирим,
Юрак қони билан ёзилган ул хат?!
Болаликнинг ўша тонготар фасли.
Баҳор тулларида севинчга тўлиб,
Момолар эртаги — минг бир ҳавасли,
Сирли ул оламга шайдойи бўлиб,
Ҳали яхши нима, ёмон нимадир
Ҳаёт тугунларин етмай фарқига,
Инсонлик надир-у, ҳайвонлик надир,
Тушунмай гардуннинг кўҳна чархига,
Маъсум болаликнинг содда туйғуси —

Беш-ўн қофияни қилгандим қатор
Гўёки ушалиб кўнгил орзуси,
Дунёга келувди шоир ва ашъор...
Бугун у манзилга қарайман чанқоқ,
Йилтиллаб кўринур кичик бир учқун.
Мен уни қўмсайман! Уртада бироқ —
Қирқ йиллик масофа турибти бугун.
Шеър ҳам, болалик ҳам қолмиш йироқда.
Қумсаб интиламан! Дилимда алам!
Ўша чангли кўча, ўша сўқмоқда.
Мен энди излайман иккисини ҳам!

МАЙДОН

Уртада Сибирдек катта бир майдон,
Бир тараф-дарёдир, бир тараф — ўрмон,
Бир ёқда Раҳбарлар, бир ёқ — оломон,
Томошага чиқмиш фуқаро, хоқон,
Бир ён — қораловчи, бир ён — оқловчи.

Собиқни лаънатлаб, янгисин ёқларлар,
Нодон қолиб, оқилга камон ўқларлар,
Виждон, бурч олдида сукут сақларлар,
Марҳумни қоралаб, ўзни оқларлар,
Бир ён — қораловчи, бир ён — оқловчи.

Кўринг не аросат ҳокимдир бунда,
Паришон хаёллар қолмиш тутқунда,
Гуноҳкор ҳам шунда, жаллод ҳам шунда,
«Шай бўлиб» турибди ул катта кунда,
Бир ён — қораловчи, бир ён — оқловчи.

Бу не фожиадир — тожу тахт талоши,
Етим қолган аянч болалар кўз ёши.
Тугён уриб оналар сабр-бардоши,
Қасос кундасида доҳийлар боши,
Бир ён — қораловчи, бир ён — оқловчи.

Юксак минбарларда кўргандим сизни,
Улуғлар қаторида зеб бериб ўзни,
Маломат қилибсиз ён қўшнингизни,

Нечук даҳшатдир бу — айтолмайсизми,
Бир ён — қораловчи, бир ён — оқловчи..

Балки сизга ёқмас, айтайин бироқ,
Ҳўл-у қуруқ бирдек ёнмоқда бу чоқ,
Лаънатлагай ахир шу эл, шу тупроқ,
Бўлмасангиз бунча ношуд-у, қўрқоқ,
Бир ён — қораловчи, бир ён — оқловчи.

ФАРЗАНДЛАР ҚАЙТМОҚДА

Фарзандлар қайтишмоқда Афғон юртидан,
Оталар Берлиндан қайтгандай бир замон.
Улар кетган эди боболар ортидан,
Мудофаанинг янги чизиги томон.

Дунё тақдирига нажот истаб бу дам,
Ўзга бир дунёда жон фидо этмоқ..
Ўртада қирқ йиллик масофа бўлса ҳам,
Ўша окопларда юришибди бу чоқ.

Не ажаб, беҳисоб ирмоқлар сингари,
Олис фронт йўллари кетди қўшилиб.
Бир учи кетар Сталинград сари,
Бир учи — турибти Жайхунга бош уриб.

Яна ўша ботирлик ва «қора хат»лар,
Яна «урра» садоси, ғолиб ҳиссиёт,
Қўрқинч сўқмоқларда қўмондон, солдатлар,
Қилга илиниб турар исёнкор ҳаёт.

Жанг борар.. яна янги «Мамай қўрғони»,
Ярадор кўкракларни юздузлар безар..
Бу недир? Наҳот — Пискарев қабристонини,
Яна қайта оналар қалбини эзар!

Аскарлик қонунлари аслида шундоқ,
Отадан фарзандга мерос қолар тақдир,
Ўғиллар она-юртга қайтмоқда бу чоқ,
Аммо, баъзи бирлари ул сафда йўқдир..

ЕЛГИЗ БОЛА ЭДИ

Олмазор бу ҳовлида қиёмат дамдир,
Қон бўлиб йиғламоқда муштипар аёл,
Мотам либосида бир қишлоқ одамдир,
Забонсиз инграмоқда чеккада бир чол.

Аёл тобут узра тўкар кўз ёши,
Фарзанди шаҳид бўлмиш Афғонистонда,
Бир занжирдек ногоҳ узилди бардоши,
Унинг-чун тириклик қолмади жаҳонда.

Елғиз бола эди, йигирма ёшида,
Бир қизил гунчадир... япроғи узилди.
Тонг чоғи туманли ўша тоғ бошида,
Ногаҳонда хонаи хуршид бузилди.

Қирқ икки баҳорли гулдайн келинчак,
Фарзандининг доғида қолди қовжираб
Қабр узра сочилмиш бир дунё чечак,
Бундайин фарёдга бўлурмиди чидаб!

Бариси барбод бўлди, бариси сароб,
Беқасам тўн, чимилдиқ, қирмизи палак.
Увол қайда қолди-ю, қайдадир савоб,
Жумбоқлар аро аёл турар жонсарак.

Аёл тун-кун йиғлар, йиғлар у пинҳон,
Йиғлар бағри-дили эзилиб-эзилиб.
Унинг кўз олдида қоронғудир жаҳон,
«Фалак, торинг кетсин узилиб-узилиб!»

Боласидан айрилди... «нега, не учун?» —
Бундайин саволларга бизда жавоб йўқ.
Аламзада кўнгил жавоб кутар бугун?!
Зеро, у аёлда борми шундай ҳуқуқ?!

ЖАРАНГДОР ҚҰНҒИРОҚ

Ғаройиб бир замонда туғилдинг, ўғлим,
Турфа балоларнинг синовида олам,
Баъзида хуш, баъзида нохуш бўлиб кўнглим,
Сен турган заминда турибман мен ҳам,
Заминки — бир ҳудудсиз коинот ичра,
Қалқиса-да, не бир тўсиқларга учраб,
Ўша олис мозий, тўғарак бир тупроқ,
Хайрнят, ўз аршида турибди бироқ,

Тўғарак дунёдир, қуёшга юз тутган,
Бир ёқ — қора тусли,
Бир ёқ — шафақранг.
Бир қўли — фалакнинг тоқига етган,
Бир қўли — занжирда турибди таранг,
Миллион,
Миллион йўқсиллар қонидир,
Дунёнинг тенг ярмин қизилга бўяб,
Ўша-олис йилларнинг зўр карвонидир,
Олға интилди — ўктам ҳамда эркталаб,
Қарвон олға юрди, жарангдор кўнғироқ,
Қитъаларни уйғотди бирма-бир,
Оталар юраркан қўлда қизил байроқ,
Ўша сафда мен ҳам бор эдим, ахир.

Биз-ку озодликка эришдик, лекин,
Ҳали манзилгача йўлимиз йироқ,

Елкамизда тутиб Ватаннинг юкин,
Энтикиб-энтикиб боряпмиз бироқ.
Пешонада ажин, термулиб-термулиб,
Баҳорнинг қип-қизил алвон гулига.
Сенинг сафарингда йўлчи юлдуз бўлиб,
Чиқариб қўяман тонгнинг оқ йўлига,
Сўнг, кузатиб тураман сени олисдан,
Энди у ёғига ўзинг юргин, болам.
Бардам бўл!

Ва лекин чиқарма эсдан:
Текис, равон йўл йўқдир олдинда ҳам.

БИРГА КЕТОЛМАДИК

У билан учрашдик ўша ёз чоғи.
Йўл бошида турдик энтикиб, ҳол сўраб,
Қизиқтирмади йўлнинг яқин-йироғи,
Турдик: қиз менга қараб, мен қизга қараб..
Неча бор учрашдик ўша йўл бошида,
Боғламоқчи бўлди бизларни тақдир.
Бош ҳам эгиб кўрдик ҳиссиёт қошида,
Балки, ҳозир эслашнинг кераги йўқдир,
Ўша йўл бошида учрашдик неча бор,
Лекин тушунмадик бир-биримизни,
Негадир этолмадик дардимиз изҳор,
Яширин сақладик қалб сиримизни,
Тунлари ўзимга берардим сўроқ:
— Сен-ку севолмадинг, у севармикан?
Кўзига тик боқиб айтолмасдим бироқ,
У ҳам сал тортиниб турарди лекин .
Бирга кетолмадик, айри тушди йўллар,
Эй қиз, истиқболинг бўлсинг тонгдай оқ,
Йўл бошида қолди ўксиган гуллар,
Сенга оғир, менга сендан ҳам оғирроқ..

ТАВБА ҚИЛ

Қулоқ солгин, замондош, менга бир лаҳза,
Субутсиз маърузангни тўхтат бир нафас.
Бу чоқ ер меҳварида сезиб бир ларза,
Асабим ёнабошлар гўёки бир хас,
Исонлик не — унутдинг сен диёнатсиз,
Шайтонга дарс берасан — устаси фаранг..
Ҳатто туққаннигни алдайсан, уятсиз,
Сени яратганига олло ҳам гаранг.
Оппоқ тонг олдида тавба қил, тазарру,
Зероки, гуноҳларинг енгил этар у.

Шира босган нурсиз кўзларингни очиб,
Афтода бу юртингга бир бор қарагин,
Гўдаклар чинакчидир жонидан кечиб,
Ҳеч бўлмаса биттасин дардига ярагин.
Адолатга ташна, исёнкор келинчак,
Саксовул ўтинидек ёнса оловда,
Етимлар фарёдидан дарз кетса юрак,
«Тарс» этиб шохидан учиб кетса навда,
Оппоқ тонг олдида тавба қил, тазарру,
Зероки, қўрқоқ руҳинг ботир этар у.

Бемаҳал сарғайган ўрик дарахтининг
Бандидан узилган япроқлари ҳаққи,
Сўнгсиз заҳарлардан зада карахт ернинг,
Қаъридаги фарёдли сўроқлари ҳаққи,
Онаизорларимиз йиғлатиб қон-қон,

Афғон юртидан келган тобутлар ҳаққи,
Ҳайратон кўпригида кезар бир фиғон,
Ул қўлсиз-у, оёқсиз йигитлар ҳаққи,
Оппоқ тонг олдида тавба қил, тазарру,
Зероки, лоқайд қалбинг ҳушёр этар у.

Қамоқларда ётган гуноҳли, гуноҳсиз,
Пахта қурбонлари ва қуллари ҳаққи,
Наҳот шунча нодон, шунчалик гумроҳмиз,
Дехқоннинг касовсимон қўллари ҳаққи,
Дўстларга кетаётган тилло сандиқлар,
Сувдай текин пахта — ризқ-рўзимиз ҳаққи,
Иттифоқ ҳамёнига сийлов-солиқлар,
Ва, ажабки, Марказдан қарзимиз ҳаққи,
Оппоқ тонг олдида тавба қил, тазарру,
Зероки, нодонлигинг доно этар у.

Амал — эркинга сиртмоқ, қўлингга кишан,
Амал деб элатингни тутдинг бировга.
На ғурур бор, идрокинг сўқирдир, ишон,
Ҳатто қадим ул Шошни қўйдинг гаровга,
Байналмилал даврада хомталаш бўлган,
Орол ҳаққи, Сир, Аму, Зарафшон ҳаққи,
Фарёди ярим йўлда, бўғзида қолган,
Қодирий, Усмон Носир ва Чўлпон ҳаққи,
Оппоқ тонг олдида тавба қил, тазарру,
Зероки, нокаслигинг баён этар у.

Очкўзлик қусури қонингдаки зоҳир,
Интиқом дер афғонда тўкилган хунлар,
Ёқанга рўйи-рост ёпишмоқда ҳозир,
Қабрларин бузганинг ўша марҳумлар,
Юртни аросатга михлаган Бошкотиб,
Амалбоз-у, калтабн доҳийлар ҳаққи,
Кўкси тўла нишон, номусин йўқотиб,
Бадном бўлган бандайн осийлар ҳаққи,
Оппоқ тонг олдида тавба қил тазарру,

Зероки, виждонингни оппоқ этар у.
Қуруқ нон-у чойга қолган аҳли авом,
Дард, ҳасратин ўз тилида айтсин учун,
Ўзбекона «Наврўз» мангу этиб давом,
Дили зада қушлар элга қайтсин учун,
Қайтсин учун кесилган заррин гисулар,
Қайтсин учун ўша афсона, эртақлар,
Қайтсин учун қурилган Оролга сувлар,
Қайтсин учун қалблари ўтли эркақлар,
Оппоқ тонг олдида тавба қил, тазарру,
Зероки, иқболингни ёруғ этар у.

Эркинлик ҳам топиб ўз жойида қарор,
Хур фикр тантана қилмоқлиги учун,
Пардалар олиниб, «бор-йўқ» бўлиб ошкор,
Одам кўкрак очиб юрмоқлиги учун,
Ҳоким-у фуқаро туришиб бир сафда,
Ҳамма учун тенг бўлган дастурхон ҳаққи,
Бўлмасин кулгулар-у лутфлар сохта,
Қадриятни севган азиз инсон учун,
Оппоқ тонг олдида тавба қил, тазарру,
Зероки, одиллигинг тождор этар у.

УРУШ ВА МУҲАББАТ

Уруш ва муҳаббат...
Бу икки дунё,
Бир-биридан узоқ.. узоқ тушунча.
Иккиси — иккита сарҳаддир, гўё,
Қанча узоқ бўлса — яқиндир шунча.
Ўртада қирқ йилдир — йироқ масофа,
Ростдан ҳам, керакми орқага қайтмоқ?
Мен ўша йилларни ўйласам ҳар сафар,

Дилимда ғалаён бошланар шу чоқ.
Ўртада қирқ йилдир... у кунлар олис,
Уруш ва севги кўринур қоришиқ,
Ул жанг майдонида саросар бир ҳис —
Ун еттидан эди мажнундай ошиқ.

Уруш-ку қурбонсиз бўлмас, зероки,
Қурбонсиз бўлмагай севги иши ҳам.
Иккиси ўзаро курашар гўёки,
Қоришиқдир бунда изтироб, алам.
Уруш — бир ўткинчи, муҳаббат — боқий,
Ваҳший бўлиб кетар муҳаббатсиз дунё,

Ҳаёт замирида бир қудрат борки,
Майса — тошни ёриб чиққандек гўё..
Уруш, сен йигитни не кўйга солмадинг,
Лекин, у туну кун жанггоҳларда юрди,
Тўрт йил қирғин қилдинг, ўлдиролмадинг.

У бир ўлиб яна тирилаверди,
Уруш, сенинг дастингдан, эвоҳ,
Муҳаббат қасридир — ер билан яксон.
Уша етим қолган муҳаббат шаънига,
Балки ҳайкал қўяр фидойи Инсон!..
Урушни йўқ қилар балки одамзод,
Боши тошга тегиб, кирганда ақли,
Бир кун келар ахир — маъсум бир ҳаёт,
Муҳаббатки — шундай кунларга ҳақли!

ЧАРХИ БЕСТУН

Қоронғу, зим-зиё ул кечаларда,
Сукунат босганда ернинг юзини,
Инсон қадами тиниб кўчаларда,
Самовот бир лаҳза юмгач кўзини,
Бир аланга ўрлар туннинг бағридан,
Буралиб ловуллар олов ва тутун,
Гўё отилмишдир ернинг қаъридан,
Атрофни бир заҳар қопламиш бутун,
Индирияпмиз бугун оталар қабрини,

Чинқирган руҳлардир бугун ломакон,
Унутдик гуноҳу савоблар қадрини,
Ва бугун тенг бўлди ер билан осмон,
Ажаб, во ажабдир! Асаблар туғён,
Доҳийлар қотилдир, қотиллар — доҳий,
Не бир аросат бу? Ва нечук замон,
Инсоний қусурми ёки илоҳий?...

Э-воҳ! Қарангки, ёнмоқда мозорлар,
Гўё бедодликдан чинқирар аллаким.
Тун аро қандайдир шарпалар кезарлар,
Марҳумларни сўроқ қилишар балким,
Мозорлар ёнаётир, руҳият ёнаётир,
Гуноҳлар ёнмоқда ва савоблар ҳам,

Тириклар ўликлардан қасос олаётир,
Қиприкда қон бўлиб қотмиш дард, алам,

Фалак пештоқида оналар фарёди,
Олов ва қон билан покланар виждон,
Юракка санчилар марҳумлар ёди,
Ҳаёт сабоқлари аччиқ, беомон,

Бир таскиндир бу чоқ тавба-ю тазарру,
Тўғарак дунёдир, чархи бестун,
Қарз бўлиб елкадан босиб турар у,
Бизнинг мозорлар ҳам ёнмасми бир кун?

САҚЛАРМАН ДАХЛСИЗ

Бобо, ўғитларинг қулоғимда ҳамон,
Ҳалиям нотинчдир бизнинг бу замон,
Гоҳида ер ёнадир, гоҳида осмон,
Бир ёқда яхшилардир, бир ёқда ёмон,
Ўзингга инонгандек менга ҳам инон,
Элимни балолардан сақларман дахлсиз.

Алишер адолатни ёқлаган мисол,
Эътиқодни мардумдек сақлаган мисол,
Улуғбек само бағрин чоғлаган мисол,
Бобур Андижонини йўқлаган мисол,
Жангчи ўз қасамин оқлаган мисол,
Дилимни иғволардан сақларман дахлсиз,

Жондан кечмоқ керак фидо бўлмоқ учун,
Алангага айлангуси оқибат учқун,
Халқинг қанча бут бўлса, бағринг ҳам бутун,
«изм...» ларнинг хуружи авжида букун,
Тортсалар ҳам бошимни кундага бир кун,
Тилимнинг ўзлигини сақларман дахлсиз.

Қабрингда оқ мармар турибди, бобожон,
Йўқ эдим, гулларинг сўлибди, бобожон,
Дўстларинг ҳам лоқайд юрибди бобожон,
Кимдир тошдан номинг қирибди, бобожон,
Қузғунлар айланиб юрибди, бобожон,
Мозоринг тўфонлардан сақларман дахлсиз.

ОРОЛГА СУВ КЕРАК

Энди гап керакмас Оролга, инон,
Хатто кўз ёши ҳам фойдасиз мутлақ,
Бугун рўй-рост, тарозига қўйилди виждон,
Фожиа эшик қоқиб тургани ҳам ҳақ,
Энди ҳожатмасдир на олтин, на зар,
На қарор, на буйруқ — бермагай фойда.
Бир ариқ сув бергин кучинг етса агар,
Қайда ўша ариқ? Ўша сув қайда?

Хўш, Сибирь ёқдан-ку сув ололмадинг,
Қадам босолмадинг дўстларинг юзига,
Рост гапни айтишга ҳам журъат қилолмадинг,
Тик ҳам қарай олмадинг улар кўзига.
Муздек совуқ сув олдида... газнинг,
Тандирдай қизиган олови ҳечдир.

Биродарлик шаънига мадҳиялар ёздинг,
Шақирлаган ёнғоқдек барчаси пучдир?
Олтин ҳам ўртада, яйлов, уран ҳам,
Сталинградда қон қоришиқ тупроқ.
Сўнгги зоғорани кўрган эдинг баҳам,

Садоқатдан бошқани ўйламадинг бироқ.
Орол ҳам ўртада! Қизил ва Қорақум,
Ўртададир Норақ, туркман тулпорлари,
Оролга қул эдинг... сўнг бўлдинг ҳоким,
Ғаламис кўз ила боқдинг Орол сари,

Қулдурум туядек ютдинг Аму, Сирни,
 Қорнинг тўйса ҳам, ялмоғиз, тўймади кўзинг,
 Сигирдайин соғдинг, жабрдийда ерни,
 Тавқи лаънатга қўйдинг ўзингни ўзинг.
 Олисан эшитилар карвон қўнғироғи,
 Гўё йўқсизликка кетиб борар Орол.
 Ўша элнинг ўксук Қўнғирот, Мўйноғи,
 Кузатар аламли, сўнгсиз илинж, хаёл.
 Орол бериб бўлди сенга бор-йўғини,
 Сўнгги илтижосин қилмоқда балки.
 Идрок этсанг — топарсан бир йўриғини,
 Аксинча-сен шуни яхшироқ билки,
 Мамлакатга пахта керак — бу ҳақдир!
 Аммо, Орол ҳам керакдир юртга жондек.
 Адолатни демасликнинг имкони йўқдир,
 Қайда бордир сахий ўлка Ўзбекистондек!
 Энди гап керакмас Оролга инон,
 Сув керак!
 Кўз ёшлардан йиғилган намлик.
 Тайёрмисан Орол учун бўлмоққа қурбон?
 Зеро, кўз ёшларинг қилғуси камлик!...
 Сен-ку ўша мозийдан, қадим замондан,
 Ер узра чувалчанглар бўлгандан буён,
 Тўзонлар орасидан, ажралиб «осмон» дан,
 Ниш урганда ёруғлик ичра тирик жон,
 Сажда қилар эдинг зумрад тупроққа,
 Ўзбеклар юртига! Чулғаниб орзу — хаёлга,
 Интилиб-интилиб, йироқ-йироққа,
 Сажда қилар эдинг ям-яшил Оролга!
 Сен-ку ўша «Авесто» ёки Гомернинг
 Шоҳона мисралари яралган чоқдан,
 Барча заҳматлари сингиган тупроқдан,
 Оролни ардоқлаган қадим она-Ернинг,
 «Гўрўғли» нинг миллион йўл ашъори ҳамда
 Бу Алининг табобат «санъати»ча то,
 На баҳор, на ёзда — қилмайин канда,

Шукр эмас, сажда қилдинг Оролга ҳатто...
Сўнг... барчасин олдинг денгиздан сўриб!
Сўрдинг! Гуё аждаҳодек ютдинг,
Илтижо қилди, илтижо! Тинкаси қуриб,
Энди қайтармоқлик фурсати етди!
Бугун Орол энди мадад сўрар, э-воҳ,
Шафқат сўрар сендан! Тингла, эй Инсон!
Фидойилик даъвоси — жар солдинг гўё,
Тайёрмисан Орол учун бўлмоққа қурбон?

ТЕМИР ОДАМ

Уша «Темир одам» бугун яна пайдо,
Қайси бир заводда кўришибди бу гал,
Бундай ҳодисадан ҳайратдадир дунё,
Уз ажали билан ўлганди бир маҳал.

Бу не мўъжизадир? Демек, у тирик!
Ҳамонки юрибди бизнинг орамизда.
Иссиқ-совуғимизга гўёки шерик,
Қуруқ сиймоси яшар хотирамизда...

У бир замон бор эди суронлар аро,
Сўнг уни негадир бошлиқ кўтардилар.
Баъзида даҳшатли кўринарди гўё,
Шу боис «Темир одам» деб атардилар.

Дарвоқе, у шафқатсиз, ўта дилозор,
Сеҳрли кимса деб чиқарганди ном,
Дастидан баъзи биров чексада озор,
Элда ҳоким эди темир интизом.

Темир эди ирода, темир эътиқод,
Эшиқлар темирдан, темирдан дарпарда.
Темир буйруқлардан югурарди ҳаёт,
Қонунлар темирдек! Бузилса агарда..

Адолат ҳурмати — темир панжарадир,
Темир кишанга тушар қўли эгрилар.

Зим-зиё зиндонлар азобин кўрадир,
Юрт мулкига хиёнат қилган ўғрилар...

Уша мотам маҳали жабрдийдалар..
Тош отишди марҳумга тобут ортидан.
«Ботир кўпаярмиш ёв қочса» дейдилар,
Номардлар чиқди ҳатто она-юртидан.

Ўққа тутишди кўксин нишонга олиб,
Аmmo ҳамон тирик эди «Темир одам».
Куйдиришди танини гулханга солиб,
Тирик эди борлиғи ёниб турса ҳам.

Сўнг дейишди: Қабрини бузинг, йўқотинг,
Наҳотки шоҳ эди бизга бир келгинди?
Ҳатто суякларин ўз элатига отинг,
Бизнинг тупроқдан бутун йўқолсин энди!

...Уша «Темир одам» бугун яна пайдо! —
Нима қилмоқ керак? Демак — у тирик,
Нодонни таъқиб этиб тургандек гўё,
Ва бизнинг кўргулликка ҳамон у шерик!

РАЪНОГА ЕТКУРДИНГ

Розман минг бораким, раънога еткурдинг мени,
Аълолар подшоси минг аълога еткурдинг мени.
Неъматинг шароридан нур ичраман, тагрим бу дам
Ол сифат, севги деган савдога еткурдинг мени.

Бир қиё боқдимки унга, англадим олам надир,
Етмагим мушқил ўшал — рўёга еткурдинг мени.
Гул юзи қалбим ароким бир баҳордир беқиёс,
Истагим — ул бир нафис дунёга еткурдинг мени.

Менки гулшанлар аро бир моҳи чеҳра изладим,
Васл ато этдинг менга, барнога еткурдинг мени,
Англадим — гуллар аро энг яхшиси раъно эрур,
Севгининг гултожи ул — Зухрога еткурдинг мени.

Лолазор эрмаски, оҳим — бир шафақ ичра ёнур,
Илтифот этдинг, гўзал орога еткурдинг мени..
Дер эдимки: бир умр гулзор бўлай раъно учун,
Ақлу ҳушимни олиб, раънога еткурдинг мени.

СИЁҲ ЗУЛФЛАРНИ ДЕБ...

Бир париваш ҳажрида	гирёна бўлдим оқибат,
Ишқ аро ёндим тамом,	сўзона бўлдим оқибат,
Ногаҳон бошимга тушди	айрилиқнинг кулфати,
Шамъи рухсорин дея	парвона бўлдим оқибат,
Икки дунёданки кечдим	шу сиёҳ зулфларни деб,
Шу сиёҳ зулфларни деб	девона бўлдим оқибат.
Не балоларга йўлиқдим	бу замон, эй дўстлар,
Дема дўст, ағёрданам	бегона бўлдим оқибат.
Васлига етмоқки истаб	юрт аро кездим бу дам,
Охири — Мажнун деган	афсона бўлдим оқибат,
Файзий, сен билмасмидинг,	дунё азалдан бевафо,
Бир шоҳона қаср эдим,	вайрона бўлдим оқибат..

ТУРНАЛАР ҚАЙТГАН КЕЧА

Олчазор боғингда кутдим,
Саф бўлиб, олис сафардан
Зориқиб кутдик сени
Тун ўтиб, ул тонг отарда
Васли рухсор иштиёқи
Қон бўлиб гул шохида
Ошкор этди мени
Мен хаёлан юзларингга
Ҳафталар ўтди баногоҳ
Завқи ишқдин ўртаниб
Лоладан гулхан ёқилди
Иккимиз сайр айлашиб,
Қолмағай Файзийда армон,
Мушкин ул сочингни сийпаб,
зор ўлиб, ўтган кеча,
турналар қайтган кеча.
осмонда юлдуз, ерда мен.
ой ботиб кетган кеча..
айлади ҳолим забун,
булбул фиғон этган кеча.
боғ ичра ойнинг шуъласи,
юзларим суртган кеча.
бир келиб кетган эдинг,
мен бир ғазал битган кеч?
ул жунун саҳросида,
сўнгра тонг отган кеча.
ташриф этсанг бир нафас
васлинга етган кеча..

САОДАТДУР МЕНГА

Сиз ила ҳамдамлигим,
Не саодат, меҳрингиздан
Ол ёноқнинг нақшиким
Сабза чоғи гулшан ичра
Боғ аро гул васлида
Қайснинг бор-йўқ муроди
Гунча лаб ишқида куймоқ,
Кўп қадимдан қолмиш ул
Ёр ёнига етолмай бир
Келса гар бир муждае
Бир умрки излаюрман
Топмасам ул иккидин,
Ноз ила дебсизки: Файзий
Ҳажрингизда интизорлик

жоно, саодатдур менга,
бир иноятдур менга,
гул баргига эрмиш қиёс,
на саховатдур менга.
булбул фиғон этган маҳал,
бир синоатдур менга.
Лайлини кўрмоқ эрур,
эски ривоятдур менга.
аросат ичрамен,
кони малоҳатдур менга.
боғни ҳам саҳрони ҳам,
кўрки, қиёматдур менга.
бир умр кутсин, не тонг,
бир қаноатдур менга.

БИР ОНА ФАРЗАНДИМИЗ

Кўрингки, бир тўда нодон,
Хар қайсимизда бир забон,
Гоҳида чин, гоҳи ёлғон,
Талош бўлди еру осмон,
Хар биримиз битта хоқон,
Бўрилардек ғажигади
На акада инсоф бордир,
Не тавбадур, не тазарру,
Қадриятлар тарс ёрилди,
Ярим шайтон, ярим инсон,
Рақибларнинг кулгусидир —
«Юҳомисан, еб тўймаган»
Бунда бўлса амал учун

фарзандимиз бир онанинг,
фарзандимиз бир онанинг,
фарзандимиз бир онанинг,
фарзандимиз бир онанинг,
фарзандимиз бир онанинг,
бир-бирини, тишлари қон,
на укада жиндай виждон,
даҳоларга келди қирон,
терс айланиб кетди замон,
фарзандимиз бир онанинг.
ўта тахир, ўта дашном,
дея менадан кулар ошнам,
«ур калтак...»лар этар давом,

Кетмонига суянганча

пинак қилар аҳли авом,
Бири айшдур, бири туғён,
Ибтидода салтанат йўқ,
Барча ҳикмат воқе эди
Ер тирналаб ризқ топардик
Тахт талашиб бадном бўлдик,
Энди ўзинг асра, имон,
фарзандимиз бир онанинг.
тенглик ҳоким эди бизда,
она берган нону тузда,
ажабтовур ўша кезде,
тавқи лаънат елкамизда,
фарзандимиз бир онанинг.

НУРСИЗ БУЕК

Муҳаббат тангриси,
Узоқ ухлаб қолдинг,
Қадим эҳромларки уйқунгга гувоҳ.
Зулфинг ҳар толаси минг тилло бўлдинг,
Ғариб бўлиб қолди сенсиз бу дунё,
Сени мудроқ босди. Эгей қирғоқлари —
Чайқала-чайқала оқибатда тинди.
Севги водийсининг сўнгги чироқлари,
Ўтмиш қаъридан сени излайди энди.
Изласа не фойда? Борми чораси,
Ким қайтиб келибди нарги дунёдан,
Фақат қайта ўртангай кўнгил яраси,
Ҳамон алангали, сирли савдодан.
Ишқ ҳам ухлаб қолди сен билан чоғи,
Йигит-қизлар адашди сўқмоқлар аро.
Борган сари нурсизланар унинг бўёғи,
Чин муҳаббат хираланиб қолмишдир гўё.
Қокил қўйган текинтамоқ унсурлар учун,
Севги иши бир ўйинчоқ ҳамда эрмакдир.
Муҳаббат ҳам бир матодек сотилар бугун,
Ҳақиқатми бу савдолар ва ё эртақдир!
«Эркин севги» деганининг бозори чаққон,
Бир қадаҳ шампанга тенг бутун эътиқод.
Билмадим, бу суюқ ранг кимлардан юққан,
Садоқатни ҳар қадамда қилишар барбод!
Муҳаббат тангриси! Маликам, уйғон,
Севги нурларига зор бўлди инсон!

ЖАҲОЛАТ

Чёрная речкада,
Уша қиш маҳали,
Жаҳолат Пушкинга ўқ отди ногаҳон,
Гофил ул Россия, билмасди ҳали,
Пушкиндан айрилиб қолганин жаҳон.
Отилган ўқ гўё момақалдироқ,
Сокин ул Питерни солди ҳайратга,
Уқсинган қалбларда асабий титроқ,
Лол қолди бутун эл бу синоатга.
Шоирнинг кўксидан қон оқар сирқиб,
Дўстлар кўзидан эса қон аралаш ёш,
Табиат гўё ўз қилмишидан қўрқиб,
Борлиқни тўзғитди, булутлар қонталаш.
Не бўлди?
Пушкинга рақиб ўқ отдими?
Ё подшо отдими рақиб қўли билан?
Қиборлик ул даҳони таҳқир этдими,
Демакки — олчоқлик тантана қилган!
Наҳотки, мағрибдан Машриққа ёйилган,
Улкан Россияга сиғмади шоир?
Русни эркин сўзда ихтиро қилган,
Фидойи фарзанднинг тақдири шулмидир?
Не ҳайрат? Ул кечмиш — қадимул айём,
Шундай қурилгандир бу кекса дунё,
Билгилки, аввал ҳам, ҳозир ҳам — мудом
Шоирнинг ғаними эмишдир подшо.

ДАҚИҚА ХУСУСИДА

Дақиқалар,
От чоптириб ўтиб кетмоқда,
Япроқлар тўкилар — ҳаёт варақлари,
Лаҳзаларки
Умрни таъқиб этмоқда,
Ва умр қисқарар лаҳза ўтган сари,
Дединг:
«Лаҳза ҳам гап-у,
Шунга ҳам ташвишми?
Бир лип этиб ўтди-ю, лип этиб кетди-да,
Унгингмиди, ўшанда ва ёйинки тушми?
Ҳушёр тортиб ортидан боқмадинг нега?
Уша лаҳза билан кетди мангуга,
Дўстга айтолмаганинг бир лутф, эзгу гап,
Бир чақмоқ кўз нуринг олиб кетди бирга,
Сен эй, ғофил, турибсан бепарво қараб,
Умр қисқармоқда лаҳза ўтган сари.

УН ЕТТИДА ЭДИМ

Ун еттида эдим мен ўша чоқда,
Чайир бир бола эдим, қишлоқи, асов,
Қўй боқиб юрардим элдан йироқда,
Қимлигим ҳам тузукроқ билмасди биров..

Аянчли бир замон, оёқда чорик,
Эгнимда бўз кўйлак, қўлда таёғим.
Чўл бўлиб яралган мен учун борлиқ,
Шу чўлда ёнмишдир менинг чироғим.

Чақирув қоғози... ўша қизил вагон,
Паровознинг бўғиқ давомли нидоси,
Яккам-дуккам овул, бепоён осмон,
Ҳадди-ҳудудсиз қозоқнинг саҳроси.

Ҳали анча олисда, Москва ёқда,
Гумбурлаб қолар эди тўплар ногоҳон.
Ҳамон ўша чўлни ўйлардим, Бу ёқда —
Поезд югурар эди фронтга томон.

Уша сўнгги фурсат, бир лаҳзали дамлар,
Қирнинг этагида учратдим у қизни.
Оқшом пайти эди, кўрмади одамлар,
Мени кутиб турган ул шаҳло кўзни.

Сўнг... қаттол жанг аро минг ўлиб, тирилиб,
Ҳар қарич ер учун фидо этиб жон,
Баъзан ёвни қириб, баъзида қирилиб,
Оппоқ қор устида кўксимдан оқиб қон,
Мен фақат ўша қизни ўйлардим ёлғиз.

Бошқа ҳеч нимани ўйламай асло,
Кўзимга кўринарди фақат ўша қиз.
Керак эмас эди менга бошқа дунё,
Сўнгра... жангдан қайтдим, гаройиб олам,

Бир ёнда — юпунлик, бир ёқ — алвон ранг,
Бир ёқда — Ғалаба! Бир ёқ — ғам, алам,
Қўлтиқ таёқлардан асаблар таранг.
Кутиб олди мени ўша яйдоқ сахро.

Қирқ йил ўтиб кетди, мен ҳамон ёлғиз.
Ҳамон атрофимда ҳувиллаган дунё,
Дилимда бир нидо: «Қайда ўша қиз?».
Мен-ку қариб қолдим сочларим оппоқ.
Лекин қалбни ўртар ўша дард ҳаргиз,
Орадан шунча йил ўтса ҳам, бироқ —
Ўн олти ёшдадир ўша шаддот қиз.

СЕН АЙРИЛДИНГ

Уша оқшом кўзим тўла ёш эди,
Юрагимга қадалган бир тош эди,
Узилмаган умид ва бардош эди,
Сен айрилдинг,
Мен ҳам сендан айрилдим.

Гул кетди-ю ҳувиллаган боғ қолди,
Хазон бўлиб узилган япроқ қолди,
Севги кетиб, қалбим аро доғ қолди,
Сен айрилдинг,
Мен ҳам сендан айрилдим.

Бир жонингга, эй қиз, юзта жон эдим,
Ҳар лутфингга минг бора қурбон эдим,
Меҳр эдим! Меҳр! Меҳрибон эдим!
Сен айрилдинг,
Мен ҳам сендан айрилдим.

Ҳижрон нчра ёниб-ёниб тутошдим,
Сени дебон не кўйи — бадга тушдим,
Кетма дея этагингга ёпишдим,
Сен айрилдинг,
Мен ҳам сендан айрилдим.

Билмадим, сен севармидинг, йўқмиди,
Манзилимиз яқинми, йироқмиди,

Толемиз қорамиди, оқмиди,
Сең айрилдинг,
Мен ҳам сендан айрилдим.

Сендақасин балки топмасман энди,
Бағрим ёнди, қанотларим ҳам синди.
Йиғлаб-йиғлаб кўз ёшларим ҳам тинди.
Сен айрилдинг,
Мен ҳам сендан айрилдим...

МАРҲАБО, ГУЛ ФАСЛИ

Бугун қучоғингда бир олам чўғдек —
Лолақизғалдоқлар келтирдинг элимга.
Гўё мовий рангнинг ҳудуди йўқдек,
Бир дунё яшилликни беркитдинг дилимга.
Сени кутдим, Наврўз, ўша қор тагида,
Бинафша ниш уриб, барг ёзган у чоқ.
Жилғалар чулдираб қирнинг этагида,
Нафас олганида ҳансираб тупроқ.
Сен келдинг, хайрият! Шукрона, ташаккур,
Интизор кўзларим толиққан бир дам.
Мудроқ табиат узра ёйилди бир нур
Ва шу чоқ яшарди, покланди олам.
Сен ўша — олисдан, қадим дунёдан,
Олиб келдинг «Авесто»нинг илиқ нафасин.
Қарвонлар судралишган поёнсиз саҳродан,
Келтирдинг аждодларнинг туркона сасин.
Гулбаргак тақинган ўшал қизгина —
Баҳор ўз севинчларин улашган маҳал,
Қўлларга хино қўйиб, кўзларга сурма,
Сенга пешвоз чиқарди ҳаммадан аввал,
Бир фасл — нодонлик...

идроқлар сўқир,

Жоҳиллик қурбони, Гул ҳам,

Наврўз ҳам,

Кўнгилар бўм-бўшдир, биёбондек тақир,

Имонсизлик... қалбларни тирнади алам.

Хайрият!

Кучоғингда бир олам чечак,
Навруз яна келди!

Гулга тўлди боғлар.

Наврўз келди!

Гўё сулув бир келинчак.

Гул фасли!

Эзгуликка ташнадир бу чоқлар'

Бугун қучоғида бир олам,

чўғдек —

Лолақизғалдоқлар келтирди

Наврўз.

САБО БИЛАН

Дилрабо, қалбимга кирдинг тонгги ул сабо билан,
Не сабоким, субҳидамда янграган наво билан.

Субҳидамнинг илтифотига этай шукронаким,
Ташна дилни ҳамдам этди кўзлари шаҳло билан.

Кўзларинг кўрган замон кўксим аро нақш айладим,
Илтимосим, кулмагил ёр, бу сифат савдо билан.

Бунчалар иффат, назокат, бунчалар кўҳлик нега?
Во ажабким, ўлчанур ҳар қатраси дунё билан.

Ун саккиз минг олам ул ҳуснингга бўлмишдир асир,
Сен эсанг оворадурсан назм деган рўё билан.

Уртада ҳижрон эди, ёр бир тараф, мен бир тараф,
Толенким юз кўриштирди мени Зухро билан.

Ул қадимда нақл этилмиш — ҳар замонда бир замон,
Мажнун ул саҳро биландир, мен эсам Лайло билан.

То тирикман бу ҳаётда мадҳ этай тақдирни мен,
Этмиш ул Файзийни ошно сен каби доно билан.

ТУШМИ, Е...

Боғда бир гулюзни кўрдим,
тушми ё ўнгиммидир,
Қошлари қундузни кўрдим,
тушми ё ўнгиммидир.
Қай бири қирмиз экандир:
ғунчами ё ғунчалаб,
Лаблари қирмизни кўрдим,
тушми ё ўнгиммидир.
Тонг маҳал гулзорда кезмиш
оймиди, юлдузмиди,
Чақнаган юлдузни кўрдим
тушми ё ўнгиммидир
Кўрдим-у ақлим адашди
нозик-у нозик ниҳол,
Нозик ул бир қизни кўрдим,
тушми ё ўнгиммидир.
Бул сифат гулнорани
жаннатда балки кўрмадинг
Елғиз ул! Елғизни кўрдим,
тушми ё ўнгиммидир.
Файзи-ё, балки адашдинг,
кўрганинг тонгги сароб,
Иўлкада бир изни кўрдим,
тушми ё ўнгиммидир.

ЭШИГИНГДА

Қоматинг гулга ўрай,
Гулзор бўлдим эшигингда,
Гул юзингни бир кўрай,
Хумор бўлдим эшигингда.
Тонг аро келдим ва шомда
Топмадим сендан дарак,
Кўзларимда уйқу йўқ,
Бедор бўлдим эшигингда.

Маҳвашим, қирқ кокилингга,
Бу кўнгил юз бандидир,
Васлинг ўртаб ҳар кун,
Юз бор бўлдим эшигингда.
Раҳим қилғил менгаким сен,
Эл демай: ким бу жунун,
Зору зордир сенга Файзий,
Зор бўлдим эшигингда.

ДАДАРЕДУР ДЕСАМ

- «Кўзларинг бунча шаҳлодур» —
десам, дерки: «Не ишинг?».
- «Не шаҳло, жонга балодур» —
десам, дерки: «Не ишинг?».
- «Арғувон гуллар аро кўрдим
бўйингни тонг маҳал,
Қадди-қоматинг зебодир» —
десам, дерки: «Не ишинг?».
- «Фамзанг олови ёндирмоқда
жисму жоним, нетай,
Айтки, бу нечук савдодур» —
десам, дерки: «Не ишинг?».
- «Лайли фироқинда Қайс киби
ул Қарбалода мен,
Кўз ёшим қулзум дарёдур» —
десам, дерки: «Не ишинг?».
- «Ҳоқоним, абгор қулингга
бир нигоҳи этмасанг,
Не тонг, илгингдин жудодир» —
десам, дерки: «Не ишинг?».
- «Шафқатинг учқуни деб Файзий
зор-зор ўтар элдан,
Раҳм қилки, куйиб адодир» —
десам, дерки: «Не ишинг?».

САОДАТДИР МЕНГА

(Лутфий ғазалига мухаммас)

Ҳуснига шайдолиғим минг бир саодатдур менга,
Бир нигоҳ солсанг магар, ишқинг ижобатдур менга,
Неки ишқ, бир қатраси кони малоҳатдур менга,
Давлати васл илтимоси не ҳикоятдур менга,
Улки, ёдинг бирла жон берсам кифоятдур менга!

Не дейин: бир сен каби султони талъат менда йўқ,
Жон деганда, жон ила парвона, улфат менда йўқ,
На илож — бечорамен, шамъи ҳидоят менда йўқ,
Жаврунг ортар ҳар даму шойишта хизмат менда йўқ,
Не сабабдин, ё раб, ушмунча иноятдур менга.

Йўлларингга термулиб, эй гулбадан, йиллар ўтар.
Интизорлик дилни ўртаб, оҳу воҳ кўкка етар,
Бир умидки сўнмагай ҳеч — туну кун бирдек кутар.
Чун хаёлинг келса, кўз ёшин назар йўлин тутар,
Ахтари сайёрадин ушбу шикоятдур менга.

Ишқим, эй, рад айласанг — дунё харобот, оқибат,
Севгимиз шаънига бир дунё маломат, оқибат,
Бил, ғанимлардин яна келгай, ҳақорат оқибат,
Ҳар нима бўлса анга бордур ниҳоят оқибат,
Нозу бедодинг дурурким бениҳоятдур менга.

Найлайин, дилдоранинг васли эрур мендан йироқ,
Кўйида мен ёна-ёна, бут эдим, бўлдим қуроқ,
Ул жунун савдосидан ким Файзийга етди сабоқ,
Лутфийнинг назми дурига солсангиз, шоҳим, қулоқ,
Ғояти таҳсину воъи иноятдур менга.

БУ КҮНГИЛ

(Лутфий ғазалига мухаммас.)

Ишқни пайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,
Ўзни фидо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,
Охир адо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,
Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,
Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Ул пари парво қилурму кўзи ёшлиқлар учун,
Ёки шафқат заррасидур феъли хушлиқлар учун,
Кўз ёшингиз не эрур ул бағри тошлиқлар учун,
Ўқдайин қоматимизни қора қошлиқлар учун,
Муттасил ё қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Лайлининг ишқидамен,, бағрим тўла ғам, нетайин,
Кеча-кундуз йиғларам, киприкларим нам, нетайин,
Бу Жунун саҳросида йўқ эрса ҳамдам, нетайин,
Борма дерлар эшиги сари дамо-дам, нетайин,
Кўп тақозо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Бу юракнинг ноласи бирла қоронғу кечада,
Қошу кўзин нағмаси бирла қоронғу кечада,
Лабининг шалоласи бирла қоронғу кечада,
Тори мўйин ҳаваси бирла қоронғу кечада,
Жонни савдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Севгиннинг султони улдир, биз киби қулни мудом,
Ноз ила овора этди, қон қилиб дилни мудом,
.Лолазордин ажратиб бечора булбулни мудом,
Душману дўст орасинда мени ғофилни мудом,
Бесару по қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Куйламоқ — бахтдир гўзалнинг қошини, эй Лутфий,
Ул гўзалки — кўнглимиз сирдошини, эй Лутфий,
Ишқ йўлинда Файзийнинг бардошини, эй Лутфий,
Ўзгадин кўрмаки кўзунг ёшини, эй Лутфий,
Айни дарё қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

ТАНЛАГАНИМ СЕН

(Навобий ғазалига мухаммас)

Эй суманбар, бир қўлингман, султоним сен менинг,
Мен ғариб ерда ётурман, осмоним сен менинг,
Ноз ила ўлдургучи шўхи замоним сен менинг,
Ғар жафо қил, ғар вафоқим, дилистоним сен менинг,
Ғар мени ўлтур, агар тиргузки, жоним сен менинг.

Хоҳ шомдур, хоҳ субҳ сендин агар келса хабар,
Шоду хуррамлик аро мужданг этурмен тожи сар,
Пойингга сатқа бўлойин ноғиҳон келсанг агар,
Хоҳ раъно қад била борғил ёнимдин жилвагар,
Хоҳ кел қошимғаким, сарвиравоним сен менинг.

Мушкин ул кокилларингни соғиниб зорим сенга,
Бир қиё қилсанг агар сен, неки бор, борим сенга,
Жон сенга, имон сенга-ю давлату молим сенга,
Қўнглим ичра сенсену ишқинг, не дей, ҳолим сенга,
Чун бу янглиғ маҳрами рози ниҳоним сен менинг.

Ҳажринг ичра телбамен, зулфи сиёҳим, қилма айб,
Ишқ аро толеъ будир, билгилки, шоҳим, қилма айб,
Бир кунни васлингга еткурсин илоҳим, қилма айб,
Жилва айлаб ҳар замон, афғону оҳим қилма айб,
Ҳам сен — ўқ чун боиси оҳу фиғоним сен менинг.

Саҳни дилда ўзлигинг машҳур қил, эй хаста жон,
Ташна кўнгулни бу дам маъмур қил, эй хаста жон,
Ошиғин маъшуқага манзур қил, эй хаста жон,
Лаълидин бир-икки сўз мазкур қил, эй хаста жон,
Бори бу бир-икки дамким, меҳмоним сен менинг.

Юз балога мубтало қилдинг мени, лек англағил,
Бевафо бир кас дебон кулдинг, мени, лек англағил,
Мен гирифтори замон, билдинг мени, лек англағил,
Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек англағил,
Қим пари рухсорлардин танлағоним сен менинг.

Дил сенинг ишқинг гадосидур, гадо дебсен ани,
Ишқ аро ёнди, адо бўлди, адо дебсен ани,
Боридин Файзий жудодир, бо жудо дебсен ани,
Улди меҳрингдин Навоий; бевафо дебсен ани,
Эртаки нозук мижози бадгумоним сен менинг.

ЯХШИЛИК

(Бобур ғазалига мухаммас)

Яхшидин неки кўрибсен, бас, ёмондин яхшилиғ,
Аҳли дониш бўлса, бу, кутма нодондин яхшилиғ,
Не каромат қилди Ер, не Осмондин яхшилиғ,
Қим кўрибтур, эй кўнгил, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Қимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Енса жисмим, ўтда қолсам, айб қилма, эй рафиқ,
Куйсаму сўзона бўлсам, айб қилма эй рафиқ,
Гоҳи йиғлаб, гоҳи қулсам, айб қилма, эй рафиқ,
Бу замонни нафъин қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ.

Соғининг савдоси тўфон солди маҳзун кўнглима,
Демаки, васли шифойи бўлди маҳзун кўнглима,
Мушкин ул кокиллари ёр ўлди маҳзун кўнглима,
Дилраболардин ёмонлик келди маҳзун кўнглима,
Келмади жонимға ҳеч оромижондин яхшилиғ.

Ер агар содиқ эса, билгилки, мундин яхши йўқ,
Интизор кутса сени, борғилки, мундин яхши йўқ,
Кўнглини суҳбат аро олғилки, мундин яхши йўқ,
Бори элға яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,
Қим дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Васли дея Андижонға бўзлама Бобур киби,
Бевафо бўлгач, вафосин излама Бобур киби,
Яхши бўл, Файзий, ёмонни эслама Бобур киби,
Яхшилиғ аҳлижаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрибтур, эй кўнгил, аҳлижаҳондин яхшилиғ.

ГУЛНОЗАЛАР

(Фузулий газалига мухаммас)

Ҳар нечук таърифдан ортиқ ғунчалаб гулнозалар,
Ўн саккиз оламга арзир олсангиз андозалар,
Ўйла — қирмизи шароб, тасвири заррин косалар,
Ҳар китобаким, лаби лаълинг ҳадисин ёзалар,
Риштаи жон бирла завқ аҳли ани шерозалар.

Фурқат ичра кўзда ашким демадан бир кимсая,
Қалбни ёққан кўзу қошким демадан бир кимсая,
Ўз кўзингдан дилда рашкинг, демадан бир кимсая,
Бу на сирдур сирри ишқинг демадан бир кимсая,
Шаҳра душмиш ман сани севдим деган овозалар.

Бир кўринг, ногоҳ манга дурлар сочибдур тиғи ишқ,
Ҳайрато, қалбим сари кўзлаб учибдир тиғи ишқ,
Бағрима ханжар уриб, илло, қочибдур тиғи ишқ,
Чоклар кўксимда, сонминг ким очибдур тиғи ишқ,
Кўнглиминг шаҳрина меҳринг кирмака дарвозалар.

Бевафолик тушса ногоҳ, ёра, мандан инжима,
Айрилиқ саҳросида кезган у жондан инжима,
Меҳру шафқат кўрмасанг, Файзий замондан инжима,
Эй Фузулий, ёр агар жавр этса, андан инжима,
Ёр жаври ошиқа ҳар дам муҳаббат тозалар.

КЕЧАЛАРДА

(Атойи ғазалига мухаммас)

Васлин умиди — йўқдир қарорим кечаларда,
Тўфон кўтарар дилда шарорим кечаларда,
Нозинг алами ошса, нигорим, кечаларда,
Гардундан ўтар нолаву зорим кечаларда,
Билмас, нетай, ул моҳ узорим кечаларда.

Булбул бағри қон айри тушиб матлаби — гулдин,
Сарғаймиш агар роз тингламас ғунча булбулдин,
Ушшоқ аҳлининг фарқи недур чорасиз қулдин,
Заҳра ёғилур дарди фироқинда кўнгилдин,
Оҳейки, чиқар ўқ каби ёрим кечаларда.

Бағрим ёнадир, дардимни айтай қора кўзга,
Жоним сатқадур жон олғувчи ишва-ю нозга,
Ул офатижон бир шафқате этмаса бизга,
Йўқтур, ғаму ранжу; аламу қайғудан ўзга,
Ҳажрингда менинг ҳамдаму ёрим кечаларда.

Фурқат азоби ўлтурғуси охири бир кун,
Дилни чирмаюр ул ишқ деган азали тугун,
Балки иқболим равшан эрур ва ёким нигун,
Ҳижрәи черики, баски, эрур жонга шабихун,
Дунёни штар гарду ғуборим кечаларда.

Абадқи мадҳ этурман мен ўшал шаҳло кўзни,
Кўзимга нақш этурман ул жонга бало кўзни,
Шаҳлолар аросинда танҳо-ю танҳо кўзни,
Ед айласам ул шўҳи қароқчи қаро кўзни,
Қолмас, нетайин сабру қарорим кечаларда.

Ишқ аро шайдо бўлсам Атойи бикин элга,
Аросат ичра қолсам Атойи бикин элга,
Файзий, илтижо қилсам Атойи бикин элга,
Зулфи ғамидин ўлса Атойи бикин элга,
Булғусидурур ер мозорим кечаларда.

ЖАМОЛИНГ ВАСФИНИ...

(Атойи ғазалига мухаммас)

Бир қиё боқдинг-у ногоҳ ўшанда,
Сен қойдасан, шу кўй хаёлим анда,
Нигоҳингни излаб зорман гулшанда,
Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул уёттин анжуманда.

Жондек севар қаро холингни кўнглим,
Тангридан тилар иқболингни кўнглим,
Гулбаргидек ўшал лабингни кўнглим,
Таманно қилғали лаълингни кўнглим,
Киши билмас они ким қолди қанда.

Сабза узра шабнам — дурдона сенсен,
Арғувон-у насрин, райҳона сенсен,
Не дейин, талъати замона сенсен,
Чу жонимдан азиз жонона сенсен,
Керакмас жон менга сенсиз баданда!

Сен бўлмасанг менга роҳат не ҳожат,
Ҳижрон туни, айтгил, ишрат не ҳожат,
Елғиз бу бошимга давлат не ҳожат,
Манга ул дунёда жаннат не ҳожат,
Эшигинг тупроғи басдур кафанда.

Булбул фиғон айлар топқунча гулни,
Сўнгра нисор айлар қон бўлган дилни,
Шафқат этиб сийла ўша булбулни,
Узун сочингдан узмасман кўнгулни,
Аёқинг қанда бўлса, бошим анда.

Ишқдин ўзга менда мурод не эркин,
Ул шўхи санамлар бунга не деркин,
Кўйи-бадда, Файзий, ўтармен бир кун,
Тилар эл мансаби олий, ва лекин,
Атойи сарви озодингга банда..

ДИЛДОР УЛАНДАН СЎР

(Фузулий ғазалига мухаммас)

Бу оқшом суҳбатин ёлғиз менга дилдор ўландан сўр,
Унинг дардин Жунундек бир дили афгор ўландан сўр,
Муҳаббат кўйида сарсон, ғарибу зор ўландан сўр,
Шифойи васли қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Магарки ошиқ эрсанг, бил ўзингдан, бошқадан кўрма,
Диллингни ром этибди қошда ўсма, кўздаги сурма,
Қаро кўзлар фироқ этса, сен, эй жон, оҳу воҳ урма,
Лабинг сиррин келиб гуфтора мандан ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Баҳор айёмидур, гулюз санамга ташнадир кўнгул,
Қизил гул ҳажридаким нолаю афгон қилар булбул,
Ушал маҳваш жафо айлар, ва лекин сен вафо қилғил,
Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Сен эй, огоҳ эмассан нозларинг жаврин чеканлардан,
Висол ишқида қирмиз юзларинг жаврин чеканлардан,
Кўнгулга чўғ солувчи сўзларинг жаврин чеканлардан,
Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жаврин чеканлардан,
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Балон жон эмиш кўзлар, шаҳлодан сўрма аҳволим,
Шаҳло неки, жонга бутган балодан сўрма аҳволим,
Не парвой фалакки ул барнодан сўрма аҳволим,
Гамингдан шаъмтак ёндим, сабодан сўрма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон манимла ёр ўландан сўр.

Бу оқшом роҳатидан беҳабарсан зоҳиди ғофил,
Шоҳона ишратидан беҳабарсан зоҳиди ғофил,
Ки Файзий давлатидан беҳабарсан зоҳиди ғофил,
Муҳаббат лаззатидан беҳабарсан зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

БИЗ УТГАН СУҶМОҚЛАР

Торим, қирқ йилдирки куйлайсан қўлимда,
Қирқ йилдирки сен-ла биргамиз иккимиз.
Ҳамиша ҳамнафас, ҳамроҳсан йўлимда,
Ташвиш бир, бир хилдир елкада юкимиз.
Ҳамонки қулогимда биринчи оҳанг,
Биринчи қўшиғинг қалб аро яширин.
Ўша гулгун олам, ўша баҳорий ранг,
Ўша Алиф Лайло, Фарҳод ила Ширин...
Олисларда қолди биз ўтган суҶмоқлар,
Ҳаёт шиддатлари этди имтиҳон..
Порлаб турар экан биз ёққан чироқлар,
Кўнгилни тарк этмади ишонч-у имон,
Эсингдами, менинг биринчи севгимни,
Изҳор этувдинг ўша — чилвирсоч қизга..
Муҳаббатнинг олови куйдирмас кимни,
Не бўлса аёндир фақат иккимизга.
Эсингдами, ўша — қаттол жанг-у суроқ
Юрт учун, эл учун жонни тиккан кун.
Иккимиз ҳам ўн еттида эдик у замон,
Нажот излардик Ватан тақдири учун.
Эсингдами, нонга зор, ўша — юпунлик,
Адолат деб оёқ яланг кезганимиз..
Билар эди, дунё эмасди бир кунлик,
«Ғалаба»ни қизил рангда ёзганимиз.
Не бир деворларга урмадик бошимиз,
Китоблар оламида кездик дунёни..
Атомни парчалашга етди бардошимиз,
Ағдар-тўнтар ҳам қилдик олис самони.
Не бир кунлар ҳам келди: алғов-далғовли,

Марҳумларнинг ортидан тошлар ҳам отдик.
Қайда эди дейсиз иссиқ уй-жой, ҳовли.
Изғирин аёзларда ўтовларда ётдик.
Неники амр этди менинг виждоним,
Сен уни оламга баралла куйладинг.
Туққан тупроғим дея куярди жоним,
Мен неларни ўйласам, сен ҳам ўйладинг.
Сен куйладинг гоҳ завқли, гоҳида ғамгин,
Бировларга ёқди-ю, бировларга йўқ..
Гоҳ ғунчани,
Гоҳ гулнинг қовжироқ баргин,
Кўнгли қора, ағёр ҳам топилди бироқ,
Сен куйладинг: сулув юрт — Ўзбекистонни,
Бир юртки — унинг меҳри қонимиздадир.
Ўзбекистон: она -Ер — жону жаҳонни,
Бир жаҳонки — не қон, ул жонимиздадир.
Ҳа, уни жоним дедим, бу куюнчак қалб,
Ўзбекистоним учун балогардондир.
Тутоқаман баъзи касларга қараб,
Ё ўта қаллобдир, ёки нодондир.
Не дей, амалпараст казо-казолар,
Бўридек бир-бирин ғажиса бу чоқ,
Тириги майли-ку, ўликни жазолар,
Не бир иснодларга қолди бу тупроқ.
Демак, ҳали тинчлик йўқ, ташвишлар беҳад.
Овозимизни ҳали кўп тинглар олам,
Бизни олға етаклар эзгу бир ният
Куйлаймиз яхшиларни, нокасларни ҳам.
Умидимиз кўп ҳали ёруғ дунёдан,
Қанча гул-у гулнора кўз тутар бизга.
Қўшиғимиз безангай нуру зиёдан,
Шодлиги ҳам, ташвиши ҳам — иккимизга..
Ҳали хизматингдан улгурмадим қониб,
Сен дунёда ёлғиз бойлигим ва борим.
Ҳарқалай, ҳақиқатни куйладинг ёниб,
Ўтинчим — мendan олдин синмагин, торим!

ТЕМУР

(Мақбара ёнидаги ўйлар)

Самарқанднинг табаррук, дилбар кўксида
Темур мақбараси турар ҳашамдор
Кўм-кўк гумбазининг ёрқин аксидан
Доим қалқиб турар улуғлик, виқор
Кўзни ёндирувчи зумрад бўёқлар
Тортиб олмиш гўё кўк тиниқлигин
Мовий осмон билан талашур улар
Мўъжиза дер эдим мен буюклигин
Мангу уйқу ичра энди бунда ётмиш
Бир пайтлар дунёни титратган Амир
Орадан фасллар, асрлар ўтмиш,
Ҳамон ётар — гўёки ғафлатга асир.
Бу ер, бир азизу авлиё эмас,
Темур хоки қолган бир зиёратгоҳ
Ҳамон одамларнинг оёғи тинмас,
Бу қадимий диёр баридан огоҳ,
Зиёратга келур етти иқлимдан
Қирол,
Президент,
Элчи, вазирлар,
Оддий фуқаролар, табиб, билимдон,
Фазога йўл очган нозир-фозиллар.
Мақбара! Осмонга елкасин тутиб.
Сукунат қўйнида турар улуғвор
Лод қоласан одам, ақлинг унутиб.

Бу гўзал санъатла қилиб ифтихор.
Улуғ Амир!
Турибман қабринг ёнида,
Қўлларим кўксимда, эгиб бошимни
Сокинлик ҳукмрон бу заҳ хонада,
Бир шам ёритмоқда қабр тошингни
Сенга эгилишим, таъзим қилишим,
Қўрққанымдан эмас сендан, Жаҳонгир!
Бир эътиқод ила бунга келишим —
Буюклигинг, қудратинг ҳурмати, Амир!
Зероки, нега ҳам қўрқишим лозим,
Ётган бўлсанг зилдай харсанг остида
Даҳшат йўқ, беозор етибсан-ку жим,
Фақат еллар ўйнар тананг устида.
Ҳа!

Даҳшатли эдинг бир пайтлар, ахир —
Номингни эшитиб титрарди эллар.
Салом беришарди соянгга бир-бир
Оёғнинг остида инграган қуллар.
Баланд кўтарганча эркни, байроқни,
Босқинчини элдан қувгандинг рўй-рост.
Ва шафқатсиз забт этиб яқин-йироқни,
Қамчинг,

қиличингдан қон томгани рост...

Шу дам, назаримда мақбара ичра,
Бошлангандай бўлди бир тўфон.
Тобутни иргитиб, ғазаб ва куч-ла,
Гўё қўзғолгандай бўлди Темурхон.
— О, шоҳим!

Ортиқча ғазабингни бос!

Қайда эканингни унутма ҳаргиз.

Сен ҳозир — салтанат тахтида эмас,

Мармар тобут ичра ётибсан жонсиз.

«Золим бир жаҳонгир» — дейишар сени,

Эътироз қилмассан бунга ўзинг ҳам.

Аmmo, бир гумон, ўй қийнайди мени — ..

Наҳот сендан қолмиш фақат ғам- алам!
Қилмишларинг учун гина қилсам ҳам,
Лекин буюклигинг қилмайман инкор.
Не ажаб шаънингга ҳақ бир сўз айтсам.
Донишманд бобом-ла қилсам ифтихор!
Тарих нодон эмас!

Сени унутмаган!

Аммо, нодон, ношуд тарихчилар бор.
Юртга хизматингни уқиб етмаган
Қалтироқ «олимлар» топилур зинҳор
Минбарга чиққанда сени лаънатлар.
Аммо, уйга қайтгач — «Темур улуғ» дер
Нега ҳақиқатни айтолмас улар?
Ахир ҳаммасига гувоҳ-ку бу Ер!
Зиёрат қилганлар Амир хокини,
Буюкликка таъзим этишар ҳар гал.
Мабодо бўлсайдим шаҳар ҳокими,
Мен шу буюкликка қўярдим ҳайкал,
Самарқанднинг табаррук, дилбар кўксиди
Темур мақбараси турар ҳашамдор
Кўм-кўк гумбазининг ёрқин аксидан
Доим қалқиб турар улуғлик, виқор!

ЗУҲРО

(достон)

МУҚАДДИМА

Бухоро тарафда,
Дарё соҳилида,
Ястаниб ётибди жаннат макон боғ.
«Боғи Эрам» дерлар Сулукент элида,
Уни билишади яқин-у йироқ.
Боққа кираркансиз,

салқин сарҳовуз,

Тўрт бурчида — тўртта чини қайрағоч.
Сувнинг жимиридан қамашади кўз,
Ва мажнун толларки — турар ёзиб соч.
Тўғрига юрасиз хиёбон бўйлаб,
Икки ёнингизки гуллар беҳисоб.
Фигон қилишмоқда булбуллар куйлаб,
Гўё ўқишади ишқий бир китоб.
Хиёбон тўрида ёзги бир шийпон,
Уймакор устанинг нафис санъати.
Нақшлар юракка солар ҳаяжон,
Гўё варақланар севгининг хати.
Бир нафас турасиз ҳайкалдек қотиб,
Минг турли гулларки ёндирар кўзни.
Ақлу ҳушингизни бехос йўқотиб,
Ранглар тўлқинида кўрасиз ўзни.
Унг томонга қаранг!

алвон-алвон гул,

Гулгун бир чаманда қолдингиз буткул,
Шу хил муъжизадир — сўл ёғингиз ҳам.
Гулларки —

ҳар бири ўзга бир олам.

Беш юлдуз мисоли —

беш яшил йўлак.

Ҳар бири — бир қитъа!

Гуллар базмидир.

Ҳамма сарҳадлар бор —

Арктикадан бўлак,

Ва гўёки — «Хамса» — Навоий назмидир.

* * *

Бир ёқда: кўз олар Ҳинд нилуфари,

Бир ёқда — Эроннинг «гули сиё»си.

Бир ён — Москванинг турфа гуллари,

Бир ёқда — Булғорнинг гуллар дунёси.

Бир ёқни безамиш Хитой «чинни»си,

Мана бу —

Ўзбекча қора райҳондир.

Кандидан келгандир мана буниси,

Буниси — бобурий; ўзга жаҳондир.

Мана бу — Париждан,

Бу — Арабистон.

Мана бу «Намангон» — чиройда танҳо.

Чирмашиб ётибди зумрад бир осмон,

Номлари луғатда топилмас ҳатто...

Сўнг, ҳайрат ичида қоласиз ногоҳ,

Қуёшга юз тутган чўғдек бир гилам,

Бахмалранг гуллардан тўқилган гўё,

Тўрдан боқиб турар гулгун бир санам.

Ҳайрат!

Бу кимдир?

Еқут бир сиймо!

Гуллар гиламида — тирик жон! Е раб!
Бу хил мўъжизани кўрганми дунё,
Дол бўлиб қоласиз ҳуснига қараб..
Ёноқлари гулдан, лаблари гулдан,
Қоши — кўзи гулдан,

соч-гули сиё

Қомат-у, кўкрак-у, қад — бари гулдан,
Ва пастида гулдан ёзилган:

«ЗУҲРО»

Аросат ичида тураркансиз, шу чоқ,
Ёнингизга келар алп сифат боғбон.
Белида гулқайчи,
Қўлда қўлтиқтаёқ,
Сочига оқ тушган, заҳматкаш инсон,
Шийпонга чорлайди,
— Меҳмон, марҳамат
Хуш келибсиз, йигит, кулбамиз аро.
— Бир пиёла чойки — азалий одат,
Ва бошим осмонга етгудек гўё.
Бу ерлар,

бир маҳал ўнқир-у чўнқир,

Қадам ҳам тегмаган янтоқзор эди.
Бир томон — дайравот,
Бир ёқ — баланд қир,
Фақатгина ёлғиз қайрағоч бор эди.
У йиллар олисда қолди, чирогим,
Не десам..

Қирқ йиллик кўҳна ҳангома.
Бу боғки: ҳаётим, йигитлик чоғим,
Ва энди ҳаммаси ўтмиш афсона.
— «Тоҳиру Зуҳро»ни ёзибсиз чоғи,
Ул севги қиссасин..

— Йўқ, бу гулистон —

Менинг қирқ йил ёзган китобим,

Боғим!

Ўзга бир қиссадир!

Ўзга бир дoston.

БИРИНЧИ БОБ

Замона тинч эди.

Саодатли дамлар,

Мамлакат кўксига офтоб теккан чоғ,

Эзгулик оғушида эди одамлар,

Бир инкишоф ичра эди ҳаммаёқ.

Ешлик иштиёқи,

билимга ташна,

Қомуниверситетда ўқирди Уктам.

Қалбга тугён солган меҳру оташ-ла,

Чўққилар сари интиларди бардам.

Не толе —

Бир деҳқон — батрак фарзанди,

Олий даргоҳларда ўқиса сабоқ.

Туну кун таълимнинг нури-ла ёнди,

Илму ирфон қасри очаркан қучоқ.

Йигирма ёшида эди у маҳал,

Барг ёзиб умрнинг кўм-кўк палаги,

Китоблар қатида минг илму амал,

Дунёни ўрганмоқ эзгу тилаги.

Ортда қолган эди болалик фасли,

Сеҳрли эртақлар,

ғаройиб дунё.

Қирларни безаган лола ҳаваси,

Баъзан кўз ўнгида бўларди пайдо.

Ва энди,

шовқинли шаҳар ҳаёти,

Уни айлантларар ўз тўлқинида.

Қундан-кун тоблар идрок, саботи,

Билим масканининг нур-ёлқинида.

Авжи баҳор эди.
Ўриклар гуллаб,
Дунё оппоқ нурга ғарқ бўлган бир дам,
Қизлар бошларига гулчамбар ўраб,
Кўклам сафосини кўраркан баҳам,
Дам олиш эртаси,
Беш-олти ўртоқ,
Аэроклуб сари тушдилар йўлга.
«Парашют ўйини» — байрам ҳаммаёқ,
Завқу шуқуҳ солар эди кўнглига.
Қуёш чарақлайди,

зангори осмон,

Самога тикилган барчанинг кўзи.
Мотор гувиллайди, самолёт шу он,
Юксакка интилар,

унинг парвози —

Гўё лочин қушни турар эслатиб.
Ўктам кузатаркан бу ажиб ҳолни,
Само сеҳрлари уни лол этиб,
Банд айлаб қўйганди фикру хаёлни

Шу бўлди-ю,

ўктам ҳар шанба кунни.

Тонгда аэроклуб сари чопарди.
Қандайдир ҳавас тинчитмасди уни,
Гўё ўзига бир овунч топарди.
Ям-яшил бир майдон,

йигит-у қизлар,

Кун бўйи самодан сакрашар ерга.
Ажиб бир жасорат, чақнаган кўзлар,
Ҳар хил машқларни бажаришар бирга.
Мана, олти қиз-у ва олти ўғлон,

Самолётга чиқдилар шу маҳал,
Сўнгсиз ул гумбаз саҳнида шу замон,
Мовий парашютлар балқди галма-гал,
Гўзал манзара!
Дилга солар ҳайрат,
Ҳавода муаллақ ўн иккита жон.
Гўё кўм-кўк осмон ичра шу фурсат,
Пайдо бўлди яна ўн икки осмон.
Ўктам зеҳн солар,

ҳаваски ортмоқда,

Хаёл қилар:

у ҳам учсайди шу чоқ.

Жасорат учқуни қалбини ёқмоқда,
Самога ундайди уни иштиёқ.
Ўша кун рўйхатга ёзилди ўктам,
Синамоқчи бўлди иқтидорини.
Бир уриниб кўради не бўлса ҳам,
Шу истак забт этди ихтиёрини.

Сувлар оқди,
Ўтди неча кун, ойлар,
Ўктам шу клубга қатнардн ҳамон.
Юрса ҳам, турса ҳам осмонни ўйлар,
Ўша истагикн дилда ҳукмрон.
Мана, биринчи бор ўктам самода,
Бир ваҳм ичида борлиғи қалтирар.
Самолёт доира ясар ҳавода,
Ўктам жон ҳовучлаб пастликка қарар.
Бирин-кетин дўстлар сакради шу дам,
Ва шўнғиб кетишди бўшлиқлар аро.
Навбатин кутиб турибди Ўктам,
Кўз ўнги қаронғу бўлмоқда гўё...
Сакради!

«Шув» этди юрак энтикиб,

Хайрият —

парашют очилди шу чоқ.

Борлиғи титради ерга кўз тикиб,
Охири не бўлар — билмасди бироқ.
Сўнг ўзига келди,

бундай қараса,

Чархи палак бўлиб айланмоқда ер.
Юраги гупиллаб урарди роса,
Шовуллаб оқарди пешонадан тер.
Ерга қўнди!

Дўстлар келди югуриб,
Қўлларга кўтариб қутлашди уни.
Уктам ўйларди энди ерда туриб,
Бугун унинг қайта туғилган кунин!

Бир кун клубга келсаки Уктам,
Қатта бир байрамга ўхшар ҳаммаёқ.
Худди бир сайлдек йиғилибди одам,
Қарнай-у сурнайлар,

ва ҳамма қувноқ.

— Нима гап? —

сўрашар эди халойиқ

— Осмонда рақслар қилармиш бир қиз.

— Кўз боғловчи эмас,

бир сеҳри ҳам йўқ,

Сири — машқ ҳамда маҳоратдир ёлғиз..

Шу заҳот барчанинг кўзи ўнгиди,

Осмон гумбазида гўзал бир санъат.

Муסיқий ўйинлар қилиб, сўнггида —

Қиз бир оққуш каби ёзганча қанот,

Майдон тепасида этарди парвоз,

Турфа ҳаракатлар енгил-у чаққон.

Қанча ҳаяжон-у,

қанча эҳтирос —

Белгиланган ерга қўнди қиз шу он
Ўктам ҳам турибди нигоҳин қадаб:
— Бу Зуҳро-ку! Уша!

Уша — шаҳло кўз.

Севинчи тошарди осмонга қараб,
Уша — баҳсларда ғолиб келган қиз!
Чопиб борди Ўктам биринчи бўлиб,
Довюррак қизчани қутлади.
Зуҳро —
Ҳаяжон нчида турарди кулиб,
Олқиш тўлқинида сузарди гўё!

* * *

Уша кун ётоққа қайтди-ю Ўктам,
Хаёли чулғанди, айланди боши.
Кўз олдидан кетмай қолди ўша дам.
Ўзида йўқ эрур эрки ва ҳуши.
Зуҳрони кўрди-ю,
қалбини бир тугён,
Оловга ёқди ва солди ларзага.
Унинг кўзларига боққандан буён,
Тутқун бўлиб қолди ўша лаҳзага.
Хаёл олиб қочар ўша қиз сари,
Қайданам учратди?

Ва бу не савдо?

Тунлар ороми йўқ.
Телба сингари —
Кўча —кўйда кезиб юрарди танҳо.
Аслида-ку —

ўқиш-ўрганиш ташвиши,

Кулиб ҳам боқмади бирорта қизга.
Уйин-кулгига ҳам йўқ эди иши,
Китобдан бошқаси кўринмасди кўзга.
Ногаҳондан келган ўша гулдирак,
Гўё булутларни парчалаб кетди.

Бехосдан домига тушди бу юрак,
Уни ишқ дардига мубтало этди.
Ун етти баҳорли гўзал бир ғунча,
Сулувлар сулуви,

ҳуснда танҳо!

Қалбга кирган эди ўла-ўлгунча,
Ушасиз ҳаёт ҳам йўқ эди гўё!
Исми Зухро эди!

Ўзи ҳам Зухро!

Юлдуздек чарақлар эди кўзлари.
Зеболар ичида танҳо-ю, зебо,
Кўзга суртсанг арзир босган изларин.

* * *

Қуёш чарақлаган бир баҳор куни,
Қизни таклиф қилди лола сайрига.
Аэроклуб ичра учратиб уни,
Кўндирди Зухрони қўймай майлига.
Кун бўйи бўлдилар қир қучоғида,
Лолақизғалдоқлар — қип-қизил гилам.
Гўё табиатнинг сулув боғида,
Иккита ошиқни қутларди олам.
— Уктам ака! — деди Зухро ногаҳон,
Кечаги шанбада яхши «қўндингиз»,
Кузатиб турувдим Сизни ўша он,
Ўзингиз ҳам жуда хурсанд эдингиз.
Жасурларни яхши кўради осмон,
Пештоқига фақат ботирлар чиққан.
Ахир, ёшлик учун —

бу бир имтиҳон,

Тариқ эка олмас чумчуқдан қўрққан...
Бир севинч ичида ғарқ эди Уктам,
Гул баргидек лаблар «ака» деган чоқ.
Кулиб турар эди Зухро ҳалиям,
Лола — гуллар аро гўё бир чақмоқ.

Йигит қолганди шодлик тўлқинида,
Қирлар гўзал эди,

гўзал эди дунё.

Севгининг алвон ранг,

ўтли ёлқинида, —

Уктамнинг борлиғи ёнарди гўё.

«Мен-ку тинглаб ул Тоҳир Зухрони,
Ва Фарҳод-Ширинни дилга этиб жо,
Эртақлар қанотида кезиб дунёни,
Бу янглиғ севгини кўрмовдим асло.
Менга ишқ дарсидан ўқиб ҳикоят,
Навоий, Фузулий қаршимда пайдо.
Не ошиқ-машғуққи билдим, ниҳоят —
Бу янглиғ севгини кўрмовдим асло.
Муҳаббат шевасин ўргатди Бобур,
Борлиғим қамради ул Алиф Лайло.
Яна ишқнинг қанча достони бордир,
Бу янглиғ севгини кўрмовдим асло.
Тушларимга кирди —

Лайли ва Мажнун,

Муҳаббат саҳроси — дашти Қарбало.

Ишқки —

одамзодни айламиш жунун,

Бу янглиғ севгини кўрмовдим асло.

Ишқнинг занжирига қўллари боғлиқ,

Фарёд чекар экан ўшал Зулайҳо,

Наҳотки —

ошиққа жазо бу янглиғ,
Бундайин севгини кўрмовдим асло.
— Сен ҳам ошиқмисан, бечора Уктам —
Қулоғимга келар олис бир нидо.
Не бир ишқ аҳлини кўрган бўлсам ҳам,
Бу янглиғ севгини кўрмовдим асло.
Бу бир ишқ эдики,

тамом ўзгача,

Уни маъбудлар ҳам кўрмаган ҳатто.
Жабрини тортмаган ҳеч ким бизгача,
Бу янглиғ севгини кўрмовдим асло!

* * *

Ёзнинг жазирама иссиқ бир куни,
Аэроклуб сари келарди Уктам.
Борлиқни қиздирар ҳаво ёлқини,
Учиш майдонида кўп эди одам.
Хиёбон четида турарди Зухро,
Еноқлари гулгун, кўзлари ёниб.
Уктамни кўраркан гулзорлар аро,
Унга талпинарди дилдан қувониб.
— Бунча бепарвосиз, — шивирлади қиз,
Уктам сўз тополмай,

довдираб қолди.

Бир нозу карашма эди-ку, ҳаргиз,
Йигитнинг қалбига бир тугён солди:
— Зухро!

Толеимни қарангки, Сизни,
Пешонамга ёзиб қўймишдир тақдир.
То абад ажратмасин иккимизни,
Сизсиз мен учун ҳаёт ҳам йўқдир!
Сўнг Уктам,

Зухронинг қўлидан тутиб,
Чопиб кетишдилар клубга томон.

Барча турар эди ҳайкалдек қотиб,
Радио бир хабар айтарди шу он.
Кимдир гапирмоқда

 мунгли бир оҳанг,
Уруш бошланганин этмоқда баён.
Кўзларидан ёш оқар...

 Ва ҳамма гаранг,
Гўёки қоронғу бўлди ер, осмон.
— Уктам ака, — деди Зухро қалтираб,
Бахтим қурсин менинг! —

Бу не кўргулик?

Уктам турар қизнинг сочларин силаб,
Мажоли йўқ эди бир не дегулик.

* * *

ИККИНЧИ БОБ

Бир оқшом маҳали ўша ёз чоғи,
Уктамжон Зухрога йўллади мактуб:
«Сизга интизордир ўша клуб боғи,
Хиёбон ёнида тураман кутиб».
Боғ ичра кўзларки тушаркан кўзга,
Ёш қалқирди Уктам киприкларида.
— Зухро!

Тугёнимни арз этсам сизга,
Шу ҳафта ўртаси, нари берида...
Қизки титрарди кўзлари жовдираб,
Йигитдан кутгандек шу дам бир нажот.
Гўё ёлворарди кўзларига қараб,
Қалбини тирнарди пинҳон бир фарёд.
— Уктам ака! —

Уксиб йиғлар эди қиз,
Менга не керакдир сизсиз бу дунё.
Наҳот бу оламда қоларман ёлғиз,
Куйиб юраманми бу гулхан аро?

— Нима қилиш керак? —

Билмасди Уктам,
Не десин маъсума, чорасиз қизга.
Босиб келар эди сўнгсиз бир алам,
Қалтирар..

тили ҳам келмасди сўзга

— Зухрогинам!

Бахтим! — дея олди у.
Қиз бошини қўйди унинг кўксига.
Бирлашгандек бўлди истагу туйғу,
Уша — лола сайли келди эсига....

Мана, уч кундирки —

Муродов Уктам,

Кетиб борар эди номаълум ёққа.
Поезд югуради тинмайин бир дам,
Олиб кетар уни йироқ-йироққа.
Ортда қолиб кетди қадрдон Бухоро,
Ортда қолди Зарафшон тўлқинлари.
Ортда қолди болалик,

гаройиб дунё,

Сулувкентнинг шафақранг ёлқинлари.
Кўзда кўз ёш билан уни кузатди,
Ғамдан аламзада,

Зухро — меҳрибон.

Уша — сўнгги лаҳза,

фигонки этди —

Ҳижрон кузагида сарғайган ул жон..
Поезд югуради тўлқинли дарёдек,
Икки қанотида —

юртнинг саҳролари

Не бир хаёл ичра кетар Уктамбек,
Туғилган еридан узоқлашган сари.
Ҳамон кўз ўнгида:

Талпинган ул қиз,
Еноқлари узра икки томчи ёш.
Вокзал чеккасида турибди ёлғиз,
Қиприкларда ёш-у, қалбида бардош.

— Уктам ака!

Қўзим йўлингиздадир,
То тирик эканман —

кутаман Сизни.

Ҳаётим, борлиғим қўлингиздадир,
Унутманг бенаво Зуҳройингизни!

Волга қирғоғида,
Ўрмонлар аро —
Учувчилар полки, ҳарбий гарнизон.
Машқларки туну кун тинмайди асло,
Самолётлар учар, ғувуллар осмон.
Қирувчи ротага ёзилди Уктам,
Учиш-у қўнишлар эмас унга сир.
Беш бармоқдай билар парашютни ҳам,
Энди — қуроолларни ўрганар бир-бир.
Ҳар кун келиб турар нохуш хабарлар,
Душман Москвага яқинлашмоқда,
Бутун юртки —

фронтга сафарбар,

Оғир жанглар борар Новгород ёқда.
Шиддат билан келар фашист лашкари,
Қанча элу элат душман қўлида,
Тун-кун интилар,

Ленинград сари,

Неки бор мажақлаб ўтган йўлида.
Кеча буйруқ келди,

тонг отар дамда —

Битта қирувчи полк фронтга кетди.
Моторлар ғувиллаб ҳар бир қадамда,

Овози —

яқин-у йироқни тутди.

Фронт хабарларин тингларкан Уктам,

Ғазаби тошарди, бир дарё мисол.

Наҳот —

Вайрон этса Москвани ҳам,

Шундай кетаверса не кечар аҳвол?

* * *

Фронтга жўнашга қолганда бир кун,

Зухрохондан келди яна бир мактуб.

Кўзларида ёниб ҳаяжон, учқун,

Киприкларга суртди тўтиё этиб:

«Севгимиз ҳаққиға бир назм битдим,

Синёҳда эмас-у,

ёш билан ёзилган.

Қалбимда неки бор баён этдим,

Висолингиз васфи илға тизилган:

Қуёш чиқиб,

олам яшнаган маҳал,

Шафақ ичра кўриниб, қиё боқдингиз.

Бундай синоатга тушмовдим аввал,

Ахир жисмим недир!

Жоним ёқдингиз.

Қиё боқдингиз, сўнг..

шафқатсиз ҳижрон,

Ҳижронки — юз йиллик масофа гўё.

Интизорман, гувоҳ ер ила осмон.

Сизсиз бесамардир бу кўҳна дунё.

Билсам эди кетишингиз,

Қора кўзингиз —

Қалбга нақш этиб чизиб олмасмидим!

Наинки кўзингиз, йўқ, ўз-у ўзингиз,

Ахир, ўзим билан олиб қолмасмидим!».

Хатни ўқиди-ю Уктам шу заҳот,

Борлиғи титради, севинч бир дунё.
Гул бўлиб кўринди кўзига ҳаёт,
Рўпарада Зухро турарди гўё!

Неча кунким Уктам қилаётир жанг,
Москва ёнида,

осмону фалакда

Душман ҳамла қилар,
Аҳвол жуда танг,
Бир ғазаб ҳукмрон эди юракда.
Қаҳратон қиш турар еру осмонда,
Шаҳарда кўринмас йилт этган чироқ.
Отишмалар борар Қалуга томонда,
Ларзага келарди музлаган тупроқ.
Шу замон —

шаҳарни олиб нишонга,

Икки «мессершмитт» келарди учиб.
Уктам кўтарилди шу дам осмонга,
Ва бир ёвни қувди қўққис ўт очиб.
Душман самолёти тутун тарқатиб,
Тош йўлдан нарида урилди ерга.
Уктам иккинчисин ҳам таъқиб этиб,
Қувиб борар эди изма-из, бирга.
Сўнг нишонга олди уни ҳам Уктам,
Ўққа тутди дарҳол ёнидан бориб.
«Мессершмитт» ёнди тутақиб шу дам,
Ҳамда портлаб кетди,

ловуллаб туриб.

Биринчи жанг эди,
Биринчи синов,
Уктам эсон-омон қайтди полк томон.
Ўша тун шаҳарга ўтолмади ёв,
Ва дахлсиз қолди шаҳар ва осмон..

Сурункали кунлар ва ойлар ўтди,
 Душман Москвадан қувилди йироқ.
 Рангларга қон кириб,

рўшнолик етди,

Қўшинлар нафасни ростларди озроқ.
 Бу кеча Зухрони эслади Ўктам,
 Хаёлда жонланди пари сиймоси.
 Уни соғинганди жуда!

Жуда ҳам.

Зухро — қалби аро ёруғ дунёси!
 Соғинса-не илож!

Бурчки — муқаддас,

Оғир кунлар турар Ватан бошида.
 Фақат омад уни четламаса бас,
 Жонин фидо этар эл-юрт қошида..
 Шу замон,

бехосдан гумбурлаш, портлаш,

Бутун аэродром келди ларзага.
 Душман бомба ташлар,

қий-чув аралаш.

Ҳамма саросима ушбу лаҳзада.
 Ўктам чопиб борар самолёт сари,
 Ўққа тутар эди душман ҳаводан.
 Бомба портлади Ўктамдан сал нари,
 Гангиб йиқилди у кучли садодан.
 Сўнг кўзин очаркан,

ўнқир ва чўнқир,

Бир қуюқ тутунда турар ҳаммаёқ.
 Қўлидан қон оқар.

оғриқдан зирқир,

Уринар, ўрнидан туролмас бироқ..
 Ҳарбий госпиталда ётарди Ўктам,
 Бундай бўлишини ўйламаганди.
 Тўрт «мессершмитт»ни этди у барҳам,

Ҳа, энг охиргиси қизиқ бўлганди:
Осмонда иккиси келди юзма-юз,
Немис пулемёти ишламай қолди.
Қочди у

ва Уктам қувди изма-из,
Ҳамда тириклайин қўндирмоқ бўлди.
Душман қочар эди,

бир вақт қараса,
Фашистлар тарафга ўтиб кетибди.
Жаҳл билан уни қувибди роса,
Қаерда эканин ҳам унутибди.
Энг сўнгги лаҳзада қулатди уни,
Қутулиб кетмоқчи бўлувди ёвуз.
Энтикиб эслайди ул қора тунни,
Борлиғи сесканиб кетади ҳануз.
Бир оқшом хонага келди генерал,
— Дилдан табриклайман,

ўғлим Уктамжон!

«Қизил Байроқ» ордени сен учун бу гал,
Ҳам «Лейтенант» деган муборақ унвон.
— Жуда миннатдорман,
Уртоқ Қўмондон!

Совет Ватанига қиламан хизмат.
Ғалабамиз учун бағишлайман жон,
Юксак ишончингиз оқларман албат.

Ортда қолиб кетди тўрт ойлик ҳаёт,
Уктам яна қайтди жанговар сафга.
Ут ичида эди Сталинград,
Қирувчи полк жўнар ўша тарафга.
Қирғин жанг борарди Волга ёнида,
Бир ҳайрат ичида кузатар дунё.
Қора тўзон турар ер, осмонида,
Шаҳарки —

дўзахга ўхшарди гўё.

Ҳар қарич ер учун борарди кураш,
Чекиниш — жиноят!

Орқада — Волга,

Юзма-юз олишув,

Ғазаб ва оташ,

Ирода, матонат ундарди олға.

Йисон ва вайрона,

танк ҳамда тупроқ,

Қоришиб ётарди бир тўзон бўлиб.

Бир даҳшат ичида эди ҳаммаёқ,

Волга оқиб ётар қонга бўялиб.

Душман калхатлари тун-кун тинмайин,

Олов ёғдиради,

ер — тилка-пора.

Аҳвол оғирлашар эди кун сайин,

Нима қилмоқ керак?

Борми — бир чора?

«Шу дам буйруқ бўлди:

Волга томонга,

Ўтмасин душманнинг самолётлари.

Барча қирувчилар чиқсин осмонга,

Ва ёвлар ҳайдалсин шаҳардан нари.

• • •

«Зуҳро!

Кечирасиз мени, азизим,

Бир ҳафта бўлдики ёзолмадим хат.

Қани бунга фурсат?

Ростдир бу сўзим,

Бир мушкул ҳолатга тушдик ниҳоят.

Волга бўйидамиз-рўпарамизда,

Жароҳатли, ўша вайрона шаҳар.

Не сўз билан баён этайки Сизга,

Бу бир қиёматдир — кўрсангиз агар..

Билсангиз нақадар соғиндим Сизни,
Хатингизни кутиб бўлдим нигорон.
Унутмангиз, Зухро, ёлғизингизни,
Жон ўрнида кўрар ахир сизни жон.
Тонг отиб,

оламга нур таралганда,
Нур сари интилиб Сизни ўйлайман.
Боғлар атир пуркаб,

нурга ўралганда,
Гул сари интилиб Сизни ўйлайман.
Майсага бурканиб анҳорлар бўйи,
Қушлар қир устида базм қурганда.
Қалбларга қуйилиб булбуллар куйи,
Майин оҳангларга тошиб-тўлганда,
Субҳидам эсиб муаттар бир ҳид,
Бағри қон ғунчалар лаб очган маҳал,
Дилда туғён уриб эзгу бир умид,
Қуёш нурларики —

сабуҳий зарҳал.

Чароғон этганда бутун оламни,
Нур сари интилиб Сизни ўйлайман.
Шу замон унутиб дарду аламни,
Тонг сари интилиб Сизни ўйлайман.

* * *

Зим-зиё тун ҳоким Волга тепасида,
Дарёдан ўтарди бизнинг қўшинлар.
Аскару қурол —

қайиқлар елкасида,

Бир-бирин изидан келишар улар
Бутун дивизия дарёдан ўтмоқда,
На бирор товуш-у,

на бирор учқун.

Нелар бўлаётир нариги қирғоқда,
Яшириб тургандек эди қора тун..

Дарё тепасида,
Юксак осмонда —
Қўриқчилик қилиб юрарди Уктам.
Шу заҳотки,

ногоҳ шаҳар томонда,

Пайдо бўлди душман самолёти ҳам.
Уктам шу чоқ уни нишонга олди,
Ва ёнидан бориб ёндирди тезда.
Қайдандир яна бири пайдо бўлди,
Уни ҳам қувлади Уктам шу кезде.
Уктам ўққа тутди,

душман самолёти, —

Бир доира ясаб Уктамга ташланди.
Қоп-қора тун бағрида,

шу заҳоти —

Икки ўртада отишма бошланди.
Душман самолёти тутаб, шўнғиди,
Ёниб борар эди Уктамники ҳам.
Бошқа бир чораки — қолмаган эди,
Ерга яқинлашгач, сакради Уктам...

• • •

Бир ойдирки,
Яна ўша — госпиталь,
Уктам гоҳ ҳушида, гоҳида беҳуш.
Оғир контузия ҳали давом этар,
Гўё кўраётир узлуксиз бир туш.
Бу аҳволга тушди —

қаерда, қачон?

Боши гаранг эди, билмас эди у.
Билсангиз —
Тошдан ҳам қаттиқ экан жон,
Ўша портлашларнинг оқибати бу.
...Самолёт ёнарди,

шу лаҳза Уктам,

Жонҳолат ўзини ташлади ерга.
Пастга отганини эслади бир дам,
У ёғин билмайди — тушди қаерга...
Шу аҳволда ўтди ҳафталар, ойлар,
Ўктам ётар эди бир телба мисол.
Шифтга тикилиб неларнидир ўйлар,
Сўнгсиз дори-дармон...
Танг эди аҳвол.
У бир даҳшат ичра билди кейинроқ,
Бир оёғин кесиб ташланганини!
Ва ёнида турган ул қўлтиқтаёқ,
Гўё эговларди унинг жонини!
— Шулмиди умидим сендан, эй ҳаёт,
Не кўйларга солдинг,

бераҳм тақдир?

Мени бир бенаво қилдинг умрбод,
На чора?
Ер — қаттиқ, осмон йироқдир!

УЧИНЧИ БОБ

Олти ойки,
Ўктам шу кўйи-бадда,
Ўша госпиталда ётарди ҳамон.
Қўзи йилда бўлиб ҳар бир соатда,
Қалбини тирнарди турли хил гумон.
Ярим йилдан ошди,

на хат, на хабар,

Ўзи ҳам гоҳ ҳуддир, гоҳида беҳуд.
Бундай кўргилик бўлмасайди агар...
Асабий жароҳат, оёқ ҳам нобуд.
Бир кун ҳамширадан сўради бехос:
— Наҳотки бирор хат келмади менга?
— Келиб қолар...

тинчинг, сиздан илтимос, —

Ҳамшира куйманиб далда берди унга.

Уктам ўйлар эди

ва бу хаёлнинг,

Охир-адоғига етолмасди ҳеч.

Шўрлик пешонадир...

Ҳам бу аҳволнинг —

Интиҳоси унга кўринарди пуч!

Энди ўйлаб кўрса,

ахир ўзи ҳам,

Олти ойдан бери ёзолмапти хат.

Ўзини урарди, куйинарди Уктам,

Зухро ҳам умидин узгандир албат.

Шу куни Зухрога жўнатди мактуб,

Ва айлади қизга ҳолини баён:

«Зор-у интизорман хатингиз кутиб», —

Ҳамда киприкларда ёш қалқди шу он.

* * *

Уктам биринчи бор қўлтиқтаёқда,

Ташқарига чиқди —

ёруғ дунёга.

Ёзнинг иссиқ нафаси ҳаммаёқда,

Суқланиб боқди у еру самога.

Шу заҳот Уктамга келтиришди хат,

Хат эмас,

Бир олам севинч келганди.

Уктамки —

дунёга сиғмай бу фурсат,

Хатни тутганича энтикиб қолганди.

Зухронинг онаси ёзибди хатни,

Ақл бовар қилмас ғаройиб бир гап.

Бу — бир афсонами?

Ва ёки — хатми?

Уктам лол қолганди борлиғи титраб.

«Наҳотки тириксиз? Тириксиз, Уктам?

Қайтиб келдингизми нарғи дунёдан?

Қора хат келганди Сиздан ўша дам,
Гаранг бўлиб қолдик бу хил савдодан.
Йиғлаб,

Ўзин уриб қон бўлди Зухро,
Гулдай саргайтирди алам-у қайғу.
Борлиғи, дунёси бўлиб зим-зиё,
Охири фронтга жўнаб кетди у».
Уктам турар эди кўзи жовдираб,
Холи дунё ичра қолгандек ёлғиз.
Бир телба ҳолатда мактубга қараб,
Йиғларди эзилиб,

йиғларди унсиз.

Мана, бир ҳафтаки поездда келмоқда,
Ўша Сулукентга —

Ўз қишлоғига..
Не бир воқеалар хаёлдан ўтмоқда,
Тикилиб боқади қир-қирғоғига,
Поезддан тушаркан,

тарқоқ бир хаёл,
Фаройиб туйғулар дилда ҳукмрон.
Бу не кўргуликдир?
Ва бу — нечук ҳол:
Йиғирма беш ёшда майиб-ногирон.
Ўша кун йиғилди қариндош, уруғ,
Бирови севинар,

биrowда — кўз ёш.

Биров дер: «Соғ-омон келибсиз қутлуғ!».
Бирови тилайди сабр ва бардош.
Шу тақлид бир ҳафта ўтди
Сўнг Уктам,
Ўша қир тарафга бўлди равона.
У томон интилиб, шошилиб бу дам,
Интилар юраги ёна ва ёна.

Хаёлда чарх урар гулгун бир баҳор,
Қизариб кўринар бир бутун дунё.
Лола гуллар аро кўзлари хумор,
Нозик ишва билан тургандек Зухро.
— Зухро! —

бақирарди Уктам ногаҳон,
Акси садо келар қирдан...
Бу не ҳол?
Бир сокинлик чўқар атрофга шу он,
Бу ҳаммаси эди —

сўнгсиз бир хаёл.

* * *

Бир куни шаҳарга жўнади Уктам,
Балки, Зухросидан топар бир хабар.
Истак, орзулари дилига ҳамдам,
Қаршисида турар қадрдон шаҳар.
Кўзига оловдек кўриниб кетди,
Уша — Зухро билан юрган кўчалар.
Ҳамда бир зумда нигоҳдан ўтди,
Уша — ишқ суҳбати,

ойдин кечалар.

Турар эди Уктам кузатиб ҳайрон,
Шаҳардан кетибди ҳусну тароват.
Тансиқ бўлиб қолмиш ҳаёт,

парча нон.

Барчанинг рангида сўник бир ҳолат.
Комуниверситет!

Уша таниш маскан,

Бошин зиналарга қўйиб сиғинди,
Бунда ҳам урушнинг шамоли эсан,
У дўсту,

устозлар йўқ эди энди.

Минг бир андишада эгилиб, синиб,
Зухронинг уйига борди сўроқлаб.

Онасидан қизнинг адресин олиб,
Жон ҳолатда кетди почтага қараб.
Тўрт ой бўлган эмиш,
бардам, соғ-омон,
Хизмат қилар эмиш Ленинградда.
Йигитнинг қалбида —
севинч, ҳаяжон,
Ва мактуб йўллади ушбу фурсатда.

* * *

Ўктам юрар экан бўлиб интизор,
Бир вақт икки бола келарди чопиб,
— Ўктам ака, беринг суюнчи!
Хат бор!
Ўктам суюнди болаларни ўпиб,
Зухродан хат келди!!

Е, тангрим, қуллуқ!

Бир олам севинч ёғилди осмондан,
Бир хатки-суюкли, азиз-у, қутлуғ.
Бундай шодлик борми ахир жаҳонда!
— Ўктам ака, — дея бошланарди хат, —
Минг шукур, шукурки — экансиз тирик!
Худо қайтиб берди сизни ниҳоят,
Бахтимни қаранг-а!

Нақадар буюк!

Қимнинг хаёлига келибди дейсиз,
Ҳалок бўлган одам —
тирилса қайтиб.

Қалбимнинг овунчи, энди қалайсиз?
Юрибсизми ишқнинг қўшиғин айтиб?!

Ленинграддаман

Қирувчилар полки...

Битта «мессер»ини ёндирдик кеча.
Иккита қиз эдик,
Ишонмассиз балки,

Адашиб ҳам юрдик осмонда анча.
Уктам ишонмасди кўзларига ҳеч,
Наҳот Зухродандир қўлидаги хат.
Гарқ этмишди уни дарёдек севинч,
Зухросини топди!

Топди хайрият!

Бир ҳаяжон ичра Уктам шу замон,
Хатнинг орқасига қаради ногоҳ.
Шунчалик суюниб кетдики бу он —
Яна бир хазина топгандек гўё.
Наҳотки,

кўрмади уни бир йўла,

Уша тансиқ хатнинг эди давоми,
Зухро ёзмиш уни ёниб, шеър ила,
Гўё муҳаббатнинг ёниқ достони:

«Менинг муҳаббатим!

Сиз бир гулсизки,

Баҳор сизни фақат менга атамиш.

Гуллар орасидан топганим —

Ул — Сизки,

Гулзор Сизни фақат менга атамиш.

Менинг муҳаббатим!

Мен Сизни ёлғиз,

Ўзим кашф айладим, ўзим яратдим.

Уша кундан меҳр қўйдим сўнгсиз,

Қалбим аро Сизни,

Сизни бунёд этдим,

Менинг муҳаббатим!

Ерқин, бетакрор,

Тонгги шудринг қатрасидай тозадир.

Япроқлари кўм-кўк,

билмагай губор,

Қалбимки — бир умр тархин чизадир.

Менинг муҳаббатим!

Мен Сизни ёлғиз,

Ўзим кашф айладим, ўзим яратдим,

Дунё бесамардир мен учун Сизсиз.
Фолибо,

оламда Сизни бунёд этдим!».

Кунлар ўтар эди изма-из, аммо,
Негадир Зухродан йўқ эди хабар.
Аҳволи танг бўлиб қолдимикан ё,
Е содир бўлдими —

бир хавфу хатар?

Кундан-кун Уктамнинг кўнгли эди ғаш,
Нима қиларини билмай юрарди.
Тугён ҳам,

гумон ҳам эди аралаш,

Кун бўйи почтанинг йўлига қарарди,
Ногаҳонда келди ғалати бир хат,
Зухронинг полкдоши — дугонасидан.
Уктам ўқиди-ю...

Лол қотди! Ҳайрат!

Ҳалок бўлган эмиш Зоя ва Зухро,
«Мессершмитт» ногоҳ ҳужум этганмиш».
Юзма-юз тўқнашиб кўкда, шу асно —
Иккиси ҳам бирдек ёниб кетганмиш».
— Ҳайҳот!
Тақдири шум!

Бу не қилганинг?

Гулгун бир ғунчани ташлабсан юлиб.
Наҳотки, бир раҳму шафқат қилмадинг,
Мендай бир ғарибни бенаво қилиб?
Агар шу рост бўлса-қўлим ёқангда,
Бир умр лаънатлаб ўтарман, тақдир!
Розийдим — вужудим ўтда ёққанда,
Фақат лаънатларман!

Бошқа сўз — йўқдир!

Шу хатни олди-ю,

Уктам саргайди,

Сочлари оқариб кетди шўрликнинг.

Ишонмайди!

Ҳар кун йўлга қарайди,

Остида қолгандай тоғдайин юкнинг.

Наҳотки, сизмади пешонасига,

Наҳотки, узилди қалбининг тори?

Зухро келар экан ногоҳ эсига,

Тугаб кетар эди сабру қарори.

Утирса — ўрни йўқ,

юрса — йўқ йўли,

Тавба!

Нима қилсин, кимга ёлворсин.

Туну кун ловуллаб куярди дили,

Кимга ҳам додласин?

Қаерга борсин?

Сўнг, бир кун шаҳарга йўл олди Уктам,

Не даҳшат, даҳшатки —

унда ҳам шу гап.

Зухронинг онаси.. дод солди у ҳам,

Фарёд қилди шу чоқ Уктамга қараб.

Кун бўйи ўлтирди ўша гулзорда,

Кўз олдида Зухро кулиб тургандай.

Хаёл олиб қочди —

ўша баҳорда,

Гўё иккиси ёнма-ён юргандай.

Уктам йиғлаб-йиғлаб қайтди қишлоққа,

Э, воҳ!

Йиғлашга ҳам йўқ эди мадор.

Чиқиб кетмоқ бўлар бош оққан ёққа,

Қайга ҳам борарди — кўникмоқ даркор.

Уруш ҳам тугади,

Ва ўтди йиллар,

Одамлар кўникди тақдир ишяга.
Оромини топди аламзада диллар,
Қуёш ҳам нур сочди инсонлар бошига.
Аммо, Уктам кутар!

Ҳеч кўниколмас,
Зухро кетмас эди хаёлидан нари.
Тушда ҳам ўнгда ҳам унута олмас,
Алами ортарди вақт ўтган сари.
Охири —

бўлди-ю тоқатлари тоқ,
Ленинград сари йўл олди Уктам.
Гўё парпирар олисдан бир чироқ,
Йўлини ёритиб тургандай шу дам.
Мана, Ленинград —

Зухронинг шаҳри,
Унинг излари бор кўчаларида.
Зухронинг нигоҳи қолгандир балки,
Тонгдай опшоқ, ойдин кечаларида.
Зухронинг қабрини топди!
Э, ҳайҳот!
Гулларга бурканиб ётар эди қиз.
Қабрини қучоқлаб айлади фарёд —
— Ҳаёт!
Сен ҳам ожиз! Ва мен ҳам ожиз!
Сўнг қабрдан олди бир қисм тупроқ,
Кўзларига суртди уни авайлаб.
Сулувкентга қараб жўнади шу чоқ,
Табаррук ул хокни белига бойлаб.

* * *

ХОТИМА

Бухоро тарафда,
Дарё соҳилида,
Ястаниб ётибди жаннат макон бор,

«Боғи эрам» дерлар Сулукент элида,
Уни билишади яқину йироқ.
Боққа кирарканмиз,

салқин сарҳовуз,
Тўрт бурчида — тўртта чинни қайрағоч.
Сувнинг жимиридан қамашади кўз,
Ва мажнун толларки — турар ёзиб соч.
Тўғрига юрасиз хиёбон бўйлаб,
Икки ёнингизки гуллар беҳисоб,
Фигон қилишмоқда булбуллар куйлаб,
Гўё ўқишади ишқий бир китоб...
Сиз ҳайрат ичида қоласиз ногоҳ,
Қуёшга юз тутган чўғдек бир гилам.
Бахмалранг гуллардан тўқилган гўё,
Тўрдан боқиб турар гулгун бир санам.
Ҳайрато, бу кимдир?

Еқут бир сиймо,
Гуллар гиламида — тирик жон!

Ё раб!

Бу хил мўъжизани кўрганми дунё,
Лол бўлиб қоласиз ҳуснига қараб.
Еноқлари-гулдан, лаблари гулдан,
Қоши кўзи — гулдан,

соч-гули сиё.

Қомат-у, кўкрак-у, қад — бари гулдан,
Ва пастида гулдан ёзилган — «Зухро».

Аросат ичида турибсиз, шу чоқ,
Ёнингизга келар алп сифат боғбон.
Белида гулқайчи,

қўлда қўлтиқтаёқ,

Сочига оқ тушган заҳматкаш нясон.
Шийпонга чорлайди,
— Меҳмон, марҳамат,

Хуш келибсиз бизнинг кулбамиз аро.
Бир пиёла чойки — азалий одат
Ва бошим осмонга етгудек гўё.
Мен шу кўйи — бадда ўтдим дунёдан
На хотин, на фарзанд —

сўққабош, бўйдоқ.

Бир қисм хок қолди менга Зухродан,
Ва Хотира бўлиб сиз кўрган-шу боғ.
Ўша хокдан унди мана шу гуллар,
Демакки — Зухро ҳам,

мен ҳам барҳаёт.

Чирмашиб ўсмоқда ҳижронли диллар,
Ўқтам тирик экан — Зухро ҳам ҳаёт!
У йиллар олисда қолди, чироғим,
Не десам —

қирқ йиллик кўҳна ҳангома.

Бу боғки — ҳаётим, йигитлик чоғим,
Ва энди ҳаммаси ўтмиш, афсона.
— «Тоҳиру Зухро» ни ёзибсиз чоғи,
Ул севги қиссасин...
— Йўқ, бу гулистон —
Менинг қирқ йил ёзган китобим — боғим,
Янги бир қиссадир!

Янги бир дoston!

1984 йил.

КУЗГИ ЯПРОҚЛАР

Қуёш чарақлайди тиниқ осмонда,
Бутун коинотни айлаб чароғон.
Зарафшон соҳили, сулув маконда —
Ўзга бир дунёдир, ўзга бир жаҳон...
Шахдам қадам босиб келар Жонпўлат,
Чинорлар безаган хиёбон бўйлаб.
Давр шиддатлидир, зарбли бир ҳолат.
Келаётир минг бир ташвишни ўйлаб.
Ажиб бир нафосат билан ястанмиш,
Сайргоҳга туташ мраммарнақш майдон.
Гуллар! Фавворалар! — гўё безанмиш —
Яшил гиламларга тўлиқ хиёбон.
Лаълин қоя узра Ленин сиймоси,
Шарқнинг истиқболин ўйлаб тургандай.
Оламга таралиб нур-у зиёси,
Гўёки майдонда кезиб юргандай.
Бу ерга туташдир неча бир сарҳад,
Тун-кун оқиб турар мисоли дарё.
Оппоқ бир кошона — баланд, чинорқад,
Парвозга шайланиб тургандай гўё.
Бунда кеча-кундуз қайнайди ҳаёт,
Тонгдан оқшомгача келди-кетдилар.
Жонпўлат бош бўлиб, не бир тилсимот.
Охири-оқибат шунда ҳал этилар.

Иш бошлади яна бунёдкор бир кун,
 Ҳаёт китобида янги саҳифа.
 Яна эшик қоқиб турибди бугун,
 Минг турли муаммо, не-не вазифа,
 Бир зум Жонпўлатни банд этар хаёл,
 Юмушлар, жумбоқлар кўп эрур бунча
 Бош ҳам айланади ҳисоб қилгунча,
 Бир лаҳза тикилар уфқ юзига,
 Нигоҳда жонланар сўлим бир воҳа.
 Ўз ранг-рухсорида кўринар кўзига,
 Ҳар битта масала, ҳар битта соҳа,
 Чексиз бир воҳаки — бўй чўзиб ётмиш,
 «Темур дарвозадан» — Бухоро қадар.
 Бир ёни — тоғларга тутшиб кетмиш,
 Бир ёни — Қизилқум — чўл, саҳро қадар.
 Шу заҳот жиринглаб қолар телефон:
 — Яна бири районда тугамиш шудгор...
 Ҳаво бирдан айниб, шу дам ногаҳон,
 Нурота тарафда ёғаётир қор...
 Тўйга таклиф қилар кекса бир деҳқон,
 Келин туширибди неварасига....
 Телефонни қўяр. Ва лекин шу он,
 Чўпону чўлиқлар келар эсига.
 Шу турфа хаёллар оғушида банд,
 Жонпўлат юаркан хонада ёлғиз,
 Эшик очилар-у, суюнган, хурсанд,
 Салом бериб кирар сарвқомат қиз.
 Сўз бошлар: орзумиз ушалди бугун,
 Янги боқчамизга бирров кирсангиз.
 Ниҳоят шодлик ҳам келди биз учун,
 Ўзингиз бошловдингиз, энди кўрсангиз...
 Бу жой бир бандаргоҳ, не бир муаммо,
 Тугунлар ечилар, топилар жавоб.
 Барчаси — ипидан игнагача то,

Ҳал бўлар, қилинар ҳисобу китоб,
Мана, неча кундир — шу диёрдаман,
Елкамда мухбирлик масъудияти.
Қайта қуриш даври, ўзгарди замон...
Бир очерк ёзмоқлик эрур ниятим.

II

Уша кун, меҳмонлар жўнагач, оқшом,
Барча раҳбарларни йиғди Жонпўлат.
Баҳс-у мунозара узоқ этди давом,
Ўртага ташлади бор гапни ниҳоят:

— Мана, даврамизда мухбир укамиз,
Шу баҳслар аро биз билан бирга.
Йўлламиш уни марказий газетамиз —
Таништирди мени ўтирганларга.
Энди мажлисларга ясайлик якун, —
Нафасин ростлади обком раҳбари, —
Шиддатли замонга мос бўлмоқ учун,
Кескин бурилмоқ керак янгилик сари.
Келинг, гаплашайлик рўйрост ва очиқ,
Елкада юк оғир, манзилдир йироқ.

Ишларимиз дуруст, бир талайдир ютуқ,
Аммо, битганидан битмагани кўпроқ.
Боқибегам бўлдик, қаранглар, манфийлик,
Дарҳол илдиз отди ҳаётимизга.

Ўғирлик, кўз бўяш... қай бирин дейлик,
Бари содир бўлди кўз ўнгимизда.
Ожизмидик бизлар ва ёки қўрқоқ,
Қайда эди ахир ирода, виждон?
Биз ҳам ўша сафда эдик-ку бироқ,
Ширин кўриндимми кўзимизга жон?

Ўзимиз бошладик ҳамма балони,
Бир чеккага қўйдик уят, номусни.
Ҳисоби йўқ дея ўйладик дунёни,
Йўқотдик инсофни, йўқотдик ҳисни.

Таъна-таъқибларга қилмадик парво,
Ҳаёт кайфу сафо дея ўйладик.
Заҳарли кулса ҳам бизга фуқаро,
Ошна-оғайни ва юртдошни сийладик.
Билардик-ку ҳаммасин, лек айтолмасдик,
Барчасига шерик эдик бошдан то оёқ.
Мартабали рўйхатлардан биз ҳам қолмасдик,
Мисни эса олтин дея атардик у чоқ.
Тўлиб кетди кўкраклар олий нишонга,
Оддий медалларга жой ҳам қолмади.
Ўрганиб қолдик қуруқ шуҳрат-у шонга,
«Урра-урра»ларнинг охири бўлмади.
Юлдуз таққан қаҳрамон кўпайди, бироқ —
Кўпаймади ҳосил ҳамда ризқу-рўз.
Қарорлар ёзилди, мукофот, байроқ.
Ғойибдан тушмас-ку, ахир, нон-у — туз.
Сохта обрў ҳамда сохта шон-шуҳрат,
Ачису¹ роҳати — ажиб саодат,
Гўё давом этар бу иш умрбод,
Не бўлди охири? Гапиринглар! Жимсиз!
Нега шундай бўлди? Сабаб? Не сабаб?
Бизлар қаердайдик? мен — ким? Сиз — кимсиз?
Нега турдик барчасига биз лоқайд қараб?
Текинхўр, бекорчи қалашиб кетди,
Бўш қўйиб юбордик, ахир, жиловни.
Оқибат — пичоқ бориб суякка етди,
Айблаб бўлурми бунда бировни!
Бундан ҳам тузукроқ бўларди ишлар,
Ҳар ким берса ўз виждонига буйруқ.
Ҳаёт қонунидир — ишлаган тишлар,
Ишлаган-тишласин! Ишламаган — йўқ!
Об-ҳаво ўзгарди, ўзгарди муҳит,
Очиқ жанг қиламиз! Янги тартибот.
Бир портлаш зарби-ла бузилди сукут,

¹ Ачису — кислая вода, Кисловодский.

Тамом янги издан йўл олди ҳаёт.
Оёқ ости бўлган қадрдон элни,
Очкўз — юҳолардан тозалаш шартдир.
Шира босди кўзни, қурум босди дилни,
Эл ким? Эл — мен, эл — сиз, ягона юртдир.
Адолат қиличи бўйнимиздадир,
Жазосини олди юлғич, гуноҳкор...
Не алам, изтироб кўнглимиздадир,
Бу хил ҳақоратлар қайси юртда бор?
Қулф солмоқ лозимдир давлат мулкига,
Ўғрилар қўлини шарт кесмоқ керак.
Қопқон қўйиш зарур бўрига, тулкига,
Илож йўқ — хазондек супуришдан бўлак..
Жазолаш йўқ ҳатто жиноятчини,
Биз унутиб қўйдик «жазо» сўзини.
Қонун ҳам кўрсатсин ахир кучини,
Тергасин инсон ҳам ўзи-ўзини.
Игнанинг юз бор «жиз-жиз»идан кўра,
Болганинг бир зарби² айна муддао.
Лоқайдлик илдизи қуриса зора,
Қанийди жонланиб кетса бу дунё..
Ким мард бўлса чиқсин, мана кенг майдон,
Улоқ майдони-мас, жанг майдони бу.
Ўйламанг фронтда жанг қилмоқ осон,
Керак бўлса жонингиз талаб қилар у.
Бу — қонун! Шиддатли ҳамда шафқатсиз,
Ёқмаса — жойни бўшатиш ҳозироқ.
Темир интизомдир! Ўйлаб кўрингиз,
Сўнг мендан ўпкалаб юрмангиз бироқ..
Жонпўлат жим қолди, пешонада — тер.
Карим ота турди ўрнидан сакраб.
Кўнглида борини ҳижжалаб бир бир,
Сўз бошлади у одамларга қараб:
— Бу ҳам бир кўргилик! Балки нодонлик!

² „Сат задани сўзангар, Як задани оҳангар“ мақолига ишорс.

Сиз учун ҳам, биз учун ҳам аччиқ бир сабоқ.
Гўёки гафлатдан, уйқудан уйғондик,
Энди ақлни ростлаб олайлик тезроқ.
Кимки гуноҳ қилмиш — кечирмайди халқ,
Жазосини олсин қилмишига қараб.
Ҳаёт ажратади — ким ҳақ, ким ноҳақ,
Бу ошкор ҳақиқат,, шу эрур талаб...
Энг муҳими — ердир, долзарб масала,
Дала ва меҳнатни унутдик бироқ.
Халқнинг аҳволини ўйламадик сира,
Лоқайд деҳқондан юз ўгирди тупроқ...
Қизил шиорларнинг ўтди фурсати,
Тонготар мажлисдан зерикди одам,
Она-Ерга меҳр ва қалбнинг шафқати...
Эзгуликка ташна ер ҳам, инсон ҳам.
Пахта, пахта дедик ўртоқ секретарь.
Хонавайрон бўлди деҳқон дегани.
Эл-юртнинг пахтага қул бўлгани етар,
Ичгани — заҳардир, заҳардир — егани...
Темир интизомдир — ютуқлар гарови,
Дангаса, ялқовнинг жиловин тортинг.
Қидирсангиз ҳар ишнинг топилур қалови,
Эл оғаси бўлинг шу азиз юртнинг!

* * *

Одамлар тарқади. Жонпўлат шу чоқ,
Собиқ секретарни эслади ногоҳ:
— Валибекни мен ҳам билмасдим бироқ,
Кураши, ҳаётдан эмасдим огоҳ.
Узоқ ишламаган, лекин ҳайратдир,
Халқнинг юрагига ўрнашиб қолмиш.
Чақмоқдай ярқ этган қисқа ҳаётдир.
Афсус, умри жуда эрта хазон бўлмиш.
...Ушанда, шум хабар тарқалган кун,
Бутун бир вилоят тутганмиш мотам.

Ишчилар шунчалик суюшаркан уни,
Майдон, кўчаларга сиғмабди одам.
Унинг вафоти ҳам ўзи бир жумбоқ,
Яшин урган каби ногоҳ қулаган.
Не бўлганин ҳеч ким билмайди бироқ,
Ким қизиққан дейсиз, ким ҳам сўраган?
Хуллас, бир танишинг, ука, рости гап,
Очеркмас, дostonга арзирли ҳаёт.
Холисона ёзинг, ишларига қараб,
Балки бир обида бўлар умрбод...
Очиғини айтсам, унинг ҳаётига,
Жону дилдан, рости, қиламан хавас.
Метин иродаси, кураш, саботига,
Унча-мунча асаб дош бера олмас.
Унинг орзулари эди бир дунё,
Янгича яшамоқ... эркин ва озод.
Ўзича инқилоб қилмоқчийди гўё,
Қора-қурумлардан пок бўлсин деб ҳаёт.
У йиллар авж эди ҳаром-у ҳариш,
Ҳақгўйнинг йўлида турар эди гов.
«Биринчи» билан ҳал бўларди ҳар иш,
Ўртада турарди ё пул, ё — гаров.
Юртда ҳоким эди жоҳиллик замони,
Ул эзгу ниятлар ер билан яксон.
Валибек ўша шум муҳитнинг қурбони,
Қалбида кетмишдир минг битта армон.
Унинг орзулари дилимда ғужғондир,
Қанийди рўёбга чиқарсам эди!
Ҳаёт — жанг қилмоқ учун катта майдондир,
Ҳа, жанг-у жадалнинг айни мавриди.
Биламан, менга ҳам бўлмайди осон,
Балки бошга тушар Валибек тақдири.
Ҳозирги «улуғ» ҳам нодонроқ инсон,
Аслида собиқ катталардан бири, —
Гапирай яна бир қуср ҳақида:
«Сен — тошкентлик, мен — бухоролик» деган

Бу — мозийдан қолган эски ақида,
Ҳокимлар бир-бирин бошини еган..
Тунда қайтарканман хиёбон бўйлаб,
Хазон-япроқларни тўзғитарди шамол.
Борардим Валибек қисматин ўйлаб,
Не бир жумбоқларга судрарди хаёл..

* * *

III

... Бир кеч чоғи Валибек хонасига,
Кириб келди ўша — савлатдор, Уктам.
Марказқўм котибин яқин гумаштаси,
Кўзларида қандайдир ўкинч ва алам:
— Энди ўзингизга айтай дардимни:
Қирқ йиллик хизматим — сиз учун бир пул.
Ун йил бошқардим катта бир районни,
Тинмадим — тер тўкдим гўёки бир қул!
Мени бўшатдингиз райкомликдан, хўш —
Ўйлаб кўрдингизми оқибатини?
Ҳаммамизга ўша улуғимиз бош,
Бунча ҳам хўрламанг инсон зотини.
Майли... Утган ишга саловат дерлар,
Келинг, унутайлик гинахонликни.
Аввал ҳам ўтишган жуда кўп зўрлар,
Аммо кўрмагандик сиздек буюкни!
Илтифот қилсангиз, биз ҳам.. йўқдир, ахир —
Дунёнинг ечилмас бирор тугуни.
Хуллас, каминага беринг Чимбойдаги,
Савдо базасининг мудирлигини..
Валибек ўйланиб қолди, не десин?
Сўнг деди — сиз бошқа ишга борасиз.
— Шундайми? Бошқа иш — бошингиздан қолсин,
Томоша олдинда, ўлмасак, кўрасиз!



Неча кунлар ўтди орадан, лекин,
Очеркдан дарак йўқ — асабим таранг.
Муддат тугар эди, кетишим яқин,
Ҳеч нарса ёзолмай бош эди гаранг.
Кўрган-эшитганим — минг бир муаммо,
Неча бир ташвишу не бир воқеа.
Ҳаёт! Ҳаёт — деган ғаройиб дунё,
Мени ўраб олди ўз гирдобига.
Сўнг — марказга қайтдим, мухбирлик бурчи,
Янги югуришлар, чопиш-чопишлар.
Лекин бир оёғим шу вилоятда,
Унда ҳам, бунда ҳам қайнар эди ишлар



Сўнгги кунларда тинчитмасди асло,
Валибекнинг шахсий «Кундалик»лари..
Воқеалар қалбимни тирнарди гўё,
Қўлёзмаларни ўқиганим сари.
... У йиллар Валибек оловқалб йигит,
Академиянинг номдор олими.
Олисни кўзларди гўё бир бургут,
Ҳайрон қолдирарди идрок, билими.
Бир куни беҳосда олий минбарда,
Баҳслашиб қолди «Биринчи» билан.
Халқ ичида шундай жасурлар бор-да,
Юксак ғояларга жон фидо қилган:
— Қармана ёнида, ўша боғлар бўйлаб,
Мабодо қурилса, сиз айтган шаҳар,
Мутлоқ нотўғридир! Кўрингиз ўйлаб,
Ё мени жазоланг, хоҳласангиз агар.
Ахир ўйлаб кўринг: Зарафшон сувининг,
Ҳисоблидир ҳар бир қатраси.
Ҳозир кўраёпмиз ишнинг бугунини,

Ахир, нима бўлар унинг эртаси,
Улкан шаҳар ГРЭС, химкомбинатга,
Сув керак! Хўш, айтинг, қани ўша сув?
Зеҳн солиш керак атроф, ҳаётга,
Бухородай ўлка сувсиз қолади-ку.
Шаҳар ГРЭС булғаса дарё сувини,
Комбинат ҳавога пуркаса заҳар.
Сув оқса-ю, инсон ичолмаса уни,
Қимга керак бундай одамкуш шаҳар?
Яна неча жумбоқ, не бир муаммо,
Тарозига қўйиб, ўйлаб кўрсангиз.
Менинг фикрим қатъий! Қатъийдир, аммо,
Шаҳарни сув сероб ерда қурсангиз...
На чора, Валибек «олганди сабоқ»,
«Биринчи»нинг гапи доим гап эди.
Фожиа юз берди! Фойдаси ҳам йўқ,
Қанчалар куйинманг ва ёнманг энди.

* * *

Яна варақлайман «Кундалик»ларни,
Кўз олдимда яна Валибек сиймоси.
Кун сайин ҳижжалаб ўқиганим сари,
Хаёлим банд этар дарди-дунёси.
Ўйлаганим чоғи... кўнглимда тугён.
Неча бир муаммо эрур кўндаланг.
Яхши ҳам, ёмон ҳам турибди ёнма-ён,
Баъзан оддий буйруқ, баъзан эса — жанг!
«Дарвоқе, Регистон майдонидан то —
Аммофос қудратин сеҳрига қадар,
«Интурист»нинг нозик меҳмонидан то —
Бир ёнда — «хон қизи»н кароматини,
Бир ён — Зарафшонда сув танқислигини,
Гозғон мрамарининг даромади-ю,
«Хумор» қасрларин чин нафислиги...
Ахир, ўйлайверсанг — йўқдир саноғи:

Бирини бошласанг, бири — чаладир.
Бир томон гўзалдир, хира бир ёғи,
Бирини тузатсанг, бири қоладир.
Қанийди, йўқолса сустлик, беғамлик,
Ҳар ким ўз-ўзини имтиҳон этса.
Ҳаётда сира ҳам бўлмасди ғамлик,
Аравани барча баравар тортса...
«Уйсозлик комбинати» тўхтади бирдан,
Ишчилар йўқ эмиш, темир ҳам, ғишт ҳам.
Цемент вагонларда турганмиш қаерда,
Ахир — хуноб бўлиб кетасан одам.
План тўлмай қолди икки районда,
Раҳбарлари ношуд иккисининг ҳам.
Курортда юришибти шундай бир онда,
Ҳаммадан шуниси қилади алам.
Авалло ўзимиз куйдирайлик жон,
Раҳбарлар қўзғалса — халқ ҳам қўзғалар
У улуғ кудратдир — дарёи уммон,
Ҳамда даҳшатлидир қўзғалса агар.
Белни маҳкам боғлаб, шимариб енгни,
Кеча ҳам, кундуз ҳам тинмасак агар,
Ширин уйқусидан уйғотиб тонгни.
Биз қанча югурсак, халқ ҳам югурар!
Пахтами, бедами, йўлми, ариқми,
Ҳал этайлик ахир барча бирлашиб!
Бари бизни кутиб, навбатин кутиб,
Уюлган ёғочдай турар қалашиб...»

Тунда уйқу қочиб кетди ногаҳон,
Валибек кийиниб чиқди ҳовлига.
Чарақлаб турибди юлдузли осмон,
Бепарводай унинг ташвиш, аҳволига.
Бу не ташвиш ва не ўйловдир,
Оқшомлари сира бермайди уйқу?

Халқнинг ачинарли ҳолин ўйлайдир,
Лекин аниқ жавоб тополмайди у:
— Икки ойки мана, шу диёрдаман,
Билмайман, кунларим не зайл ўтар.
Эзилган, афтода бу халқки ҳамон —
Мендан бир янгилик, каромат кутар.
Икки қариянинг сўзин эшитдим,
Ҳа, улар рўй-рост таъна қиларди:
— Аввалги раҳбарлар нима қилдики,
Энди бу .. гўёки мендан куларди:
— Элу юртнинг нону-тузин едингми,
Хизматини ҳам қилгин-да, огайни.
Ёки сен ҳам ўша йўлни дедингми,
Унда — бўшатиб қўй тезроқ бу жойни!
— Туя кўтаролмас ахир бу сўзларни
Бир ботмондан тузи бор ҳар бирининг.
На чора, тингламоқ зарур арзларни,
Ва англамоқ керак таъналар сирини.
Осонмас! Салмоқли, улкан вилоят,
Ўзи бир мамлакат деса-дегулик!
Неча туркум шаҳар, неча эл, элат,
Барининг тақдири ҳозир сенга боғлиқ!
Не яхши — ёмондир, не иссиқ — совуқ.
Барига масъулсан — айтурсан жавоб.
Қоғозларда бор-у, магазинда йўқ, —
Меҳнат аҳли сендан сўрайди ҳисоб.
Нима қилсам экан? Борми чораси?
Ёки «Бўшатиб» деб қилайми илтижо?
Тизгинсиз ҳаёл ичра, гапнинг сираси,
Минг чалкашиб кетди шу чоқ бу дунё:
— Хўш, Валибек, айт-чи, сен ўзинг кимсан,
Раҳбарлик қилишга борми сенда қудрат?
Гарчи фронтчисан, жанг кўрган инсон.
Аммо, шиддатлидир ҳозирги суръат.
Тўғри, райком бўлдинг, ижроқўм бўлдинг,
Ишладинг неча йил марказқўмда ҳам.

Лекин, фарқинг шуки — доим ҳалол эдинг,
Нокаслик йўлига қўймадинг қадам.
Мураккаб бу йўлда турибсан бугун,
Бир ёқ — инсофсизлик, бир ёқда — виждон.
Вилоятга раҳбар! Ахир, сен учун —
Ҳам зўр ишонч, ҳамда катта имтиҳон!
Бир лаҳза иккига бўлинди хаёл:
Бир ёқ — журъатсизлик! Бир ёқ — жасорат.
Бир ёқ — умидсизлик, бир ёқ — истиқбол.
Бир ёқда ваҳима! Бир ёқ — матонат!
Қай бири! Эътиқод! Номус ва имон!
Қайбири оғир-у, қай бири осон?
Валибек ҳовлида кезаркан, шу чоқ,
Тонг отиб келарди, бир тонгки — оппоқ!

* * *

Кўксой жозибали баҳор чоғида,
Бугунги тантана мақтовга арзир.
Қад кўтармиш унинг сўлим қучоғида,
Икки ошёналик гўзал бир қаср.
Болалар боғчаси! Қўли гул уста —
Санъати сеҳридан эрур нишона.
Нақши-нигорлари бирам ораста,
Гўё — эртақдаги кўркам кошона!
Ота-оналарнинг шодлиги чексиз,
Кўзни қувонтирар турфа жиҳозлар —
Афсона эмасдир! Кўриб турибсиз —
Ганчкори хоналар, минг ранг пардозлар.
Гуллар, қўғирчоқлар, тўкин дастурхон...
Йўқ, эртақ эмасдир бунинг барчаси.
Меҳру саховатни қилар намоён.
Қишлоқ болаларин оддий боғчаси.
Бутун эл йиғилмиш, чеҳралар хандон,
Валибек барчани табриклар дилдан,
Шу чоғ борлиғини қамраб ҳаяжон,

Не бир хотиралар кечди кўнгилдан.
Ногаҳон киприкда айланган кўз ёш,
Севинч ёшимиди, алам ёшими?
Ёки зарраларда акс этди қуёш,
Бу — ўша қуёшнинг бир қарашими?!
Болалар — гўёки тоғ лолалари,
Ўйнашар, теграда ёрқин истиқбол.
Валибек уларга тикилган сари,
Уни олисларга етаклар хаёл..
Шундай бир хаёлки — унинг ортида.
Турар эллик йиллик узоқ масофа,
Етимликнинг ожиз, мунгли кунлари,
Ўша йиллардаги аянч бир лавҳа.

IV

У кунларни эслаш — даҳшатли, оғир.
Қалбни титратувчи аёвсиз қисмат
Ногоҳ хотирласанг — борлигинг оғрир,
Жонни эговларди минг битта ғурбат.
Бошга соя солиб айланган тақдир,
Шафқатсиз айирди ота-онадан.
Кўргилик шу экан, чораси йўқдир,
Ғариб бўлиб қолди бутун хонадон.
Аро йўлда қолди етим бўталоқ,
Кимнидир изларди холий дунёда.
Кўзлаган манзилга етмасди бироқ,
Кўрар эди уни фақат рўёда..
Ҳаётнинг нелигин қайдан ҳам билсин,
Она дийдорига тўймаган гўдак
Боши берк кўчада нима ҳам қилсин,
Балки бир банданинг кўмаги керак...

* * *

Бир куни оғаси гўдакни етаклаб,
Иккиси келишди олис бир жойга.
Бола жовдирарди оғасига қараб,
Нима қилмончи у? Келишди қайга?
... Оға не ҳам қилсин? Фариб бир кулба.
На бурда нон бордир, на оши ёвғон.
Ҳар ёнга бўзлади гўё бир телба,
Лекин тополмади бирор бир имкон...
«Етимлар уйи» деб кўрсатди биров,
Мана — туришибди оға ва ини
Жулдур, оёқяланг Валибек ҳоли,
Шафқатсиз эзарди оғанинг қалбини.
Сўнг... уни топширди:
— Хайр инигинам!
— Ташлаб кетманг, — дея ёлворди гўдак,
Тинмай йиғлар эди иккаласи ҳам,
Аламдан зирқираб, титрарди юрак.

* * *

Хайрият илтифот кўргизди ҳаёт —
Бошини силади «Етимлар уйи».
Замона илкида топди бир нажот,
Инсонга ўхшади ранги ва рўйи.
Шу мурғак толега минг бир ташаккур,
Даҳшат чангалидан қутқарди уни.
Гўёки онанинг иссиқ меҳридир —
Овунтирди унинг ўқсин кўнглини.
Аста-секин тинди дардлар, кўз ёшлар,
Оғизга ош тегди, устибоши бутун..
Шу тахлид гўдаклар тирикчилик бўшлар,
Дилларда не умид, чеҳралар ёрқин.
Қанча сувлар оқди, йиллар ҳам ўтди.
Етимлар қоматин тиклади замон.

Бечоралар учун яхши кунлар етди
Ва яхши қўлларки — онадай меҳрибон.
Бир куни келдики — маърифий дунё,
Тутқазди уларга дафтари қалам,
Маориф эшигин очдию, гўё
Ёришиб кетгандай бўлди бу олам.

* * *

Давр юксаларкан, даврга монанд —
Ўша сафда юксалди Валибек ҳам
Пионер! Қомсомол! — жонига пайванд.
Билимдон, идрокли, замонга ҳамдам.
Етимлик йиллари қолмиш олисда,
Бугун ҳавас қилса арзирли йигит.
Ҳамонки туш каби жонланар эсда,
Зеро, у кулфатлар бўлурми унут...
Забардаст бир йигит! Фикри, матлаби —
Яратиш! Яратиш янги бир дунё!
Инсонлар сафида бир инсон каби,
Қадру қимматини топди эл аро.
Шу ватан тақдири — унинг тақдиридир,
Шу юрт тарихидир — унинг тарихи.
Шу тупроқ — тупроғи, шу ерки — еридир.
Шу диёр таърифи — унинг таърифи.
Шу Ватан шодлиги — унинг шодлиги,
Шу Ватан кўз ёши — унинг кўз ёши.
Шу эл ободлиги — унинг ободлиги,
Шу осмон қуёши — унинг қуёши!

* * *

Эндигина яшнаб, энди улғайиб,
Эркин нафас олиб турганда Ватан,
Адолат ва аҳдни бир чеккага қўйиб,
Қонхўр ёв бостириб келганди бирдан.

Епирилиб келди ташвиш, ғам-алам,
Қора кунлар тушди юртнинг бошига.
Уша ёз маҳалида Валибек ҳам,
Фронтта жўнади йигит ёшида.

* * *

... Ногаҳон узилди хаёлнинг тори:
Болалар кулгуси чақнатар учқун, —
Бу гўзал тоғларнинг тутса хумори,
Яна келур унинг қўйнига бир кун.
— Менга йўллаганинг — ул ширин калом
Инсонлик ҳурмати — бош устига нур.
Бир пиёла кўк чой ҳамда эҳтиром,
Садоқатинг учун, юртим, ташаккур...
Шу маҳал қалбини тирналаб бехос,
Валибекни чулғади нохуш бир савол.
Бир зумда сўнди-ю дилда эҳтирос.
Ва кўндаланг бўлди ҳақиқий аҳвол.
— Қани эди, ҳамма ерда шундайин,
Болалар боғчаси этилса бунёд.
Афсус, минг афсуски...не дей, не дейин,
Бу учун ҳам бир кун жазолар ҳаёт!
Ахир бу жинойт, жинойт-ку бу,
Минг... минглаб гўдаклар ўлимга маҳкум.
Тириги сут ўрнига эмишар оғу,
Сувда ҳам, ҳавода ҳам заҳримарг ҳоким.
Яна денг! Унтадан битта қишлоқда,
Хўжа кўрсин учун бир боқча бордир.
Болалар ўйнашар лой ва тупроқда,
Қишлоқ не? Шаҳарлар боқчага зордир...
Сабру тоқатингга балли-е, халқим,
Хаммасига чидаб, турибсан бош эгиб!
Не учун? Не учун ҳамонки сен жим,
Ҳаққинг сўрамайсан муштингни тугиб...

Уша кун бюрода қизиб кетди жанг,
 Ижроқўм раиси — «Улуғ»нинг эркаси,
 Буқаламунликда устаси фаранг,
 Ҳали ер кўрмаган эди елкаси.
 — Хўш, гуноҳим нима? — Ғоздай чираниб,
 Бирдан Валибекка бўлди рўбарў.
 Қадалиб турарди кўзлари ёниб
 Ҳамда ҳаяжонда турар эди у.
 — Ўзингиз биласиз гуноҳингиз не,
 Яна такрорлашга бормикан ҳожат.
 «Дарди бедаво» деб атардим сизни,
 Олдин мушт кўтармоқ сиз учун одат.
 Отнинг қашқасидай ҳаммаси аён:
 Машина ҳам пулга, уй-жой ҳам пулга
 Пулга сотилади ҳаттоки имон,
 Мачит ҳам пулгадир, сарой ҳам пулга
 Амални сотдингиз, ерни сотдингиз,
 Ҳаттоки тоғдаги тошларга қадар.
 Номусни сотдингиз, орни сотдингиз,
 Таъзимга эгилган «бош»ларга қадар.
 Шайтонни сотдингиз, сотдингиз оллони,
 Ҳатто ўзингизнинг улуғингизни.
 Сотдингиз эл-юртни, сотдингиз дунёни,
 Сотдингиз қавмингиз, уруғингизни.
 Яна нелар дейин, яна не дейин,
 Балки сотгандирсиз «бошқа»сини ҳам.
 «Бошқа»га ҳам қийин, сизга ҳам қийин..
 Ғазабдан тутақиб кетади одам.
 — Тилингиз заҳардир! — Бақирди раис,
 Сизнинг дастингиздан кимга дейман дод?
 На чора — бу зайл бағритош бўлсингиз,
 Не қил дейсиз, ахир? Борми бир нажот?
 — Нажотми? — Заҳарли кулди секретарь,
 Фақат «Улуғ»ингиз тинглар арзингизни.

Тавқи-лаънатларга қолганингиз етар,
Тўртинчи қаватдан ташланг ўзингизни!...

* * *

Ғалаба байрамин эртаси эди,
Кечга яқин бирдан бузилди-ю ҳаво
Қайдандир бир тўзон бостириб келди,
Қоп-қора булутга ўралди дунё.
Сўнг.. гумбурлаб, бир тўфон ичра,
Дўл ёға бошлади. Атрофда қуюн.
Тинмай қуяр эди даҳшатли куч-ла,
Шиддатин тасаввур қилиш ҳам қийин.
Валибек тун бўйи юмади кўзини,
Телефон ҳам тинмади тонггача
Қайга қўярин билмасди ўзини,
Гўёки бир йилга чўзилди бир кеча.
Қалбида бир ўкинч, мунгли бир ҳасрат,
Далага жўнади эрта тонг маҳал.
Сел ҳамон қуярди.

— Ахир, бу не даҳшат,
Бунақасин асло кўрмаганди аввал.
Кўллаб ётар эди поёнсиз пайкаллар,
Ям-яшил ғўзалар кетмишди қирилиб.
Сув остида эди ариқлар, йўллар,
Тошқин келар эди қирғоққа урилиб.
Шу заҳот, тўрт ёқдан — қишлоқ, овулдан,
Одамлар келарди елиб-югуриб.
Сув кечиб, лой кечишиб ўнгу сўлдан.
Чопиб келишарди Валибекни кўриб,
Изтиробда эди райком котиби,
Йиғлар бир келинчак — пахта бригадири.
Унинг ғўзалари яшнаб турганди,
Энди не бўлади бригада тақдири?...
Рация тинмайди, тўхтовсиз ахборот,
Районлар бирма-бир аҳволни айтар.

Бу қандай кўргилик, бу қандай фарёд, —
Ун беш минг, ўттиз минг, олтмиш минг гектар...
Икки қулоқ ғўзалар сувнинг бетиде,
Хазон япроқларидек оқиб ўтмоқда...
Одамларки — ожиз, турар йўлнинг четиде,
Гўёки барчаси мотам тутмоқда.
Ҳис этиб халойиқнинг аянч аҳволини,
Валибекнинг хўрлиги келди шу заҳот.
Кўзларида ёш тирқирирди унинг.
— Начора? — Баъзан шафқатсиздир ҳаёт!
Шу маҳал, қайдандир пайдо бўлди ўша —
Ўша «улуғ» зотнинг содиқ «жўраси».
Турар эди гўё хира бир пашша,
Қўзғалиб қалбадаги эски яраси:
«Қўрдингми, Валибек, аҳволинг чатоқ,
Худо ўзи сенга бермоқда жазо».
Даҳшат ичра қолиб Валибек бу чоқ,
Бир ҳайкалдек қотиб турарди гўё.
Сел ҳамон қуярди тинмай, тинмайин,
Ҳамма ерни кўл қилиб борган сайин..

V

Машиналар ўрмалар тоғ этагида,
Валибекни кутар янги манзиллар,
Гоҳ равон, гоҳида қоялар тагидан,
Ўтиб борар эди айланма йўллар.
Кетар экан сўнгсиз уфқларни қучиб,
Хаёли ногаҳон банд бўлди шу чоқ,
Баҳори буғдойнинг хамиридай кўпчиб,
Қирга қулоч ёзиб ётмиш бўз тупроқ.
«Ҳозир ям-яшилдир бу дала-қирлар.
Эрта ёз келганда — қолар қовжираб.
Наҳот, шу кўйида ётди бу ерлар,
Не учун бепарво туришган қараб?»
Хаёли шу савол билан чулғаниб,

Етиб келди у Зарафшон бўйига,
Дарё бир илондек тўлганиб,
Оқиб ётар эди ўз маром-кўйида.
Мана, уч ҳафтаки унинг қирғоғида,
Жанг қилмоқда бутун бир қишлоқ.
Қирқ метр пастликда — жарнинг нарёғида,
Шағал ва тупроққа қоришиб ҳаммаёқ
Насос қурилмоқда. Тепаликда эса,
Тоғнинг ён бағридан қуйига қараб
Канал қазилмоқда, экскаваторлар —
Йўл очиб кетмоқда депсиниб, ўрмалаб..
Қурилиш бошлиғин топди Валибек:
— Канал-ку битар-у ва лекин насос
Қачон ишга тушар, қачон биродар?
Бу аҳволда ахир ёзда ҳам битмас..
— Не қил дейсиз?! — Ахир битта мотор деб,
Министрга шу ой тўрт бор қатнадим.
Электр йўқ... жуда муаммолар кўп,
Яна кўпларини сизга айтмадим..
Валибек юзланди райком котибига:
— Бунча бепарвосиз, бу не деган гап?
Аҳвол-ку шу экан, жим юрибсиз нега?
Минг гектар ер турар шу сувга қараб,
Яна уч кун муҳлат бераман сизга,
Насосга не керак топдиринг барчасин.
Министрни кўндирингда сўзингизга,
Ҳал этиб, айтасиз менга натижасин.

Яшил қир пастида, қирғоқларга сапчиб,
Баҳорий шовқин-ла оқар Зарафшон.
Дарё тўлқинларин белидан қучиб,
Қудратин кўрсатиб турар улкан тўғон.
Янгиравот номли ушбу масканда,
Эллик йил муқаддам, бир наврўз чоғи,

Ялпизларнинг нозик бўйи эсганда,
Одамларга тўлиб дарё қирғоғи,
Шодлик садолари тарқаб ҳар ёнга,
Ишга тушган эди буюк иншоот.
Оқ йўл тиладилар янги тўғонга,
Дарё жиловланди шу кун умрбод,
Пўлат дарвозалар тинглар буйруқни,
Сувнинг тақсимида — тошу тарози.
Бир мурват беради йўлу йўриқни,
Ҳисоб-китоб бўлар кўпию ози...
Сўнг эса, нечундир, келиб бир фурсат,
Сувнинг тақсимоти бузилди бирдан.
У энди — номига тўғон эди фақат,
Биров хабар олмас эди бу ердан.
Хира тортиб қолди улкан салобат,
Вайрона бир гўша, кўримсиз ошён.
Қани улугворлик? Қани тароват?
Наҳотки, барчаси унутилди осон?
Куз чоғи Валибек шу ердан ўтаркан,
Биров қўл кўтарди — ўша боғбон чол:
— Мени кечиргайсиз, қаттиқ тегса гапим.
Бундай ноҳақликка чек қўймоқ лозим.
Инсоф билан айтсам, ўртоқ секретарь,
Тўғоннинг шу зайл «ётгани» етар!
Ахири, ўша йиллар сув тақдирига,
Ленин ота сўзлари асос бўлувди.
Доҳий ўғити етиб ўзбеклар ерига,
Канал, тўғонлар бунёд этилувди.
Дарвоқе, гувиллаб турган шу тўғон,
Ленин даҳосига — бизнинг эътиқод.
Сувга сажда қилмиш меҳнаткаш деҳқон,
Сув — замин тангриси! Сув — тирик ҳаёт.
Демоқчиман: — Бузилган сув тақсимоти,
Адолат ҳаққидир — қўйилса ўрнига.
Издан чиқиб кетган дарё ҳаёти,
Айтинг-чи ҳукумат жим турар нега?

— «Не учун бузилди сувнинг тақсимоти?» —
Валибек қалбини тирнар шу сўроқ.
«Гуноҳми? Жиноят? Қай инсон зоти?» —
Уйлаб, ўйловига етмасди бироқ.
— Олимлар қайда эди? Қазо-казолар,
Сувни талон-тарож қилганлар кимдир?
Ҳаёт-ку бу учун кимнидир жазолар,
Уша алломалар не учун жимдир?
Қаёққа қаради Академия?
Не бир институт, неча бир «Ўртоқ»
Шунча йиллар ўтиб, индашмади-я,
Ё чаласавод денг, ёки денг қўрқоқ.
Дарвоқе, шу ношуд донишлар эмасми,
Охир-оқибатда Оролни қуритган?
Заҳар сочиб, куйдириб ҳатто хору хасни,
Инсон наслини ҳам бузиб, барбод этган?
Сувнинг тақсимоти? Сувнингми фақат,
Бузилди-ку меҳнат, нон тақсимоти.
Бузилган тақсимотлар турибди қат-қат:
Тил тақсими, инсоф, имон тақсимоти.
Сувнинг тақсимоти? Сувнингми фақат?
Шоир-у аллома, даҳо тақсимоти.
Кундада тақсимланди олтинчи қават,
Фаҳшлар тақсими, тилло тақсимоти.
Топилди неча бир Абдуллатифлар,
Қасрлар тақсими, тахт тақсимоти.
Қаро ҳарфлар билан ёзди котиблар,
Бахтсизлик тақсими, бахт тақсимоти.
Тақсимотга тушди қамоқхоналар,
Пастликда маҳбуслар, тепада ҳоким,
Уйқуси келмади далли — девоналар,
Мозорларни ...э воҳ, бузмагунча токим..
Тақсимотлар... Уша сувнингми фақат,
Амал тақсими ва қадр тақсимоти.
Буларнинг ҳаммаси, ҳаммаси ҳақиқат,
Не дейин! Ҳаттоки қабр тақсимоти..

Элга эътиқодни қилмасди идрок,
«Ҳаёт — фақат байрам!» дегувчи нодон.
Унинг эътиқоди емоғу ютмоқ,
Гўё — шу йўсинда туради замон.
Шу йўсинда эди улар дунёси,
Қошки билса эди гуноҳи недир.
Бўлмаса уяти, бўлмаса ҳаёси —
У фасл — тангри ҳам ожиз қоладир!
Бир муддат хаёлга чўмган Валибек,
Чолнинг ниятларин ўйларди бир-бир:
— Йиллар ўтиб, нега бирорта инсон,
Шундай эзгуликни ўйламади ахир?

* * *

Бугун бўлса — ўзга бир дунёдир,
Тўғон ён бағрида қайнаб кетмиш иш.
Шундай халқни бошга кўтарсанг арзир,
Арзир иқболига йўлласанг олқиш.
«Ҳа» десанг — тоғни ҳам этади талқон,
Соддадил! Самимий! Камтар, беғараз!
Элу юрт йўлида фидо этар жон,
Ўзгани ўйлар-у, ўзин ўйламас.
Бири — лой қормоқда, бири — ғишт терар,
Бири — сайқал берар, мрамарга, тошга
Бири — кўчат экар, бири фонтан қураар
Бири — кўмаклашар уста-наққошга.
Неларга қодирдир бу халқ қудрати,
Сахро — жаннат бўлур унинг қўлида.
Туғанмас дарёдир кучи-қуввати,
Баҳор гул очади юрган йўлида..
Уй ҳам, машина ҳам шуларга бўлсин,
Юлғич, ҳаромхўрнинг кесилсин қўли.
Омборда неки бор аввал шулар олсин,
Савдогар, ўғрининг тўсилсин йўли..
Қаранг, салобатда кўзни қувонтирар,

«Тирилган» тўғоннинг кўркам сайқали.
Ва гўзал майдонга чирой бўлиб турар,
Мармар қоя узра Ленин ҳайкали.
Бир дунё қониқиш туйиб, шу маҳал —
Валибек шаҳарга қайтаркан мамнун,
Кимлардир кўз тутар йўлига маҳтал,
Не бир муаммолар... Яна кутар бугун.

* * *

Минг карра ташвишлар тинчитмади уни,
Валибек пойтахтга йўл олди бир кун.
Учрашгач, «Улуғ»дан сўради узр,
Ижозатсиз пойтахтга келгани учун.
Марказком раҳбари дарғазаб негадир,
Гўё қовоғидан ёғар эди қор.
Валибек аҳволни яширмай бир-бир,
Не бўлса барчасин айлади изҳор:
— Янги ер очишнинг имкони йўқдир,
Зарафшон йилдан-йил бормоқда қуриб.
Сир ҳам ва Аму ҳам биздан йироқдир,
Ваҳима босади аҳволни кўриб.
Қамайтирмоқ лозим пахтани бироз,
Минг бора ўлчадик — илож йўқ бўлак.
Хафа бўлсангиз ҳам айтайин рўй-рост,
Халқ эзилган... шафқат қилмоқ ҳам керак.
Пахтага қурбон-ку ҳаммаси бугун,
Қуруқ нону чойга қолди кунимиз.
Бор гапни Масковга айтмаймиз нечун,
Тилимиз қисикми, борми камимиз?
— Москва не деса — биз учун қонун,
Гап қайтариб кўринг-чи Бош секретарга.
Нетай? Исканжада турибман бугун,
Бир оёғим ерда, биттаси — жарда.
— Ахир: «Бер! Бер!» да ҳам бўлсин чегара,
Сўнги тўниниям оласизми ечиб?

Эл-юртнинг ҳолин ўйламайсиз нега,
 Бош олиб кетайликми баридан кечиб?
 Бирдан ёниб кетди «Улуғ» шу зоҳат,
 — Жуда ҳаддингиздан ошяпсиз бу дам,
 Сиз учун ўйинчоқ кўринмиш ҳаёт,
 Бошингиз қиличга тутмангиз, укам.
 — Бошим-ку қиммат ҳам эмас унчалик,
 Муҳими... муҳими — диёнат, виждон.
 Ҳаддан ҳам ошмадим сиз айтганчалик,
 Кўриб, кўрмай туриш — ҳаммадан ёмон.
 — Пахта соҳасида баҳслашардик роса,
 Авваллар ҳам шундай қайсар эдингиз,
 Қайтинг йўлингиздан ҳалиям бўлса,
 Ёки иккитами партбилетингиз?
 Ижроқўмни бунча қилибсиз таъқиб,
 Ахир биласиз-ку... жигарим, оғам.
 Валибек шу замон кетди тудоқиб:
 — Ахир-у... ахир-у... ўғри, муттаҳам!
 — Учир овозингни! — бақирди «Улуғ», —
 Учир! Арбоб билан ўйнашма зинҳор.
 «Миш-миш»ларга учиб, қуруқдан-қуруқ,
 Неча райкомларга берибсан озор.
 Валибек биларди ўз «гуноҳ»ини,
 Улуғнинг қонини қайнатган недир.
 Шу нохуш ҳиссиёт қийнади уни,
 Ўйларди: «Тўқнашиб қолганда, не дер?»
 Биламан, ёндирмоқ учун бировни,
 Аввало ўзингнинг ёнмоғинг керак.
 Буюк мўъжизалар кўрсатмоқ учун
 Гаровга қўйилар виждон ва юрак.
 Марказком ишончи — халқнинг ишончи,
 Шу ишонч — партиянинг менга кафолати.
 Ипидан игнагача масъулман ишга,
 Қоммунист — солдатдир! Партия солдати!
 «Улуғ» ғазаб ичра ёнарди ҳамон,
 Валибек қўзғади дилида алам.

Улуғнинг кўзига тикилганча, шу он,
Вали сўз бошлади нима бўлса ҳам:
— Рухсат этинг, яна бир-икки таклиф,
Мазмунидан сизни этайин огоҳ:
Қайтадан тикласак «Бибихоним»ни,
Ўзбекнинг ишига қойил қолсин дунё...
«Химкомбинат»да ҳам ҳолимиз чатоқ,
Асосий ускуналар ҳали Чепелда
Москва бу ишни ҳал этмаса тезроқ,
Қурилиш чўзилар яна бир йилга...
Хабарингиз борми? — қўшни бир вилоят,
Зарафшон сувининг бир қисмин олмоқда.
Улкан тоғни тешиб, ёр қилиб ниҳоят,
Дарё оқимини ул томон бурмоқда.
Ўзича маъқуллаб, режалар битган,
Эшитиб ҳайратга тушасан одам.
Қазо-казоларни роса лақиллатган,
Қимнидир кўндирган Москвада ҳам.
Бундан ҳам даҳшатли, билсангиз агар,
Панжакент тарафда улкан комбинат
Тун-у кун дарёга оқизар заҳар,
Зарафшоннинг суви булғанар беҳад.
Комбинат саралар сурма, маргимуш,
Оғули қолдиқлар тушар дарёга.
Бундай жиноятга нима дейсиз, хўш,
Тирик ўлдирувчи бу хил «бало»га?
Бу оддий гап эмас, жиддий муаммо,
Бутун бир водийнинг, халқнинг тақдири.
Бунинг оқибати ўлимдир, аммо,
Тезда топилмаса чора-тадбири...
— Сизга рухсат, — деди «Улуғ» ниҳоят,
Ҳозироқ водийга жўнаб кетинг, тез!
Ҳаммасини йиғиб, ёзарсиз бир хат,
... Тақдирингизни ҳам ўйлаб кўрингиз!
Шу ерга етганда тўхтаб қолди гап.
Валибек билмасди ким ҳақ, ким ноҳақ.

Улуғ қахрлидир бунчалик... ажаб,
Ва барча жумбоқлар қолди муаллақ...
Валибек тингларкан «Улуғ» — сўзларини,
Бир галаён сизди руҳий дунёсида.
«Улуғ»ки даҳшатли қиёфада эди,
Ва ғазаб ёнарди унинг сиймосида.

VI

Оқшом чоғи эди, кекса бир жангчи,
Қириб келди Валибек ҳузурига.
Неварасин ўқишга киритмоқчи,
Бир нажот сўрабки келмиш бу ерга.
Қалбида бир шафқат қўзғади шу чоқ,
Қўлтиқ таёқдаги чолнинг аҳволи.
Уни кузатаркан, шу заҳотнёқ.
Уша олис йилларга кетди хаёли:
Кўз ўнгидан ўтди шу чоқ бирма-бир,
Қор босган окоплар, ёнган қишлоқлар,
(Жанг чоғи ҳеч нени аямайди тақдир).
Вайрона эл, элат, куйган тупроқлар.
Қирқ иккинчи йилнинг қаҳратон қиши,
Тун аро ўрмонда увиллар бўрон.
Қотиб, тўнка бўлиб қолади киши,
Не бир машаққатда сақланмаса жон
Тонг маҳал бошланди тўплар наъраси,
Қазелск шаҳри этилди озод.
Тирқираб қочаркан фашист галаси,
Шаҳарни ёндириб, этганди барбод.
— Қасос!
— Қасос! — дея қувар эдик биз,
Ҳа, қасос олардик ҳаммаси учун.
Хазон бўлган ёшлик, она-еримиз —
Ҳаққи, юракларда ғазабнинг кучи
Тўфондек босардик газандаларни,
Дунё бўлар эди кўзларига тор

Қаҳратон ҳам тутдай тўқар уларни,
Россияни хумор қилмагай такрор!..
Сўнгра Ленинград, Белоруссия,
Нарва бўсағаси... қаттол у жанглар
Офтобга юз тутди Шарқий Пруссия,
Табиат турқида ўзгарди ранглар.
Менинг Валибегим, моҳир снайпер,
Қирар эди ёвни бермасдан омон.
Оёғи остида тилка-пора ер,
Нигоҳи тикилган Берлинга томон.
Ёвни қувар экан қадам-бақадам,
Неча бор йиқилди, неча бор турди,
Бир чеким тамаки кўрилди баҳам,
Освенцим, Майданек даҳшатларин кўрди..
Илма-тешик бўлди Одер қирғоқлари,
Совет аскарининг зарби шиддаткор.
Бу кунки — Европа яқин-йироқлари,
Бир эркин лаҳзага эди интизор.
Жанг қилар! Қаҳрли! Ёвга шафқатсиз!
Берлин қопқасида — тўплар жаранги.
Оппоқ тонг отмоқда! Ёрқин, сарҳадсиз,
Баҳор елларида — зафар оҳанги
«Болалар уйи»нинг иссиқ қучоғи,
Аросатда қолган йигитлик ҳаққи
Қадрдон мактабнинг меҳри, сабоғи,
Шу тупроқ, ризқу-рўз, тириклик ҳаққи —
Жанг қилар, ғазабли жанг қилар!.. Сўнгра —
Қизил Майдондаги шодлик дарёси!
Ғалаба паради! Қўшиқлар янграр,
Севинч лаҳзалари! Севинч дунёси!

* * *

... Жангдан қайтар экан омон, музаффар,
Не тонг — юпун эди элу юрт шу чоқ.
Тикланиш фаслидир! Улка сафарбар.

Валибек меҳнату билимга чанқоқ.
Шинели эғнидан тушганича йўқ.
Бир қўлида кетмон, бир қўлида қалам.
Парча нон тансиқки — қуёшдай қутлуғ,
Бори ҳам, йўғи ҳам кўрилар баҳам.
Урушнинг кулфати кезарди ҳамон,
Хонадонки бордир — изи билинар.
У — Элба бўйидан қайтгани замон,
Қаддини ростлади оға-инилар.
Қалбида солдатча қайноқ ҳарорат,
Киришиб кетганди меҳнат қўйнига.
Кунлар ўтар экан, етиб бир муддат —
Маърифат зиёси тушди кўнглига.
Билимга ташналик, сирли бир олам,
Улкан шаҳар сари бошлади уни
Қўлтиғида китоб, орзу — бир ҳамдам,
Кучоқ очди Ўзбек дорилфунуни.
Зарафшон диёри, туғишган элат,
Қалбга меҳр берди, кўзларига зиё
Ақл, идрок берди бир она сифат,
Ўз сирларини очди бу қадим дунё
Сувлар оқаверди, йиллар ҳам ўтди,
Муҳаббат офтоби! Фарзандлар завқи!
Баъзан суйиб, баъзан имтиҳон этди,
Ҳаётнинг ташвишу азоби, шавқи.
Бир куни келдики, қадрдон юрт аҳли —
Қатта синовларга кузатди уни.
Олис бир йўлки — олдиндайди ҳали,
Шубҳасиз, курашлар бўлар мазмуни.
Неча йиллар ўтди ўшандан буён,
Не элат-юртларга, тушмади йўли.
Тинч қўймади уни чопқир бу замон,
Олға югурарди жонажон эли.

* * *

Ҳамон оқиб ётар Зарафшон бирдек,
Йиллар зинасида улғайиш, камол,
Ҳаёт варақланар худди умрдек,
Юз ҳам кўрсатгуси бир кун истиқбол.
Уйқу қочиб кетар баъзида тунлар:
— Не учун бир ерда қолдик депсиниб?
Етар-етмасликда ўтади кунлар.
Гўё ҳаёт, турмуш борарди сўниб.
— Қўшиб ёзиш! Ёлғон! — Не қилмоқ керак?
Бир йўла тугатиб бўлурми барин.
Баъзида ҳаприқиб кетади юрак,
Тарозига қўйиб дунё ишларин.
Буюк бир инқилоб фазода, ерда,
Не оғир кунларни кечирар юртинг.
Нурдан ҳам учқурроқ, ушбу асрда,
Лоқайд бўлиб туриш — ҳалокатга тенг!
Сохта фидойлик — ялтироқ либос,
Не чора — шафқатсиз жазолар аср.
Манманлик даъвоси — нодонларга хос,
Қадим зарбулмасал: «аналҳақ — куфр!» —
Шу сифат фикрлар хаёлни чулғаб,
Тиндирмас Валибек қалбини бир он.
Шаҳар юмушларин сарҳисоб айлаб,
Яна жўнаб кетди далага томон.

* * *

Ногихонда Валибек ҳузурига.
Кириб келди бизга «таниш» бўлган зот:
— Биласизми менинг келишим нега,
Ўзим афтодаман, хону-мон барбод.
Тўйдим дунёнгиздан!
Ҳаммасидан бездим!
Қўзимга кўринмас бола-чақа ҳам.

Бор гапни, рўйи-рост Марказга ёздим.
Ёлғиз мен учунми бу дард, бу алам,
Гуноҳимни айтинг, недир гуноҳим,
Дарёга ташлайми ёки ўзимни.
Айтинг, қачонгача тураверай жим,
Ким тинглайди ахир менинг сўзимни?

— Наҳот билмасангиз гуноҳингиз не?
Райком бюросида айтишмадим?
Айбини тан олди дейишди-ку сизни,
Барча иқрорингиз сохта эдимиз?

— Тўғри, қўшиб ёздим, ярмиси ёлғон,
Эл-юртни алдадим, ҳа, кўз бўядим,
Кўксимни беади не олий нишон,
Мен ерда эмасдим, осмонда эдим!

Алдадим!

Бўядим! Қилдим ҳаммасини!

Раис буюрувди тепадан туриб.

Туяни ҳам ютдик чиқармай исини,

Индашмади, туришди томоша кўриб.

Бирни икки қилдим, бешни эса — ўн.

Мадҳия ёздилар менинг шаънимга.

Ўйламадик — не бўлур охири бир кун,

Қасд қилган эканман мен ўз жонимга.

Қоғозларда бор-у, ўзи йўқ дейишди.

Шундай эканини раис билмасмиди?

Мен не еган бўлсам бирга ейишдик

Ўшанда раис ҳам мен-ла бирга эди.

— Муккадан кетдингиз шахсий дунё деб.

— Раис не буюрди, айтганин қилдим.

— Тинмай маърадингиз еб-ичиб туриб.

— Раис не буюрди, айтганин қилдим.

— Бир тийинга сотдингиз виждон деганни.

— Раис не буюрди, айтганин қилдим.

— Пулга алмашдингиз имон деганни.

— Раис не буюрди, айтганин қилдим.

— «Сийқа танга» бўлди баъзи нарсалар,

Қўлдан қўлга тинмай айланавериб.
 — Қилавердим менга не қил десалар,
 Катта аравалар изидан юриб.
 — Бас қилинг! Ҳисобсиз эмас бу дунё!
 — Бас қилсинда ахир, раисингиз ҳам.
 — Тизгинсиз даҳшатсиз! Дарди бедаво,
 Ҳаммадан шуниси қилади алам.
 «Евон» да ғаллага олов қўйдингиз...
 — Сизни ёндирмоқчи эдим ўшанда.
 — Наҳот ҳасрат ичра шунчалар куйдингиз?
 — Кўрарсиз бошингизга ситам тушганда...
 — Ахир инсоф билан айтинг, бутун халқ —
 Тинчлик, омонликни ўйлаб юрганда,
 Ишдан путур кетиб, ноҳақлик ва ҳақ,
 Қўлда қилич ила рўба-рў турганда..
 Сиз бўлсангиз, айтай, бир нафс гадоси,
 Туя қилиб юрдингиз элнинг нонини.
 Пункт мудирингиз... бир дунё ғалваси —
 Заҳар ичиб қутқазди ўзин жонини.
 Телефон жиринглаб қолди шу заҳот,
 Баҳс шу ерга етганда қолди муаллақ.
 Чигил муаммолар, мураккабдир ҳаёт,
 Ўзингиз ҳал этинг! Қим ҳақ, ким ноҳақ..

Машина ошиқар Сулувкент сари,
 Йўлнинг икки ёни — қишлоқлар қатор.
 Мавжланиб турибди денгиз сингари,
 Уфқсиз, бепоён оппоқ пахтазор.
 Мана, «Гулистон» — ўша машҳур колхоз,
 Юрт аро кетмишдир таърифи, шони,
 Гўё бир лочиндек этади парвоз,
 Пахта хазинаси! Пахта уммони!
 Саҳий куз қуёшин олов тафтида,
 Гўё ҳансирайди бўлиқ пайкаллар,

Кумуш ранг тоғларки деҳқонлар кафтида —
Бунёд этмиш уларни қадоқли қўллар.
Раис кулиб дейди: умримиз бўлиб,
Бунақа пахтани ҳеч кўрмагандик.
Ошиб кетса ҳамки планлар тўлиб,
Ҳали кўп пайкаллар терилмагандек.
Ҳали кўп пайкаллар терилмагандек.
Асл пахтакорлар ватани бу ер,
Буни Валибек ҳам яхши билади.
Пахтакорлик — бунда катта санъатдир —
Ҳар нечук билимдон ҳайрон қолади.
Қойил қилган деҳқонга ташаккур, аммо —
Валибек ўйланиб қолди шу замон:
Не учун шундай — чалкаш бир муаммо —
«Гулистон» — яхши-ю, бошқалар ёмон?

* * *

Бир парча нон билан, бир чимдим тузда,
Улкан бир дунёнинг мазмунин кўрмоқ..
Баъзан раҳна солар ҳаётимизга,
Бандидан узилган оддий бир япроқ.

* * *

Олис минг йилларнинг зарҳал китоби,
Зарафшон соҳилин этмишдир таъриф.
«Кундалик»да унинг мақтов, хитоби,
Офтоб жилосидай тиниқ бир тарих:
Чиндан ҳам: бу иқлим, бу ер, бу осмон! —
Қайси юртда бордир? Қайси сарҳадда?
Минг тур нозу неъмат! Неъматки — жаҳон! —
Қайси қитъада бор? Қай мамлакатда.
Зероки, бу аён-бир ҳақиқатдур,
Нечун вилоятнинг пастдир парвози?
Нега давраларда сокин, лоқайддир,

Жаранглаб турмайди унинг овози?
Орадан ўн йиллар ўтиб кетса ҳам,
Бир ерда депсиниб турарди область
Гарчи, ҳосилдорлик эди жуда кам,
Асл сабаблари айтилмасди рўй-рост.
Баҳона изланди — «Иқлим ноқулай,
Баҳор кеч келди-ю, эрта тушди куз».
Пахта кўпаймади ўлкада ҳар қалай,
Кўпайиб кетса ҳам минбарларда сўз...
Валибек элади: Қаранг, бир маҳал,
Фаройиб бир шов-шув тарқалди шу чоқ.
Асл «моҳиятин» англашмади аввал.
Сўнг, ул моҳият ҳам пуч чиқди бироқ!
«Илғорлар ташаббуси» — сирли баҳслар,
Мухбиру репортёрлар бозори чаққон.
Назария ўзинча қуп-қуруқ ҳислар.
Фақат амалиёт бағишлайди жон.
Ялтираб кўринди сохта бўёқлар,
Илмий китобатлар қолди қоғозда,
Бировлар таҳсин ҳам кўрди у чоқлар.
Не-не кунлар ўтди ушбу алфозда!
Икки кара икки — тўрт чиқаверар,
Бу — даққи юнусдан қолган эски гап
Орзуйинг.. бир ерда айланиб турар
Қадам ташламасанг замонга қараб.
Пахта-ку, шу йўсин — «илм»га қурбон,
Хўш — бошқа оҳанглар, бошқа нурлар-чи!
Каналлар, қабрлар, йўлу хиёбон:
Боғлар, ғаллазорлар, саҳро, қирлар-чи?
Айтсанг — тилинг куяр, айтмасанг — дилинг!
Палаги не бўлса — қовуни шудир.
Пешонангда борин кўрдингу билдинг,
Захматини чекдинг ҳаммасин бир-бир.
Бир замонлар эди — йўл ёқасин безаб,
Ястаниб турарди сўлим ўрикзорлар.
Кимлардир ўтишган ҳиссиз, лоқайд қараб,

Шафқатсиз кесилиб кетибди улар..
Турфа «ҳангома»лар бўлар кўндаланг:
Фақат пахта билан яшарми инсон?
Табиятда зоҳир неча турли ранг,
Минг бир мавжудотда тўлиқдир жаҳон!
Ҳамёнда жаранглаб турса-ю миллионлар,
На клуб, на ҳаммом, на йўл, на йўлак.
Ҳайрон эди «Гулистон»га келганлар,
Ҳеч нарса кўралмай пахтадан бўлак
Сувсиз қақраб ётар гул ва гулхона,
Қам тилга олинар «Қурилиш» сўзи,
Ношудга топилар доим баҳона,
Бу турфа раҳбарнинг «қаттиқ»дир юзи
Дейликки — «Гулистон» донгдордир! Хуллас,
Олий минбарлардан мақташар уни.
Ва лекин бир туя кўтара олмас,
Бутун бир карвоннинг оғир юкини.
Дарвоқе, не учун бир колхоз илғор,
Тоғларга бўй ўлчар пахта хирмони.
Аммоки — нечасин аҳволи ночор,
Зўрға қадам босар, етмас дармони».

Бир кун Карим ота сўзларин тинглаб,
Ҳайрон бўлиб қолдим — тушимми, ўнгим.
Ё ишонмадим, ё етмадим англаб,
Бу чол бир афсона айтарди балким.
Ул дерди: «Валибек келди-ю, қаранг,
Ҳамманинг жилови тортилди бирдан.
Барча қўли эгри, қаллоб ҳам гаранг!
Дерлар: «Бу бағритош келди қаердан?»
У келди-ю олғир ва юлғичларга,
Сичқоннинг уяси бўлди минг тилло.
Амалдор тўралар ва савдогарга,
Адолат найзаси қадалди гўё.

Ҳаромхўрнинг қўлини кесмоқлик учун,
Гўёки қинидан чиққанди қилич.
Давлат хазинаси дахлсиздир бугун,
Посбонлар турарди гўё эрта-кеч.
Тайёр турар эди сиртмоқ ҳамда дор,
Уғрини кутарди жазо кундаси.

«Дунё эгасиз деб ўйламасин зинҳор» —
Шундай эди ҳукм — гапнинг лўндаси.
Ҳамма ерда тартиб, темир интизом,
Ишчи дўконлари сероб ва тўкин.
Муғомбир қапқонга тушарди мудом,
Сирини ҳеч кимса билмасди лекин.
Сири — Валибекнинг гурзиси эди,
Аямасди ҳатто отасини ҳам.
Аламзадалар уни «жаллодсан» дерди,
Оддий деҳқон-у ишчи қиларди байрам..

Валибек мамнундир, кетарди сой бўйлаб,
Сабзакентдаги ўша автомат — насос
Ишга тушди, одамларнинг севинчин бўйлаб,
Унинг қалбида ҳам шодлик, эҳтирос..
Мана, Қоратепа — улкан сой этаги,
Рўпарадан чиқди қурувчи — инженер.
Қўналғадир — ёлғиз қайроғач таги,
Атроф тоғ, пастликда эса — тошлоқ ер..
— Қаранг, табиатнинг ўзи — бинокор,
Айлана бу сойки — ҳовузнинг косаси.
Икки томон эса юксак тоғ-девор,
Ажабки — ҳаётнинг тайёр мўъжизаси!
Шу тизмада — ўн сой, ўн етти булоқ,
Сув миқдори бўлар неча юз миллион.
Боғланади ҳув — ўша қоядан буёқ,
Худди мана бу ер — биз айтган тўғон.
Қурилишни...

— Дарҳол бошламоқ даркор,
Ҳамма иш обкомнинг назоратида —
Бўлади ва бунда не муаммо бор,
Билдириб турасиз ўз навбатида.
Шу маҳал обкомдан келди бир хабар,
Куйганмиш Чақардаги пахта пункти.
— Наҳотки? Қим айтди? Ажаб? Алҳазар! —
Учди Валибекнинг ранги ва қути..

VII

Ярим тунда қайтди Валибек уйга,
Уйқу йўқ Уфққа тикилди кўзлари.
Дил нотинч, судрарди сўнгсиз биз ўйга —
Отахон деҳқоннинг ўша сўзлари.
Ўтган кузда эди, бир суҳбат чоғи,
Қарим ота дилдан куйиниб дерди:
— Бир пайтлар эдики — Зарафшон қучоғи,
Не бир бойликка кон — хазина эрди.
Эндичи — воҳадан оқиб ўтгувчи,
Чиқинди захрига маҳкум Зарафшон
Бутун йўл-йўлакай захоб-тузларки, —
Оқизиб боради Бухоро томон.
Шу сабаб — қиш фасли одатдир яхоб,
Деҳқонлари ювишар ернинг шўрини.
Не десам, тупроғи инжиқ ва нобоп,
Билмаган тушунмас унинг сирини.
Қиш-у ёз эсади дайди шамоллар,
Бир томон яланглик, қип-қизил саҳро
Яна денг, буниси етмаганидек,
Зарафшон бошида неча бир ғавго:
«Навой»ни қурдиг-у, қуриди Зарафшон,
На чора? Қаерга борсин энди халқ?
Ичишга сув йўқдир, бу қандай замон,
Жиноятчи ким? — Топиб бўлмас мутлақ.
Авом йиғлаб борди Аму бўйига,

— «Онажон, сувингдан бергил бир челақ».
Уни ҳам қўймадик ахир ўз кўйига,
Дарё йиғлар эди — титрарди юрак.
Қуриб борар эди бир ёқда Орол,
Инсон ҳам сарсон-у, ҳайвон ҳам сарсон.
Кундан-кун табиат топарди завол,
Туз тўфони ичра энди ер, осмон.
Хоразм ҳам ҳозир худди Бухоро,
Тупроқ деганининг тенг ярми туздир.
Тўрт томони қумлиқ — чирсиллаган саҳро,
Қишда ҳам, ёзда ҳам ташвиши юздир!
Умри шўр ювиш-ла ўтади бутун,
Даштнинг аёзлари қилади гаранг.
Ҳар бир парча ернинг тақдири учун,
Инсон билан саҳро ўртасида жанг...
Эслайлик Мирзачўл йилномасини,
Ва ҳам Жиззахни-ю, Қашқадарёни,
Санаб бўлармиди унинг ҳаммасини,
Жазирама чўллар, дашту саҳрони,
Уша чўлқуварнинг чайласидан токи —
Ботқоқ, қамишзорлар, шўр қисган тупроқ.
Довуллар, қумбўрон даҳшати, ёки —
Захоб ертўлада ўчиб қолган чироқ
Дарахт остидаги хазонни эмас,
Ҳаттоки — филни ҳам учиргувчи тўфон.
Гуллаган ўриқлар, баҳорий нафас,
Севинчлар, кўз ёшлар, дилдаги тугён...
Андижон!
Кўрганман қадам-бақадам,
Ер йўқ! Ҳар қарич ер — тенгдир олтинга.
Касалланиб кетмиш ернинг бори ҳам,
Бир тани-сиҳатлик зарурдир унга.
Узингиз бир ўйлаб, этингиз идрок,
Энди тарозига қўйинг барини.
Қай бири енгил-у, қайси оғирроқ.
Ҳисоб-китоб қилинг нари-берини.

Хулласки, чирогим, шу ер, шу тупроқ,
Усти ҳам, ости ҳам зар Ўзбекистон.
Унинг жамолига, кўркига бир чоқ,
Ҳавас-ла боқарди бутун бир жаҳон.
Қадим Юнон, Румо ва олис Фаранг,
Бу яшил ўлкага хумору шайдо!
Хоразм қовунин Чин-мочиндан сўранг,
Себи Самарқандга қойил эди дунё.
Қирмизи чойнакдай ҳар битта анор,
Шакар узумларнинг сахий макони.
«Ипак йўли» узра — инжу бир диёр,
Ери ҳам, суви ҳам инсоннинг жони...
Энди бўлса.. Энди — энг даҳшат шуки,
Ҳаммаёқ туз-шўрхоқ, ҳаммаёқ заҳар.
Оғу бор қовундан пиёзгача токи,
Балога қоласиз есангиз агар.
«Урра-урра» дедик, «яшасин!» — дедик,
Жаннатни дўзахга айлантирдик биз.
Билмадим ақлдан озганми эдик,
Бугун ҳалокат олдида турибмиз.
Эзмалигим учун кечиринг мени,
Ақл ишлатмоқнинг етди фурсати.
Куюнчак қалб билан гапирдим буни,
Сустликни ёқтирмас давр шиддати.

* * *

Валибек кеч чоғи хонада ёлғиз,
Бир нималар ёзар, хаёли банд эди.
Эшик очилди-ю рухсат сўраб шу кез.
Райком котиби шошиб кириб келди:
— Айтсам ишонмайсиз бу «афсона»га,
Ахир, бовар қилмас бунга ақл ҳам.
Нега керак экан? Ажабо, нега?
Эшитиб ҳайратга тушасан одам.
Уша — Чақардаги пахта пункти...

Қарангки, одамлар қанчалик жоҳил,
Бўлмаса, шунчалик юз тубан кетиб,
Хоинлик йўлига кирармиди ул?
— Ким ул? — сергакланди обком секретари.
— Уша гумаштанинг кирди-кори экан.
— Наҳотки? — Бир зумда чарақлаб кўзлари,
Валибек қалтираб тутақди бирдан:
Янги инқилобнинг душмани-ку у?
— Душмандан баттар қилмиши, рости гап.
Токи аниқладим — на иш, на уйқу,
— «Шошилмай тур!» дейди кўзимга қараб..
— Шошилмай тур, — дейди? Буюраман: тезда —
Қамоққа олинсин хоин, муттаҳам.
Афсус, озроқ ҳуқуқ бўлсайди бизда,
Кесиб ташлар эдик қўлларини ҳам.
Ҳали, бу асрда, бизнинг фуқаро,
Минг бор тушунтиринг — юрмас етовга.
Яхшиси — кундага тортинг! На чора —
То калтак емаса қилмайди тавба..

Тун ярмида жиринглаб қолди телефон,
«Биринчи» безовта қилди бу сафар.
Валибек шошилинич қулоқ тутди шу он,
Зарбли бир овозда буюрарди Раҳбар:
— «Унга» етиб келинг шошилинич бюро,
Ўзингиз биласиз бугуннинг талабин.
Тошбақа қадам-ла юрибсиз гўё,
Гапириб берасиз судралиш сабабин..
...Валибек кўрсаки «Улуғ» дарғазаб,
Етиб келган унга арзу шикоят.
Дарҳол фаҳмлади авзонга қараб,
Вазият нозикка ўхшарди ғоят.
— Не учун бунча суст терим суръати? —
Хитоб қилди «Улуғ». Айтингчи, не гап?

Ўтиб кетяпти-ку терим фурсати,
Жавлон уринг ахир бошқаларга қараб.
Минг, балки минг ярим машина ҳамон
Пайкаллар четида турганмиш бекор.
— Кўпи бузуқ, ҳайдашга йўқ эрур имкон,
Бари ремонт талаб, запчастлар даркор.
— Тушунмадим. Ёзнинг ўртаси эди,
«Машина тайёр» деб БОНГ урувдингиз.
Энди бўлса баҳона — «бузилди», «синди»,
Ахир, у чоқ қоп-қоп ваъда берувдингиз.
Ҳозирги баҳона — жинойтга тенг,
Масковга ваъдамас, пахта керакдир,
Сафсатани қўйинг, анигин айтинг,
Биласиз — иш бўлак, ваъда бўлакдир.
— Чўмичга илинар қозонда бори,
Йўқ нарсани бор деб мақтанмоқ нечун?
— Кунлик «уч»га чиқсин, қўшнингиз қатори,
Унутингизми ё вилоятнинг бурчин?
— Бурч-ку елкамизда ва лекин билнинг,
Биз қўшиб ёзмаймиз! Бурч — жинойтмас,
Агар ноҳақ бўлсам, билганингиз қилинг,
Қўшиб ёзганимиз етар! Етар! Бас!
— Сиёсий кўрлик бу! — бақирди «Биринчи».
Биласиз: ифвогар суд қилинади.
Бюро қарорларини бажармай кўрингчи,
Коммунистми, йўқми? — шунда биллинади...
Валибек сабабин биларди. Раҳбар —
Уша «Жигар» учун оларди қасос.
Унинг важоҳатин кўрсангиз агар,
Бир аламзадага қилгудек қиёс.
На чора! Валибек жим бўлиб қолди,
Бир зирқираб кетди асаби бу чоқ.
Не воқеа кечди, не содир бўлди,
Биров билди, биров билмади бироқ.

VIII

Мана, қаршисида гўзал Навбаҳор,
Унга зеҳн солар Валибек шу дам,
Туғилган маскани, қалбида ифтихор,
Уни кенг дунёга йўллаган олам.
Тушмасдан ўтолмас ҳар бир йўловчи,
Бу ерки — ушбу дам бир гулшан сифат.
Жозибаси бордир — дилни сеҳрловчи,
Бир пиёла кўк чой ва дилкаш суҳбат.
Бир ёнда мангулик бир сукут аро,
Кўкка бўй чўзмишдир кўркам ёдгорлик
Уруш қурбонларин унутмайди дунё,
Қалбини ўртайди ҳамон интизорлик.
Бир ёнда — ганчкори «савдо маркази»
Бир ёнда — «Табиат неъматлари»дир.
Бир гўзал мактабки — келар ҳавасинг,
Нақшин безаклардан ёғилади нур...
Тошкенту Бухорони турмишдир боғлаб.
Кўркам, ойнасифат, шоҳона бир йўл.
Бир йўлки — йўлжондир! Турар ярақлаб,
Бир ўтсангиз — ҳузур қилади кўнгил.
Уша — афсонавий, машҳур «ипак йўли» —
Мисоли ҳамонки серқатнов эрур.
Дилни ром этар бу жойлар сайқали,
Меҳмону сайёҳлар ҳайратга тўлур.
АҚШдан келган бир гуруҳ сайёҳ,
Кузнинг «иссиғи»дан сақлашмоқчи жон.
Бир зум тегажоғлик қилишар гўё:
— Бу не — «Кока — кола?»
— Йўқ, — «Оби райҳон!»...
Валибек тикилар, кўзларида меҳр,
Киндик қони теккан шу уй, шу тупроқ.
Бир замон шу овул дунёсиди ахир,
Бундан буюк Ватан йўқ эди у чоқ.
Дунёларни кезди, Мағриб-у Машрик,

Ҳар эл — бир подшоҳлик ва бир олий тахт.
Қишлоғига келса, гўё бир ошиқ —
Кўзига оловдай кўринар ҳар вақт.
Шу юрт теграсида бўлди парвона,
Баъзи бировлардек кетмади дайдиб.
Бегона элларда далли-девона
Юрмади тентираб, бир парча нон деб.

* * *

Қарнаб қирларининг уфқи чексиздир,
Тароватин кўриб яйраб кетар жон.
Унинг кўкси аро қанот ёзмишдир,
Баҳористон номли янги бир район..
Бу ерда ҳаммаси биринчи марта,
Биринчи идора, биринчи мажлис.
Биринчи мактабдир, глобус, харита,
Биринчи йўл, йўлак ва биринчи из.
Ҳаммаси биринчи: тўй ҳам, севги ҳам,
Пахта, чорва, ипак, биринчи ғалла.
Район қад кўтарар, биринчи қадам,
Биринчи қўнғироқ, биринчи алла.
Қишнинг ўртасида қазиб битказилди,
Ўттиз чақиримли улкан бир канал.
Ҳатто тоғни тешиб сув ўтказилди,
Тўғонлар, кўприклар қурилди галма-гал..
Сув келди! Бунёддир мангулик баҳор,
Заминга жон кирди, кулди иқболи.
Кечаги чўл ўрни — бугун экинзор,
Ҳосил хирмонллари — тоғлар мисоли.
Ғазалхон қушларнинг сайрашидадир,
Бахшилар назмининг минг бир оҳанги
Саҳро гулларининг яйрашидадир —
Сулув табиатнинг жилоси, ранги!
Дарвоқе, бир бутун Баҳористон аҳли,
Бугун тер тўкмоқда бу майдон аро.

Пахтазор — фронтдир терим маҳали,
Ҳайратдан ёқасин тутгайдир дунё!
Эгатлар оралаб ташларкан қадам,
Олис уфқларга тикиб кўзларин,
Валибек гап аро эслади шу дам,
Қарим отанинг ибратли сўзларин:
— Ишонинг, адолат ҳаққи, у гаплар —
Ҳамонки кўнгилга солар бир ғашлик.
Кўзини ғафлатнинг пардаси қоплар,
Ҳирсиёт дардига йўлиқса бошлиқ.
Айшини сурганлар — бугун қирғоқда,
Кўпикдай ирғитди уларни тўлқин.
Нодонлар — бир ёғ-у, доно — бир ёқда,
Инсоф ва имондан йўлларки — ёрқин!
Валибек тураркан бошини этиб хам,
Уйлар: одамларга уй-жой ҳам керак.
Барчасидан кўра қимматроқ-ку одам,
Ҳеч не ўйламаймиз пахтадан бўлак.
Сукут ичра эди Валибек шу чоқ,
Сўнг деди: дарвоқе, меҳнаткаш инсон...
Фақат ишни деймиз... шуниси чатоқ,
Қурилишлар чала, ёмон. Не дей? Ёмон!

* * *

Қуёшки оламни чулғаркан нурга,
Бошланди Валибекнинг яна бир куни.
Завод-у фабрика, югурниш дала-қирга,
Тонгдан оқшомгача тиндирмади уни
Кечагина қайтди чет эл сафаридан,
Совет Парламентининг мухтор вакили.
Коммунист тақдирига пайванддир бу дам.
Курашчан афғон-у, эркталаб Чили!...
Бугун календарда нелар намоён:
Москвага телефон, Аммофос хабари!
«Бибиҳоним» гумбази — нилий бир осмон,

Оламки ҳайратда — юксалгани сари,
Фронтчи дўстининг туғилган кунидир.
Табрикнома йўллади қадрдонига.
Эллик дона шифер жўнатди бугун
Ветеран бир чолнинг хонадонига.
Сўнг бир пиёла чойга этди таклиф.
Пойтахтдан келишган қалам аҳлини.
— «Дўстлик хиёбони» сизларга мунтазир,
Кўриб кетинг бизнинг узум сайлини...
Теримда ҳозирча суръатимиз паст,
Аммо ҳосил чўғли! кўнглимиз тўқдир.
Бу ернинг иқлими ўзгачадир, рост,
Бироқ баҳонага ҳеч асос йўқдир.
Пахта бир гап бўлар! Дўстлар даврасида,
Оқибат бўлғуси ўрнимиз тайин.
Бошқа юмушлар бор, гапнинг орасида,
Ҳа, баъзи бирларин айтиб ўтайин.
Қандолат фабрикаси, автобус бекати.
Янги канал узра яна бир кўприк.
«Тиллакори» қуббасин зеби-зийнати,
«Учқора» совхозин.. кеча бориб кўрдик...
Хулласки — неча бир ҳикоя, дoston,
Зарафшон бўйида манзил тутибди.
Неча бир қусур ҳам, айтайин ростин,
Қалам соҳибларин кутиб ётибти.

Мезон ўртаси, эрта тонг маҳали,
Бир шум хабар тарқалди ногаҳон.
— Нима бўпти? Қачон! Билиб-билмай ҳали
Ҳукумат уйига чопарди оломон.
...Бюродан қайтди-ю Валибек шу дам,
Ўзини безовта сизди негадир.
Кўпчилик албатта билмас эди ҳам,
Бу асаббозликнинг сабаби недир...

Валибек ўлими? — недир бу даҳшат?
Эшитган барчани солди ларзага.
Ҳамма ҳайрон эди, ҳаммада ҳайрат,
Ким ҳам лоқайд қолар бундай лаҳзада..
Ҳеч ким ишонмасди. Наҳотки, наҳот?
Дилларни эзарди мотам ва қайғу.
Наҳотки шунчалик золим бу ҳаёт,
Наҳотки ростдан ҳам ўлган бўлса у?
Аммо — на чорадир? Аччиқ ҳақиқат,
Майдонга сиғмасди одам тўлқини.
Аламли «жигар»лар лоқайд эди фақат,
Балки шу қотиллар ўлдирди уни?...
Мен-ку танимасдим кимдир Валибек,
Фақат билар эдим «Кундалик»лардан.
Кўз олдимда жасур сиймо тургандек,
Бир шиддат намоён бўларди бирдан.
Шунда дейман: нега Валибек учун,
Ҳаёт раво кўрди фожеъ бир тақдир?
Нодир истеъдолар хазондир нечун,
Не учун шундайдир? Ким билар, ахир?
Валибек-ку кетди мангулик сари,
Сўнгра.. унутилди. Ҳамма ими-жим.
Ногаҳоний казо.. сир... сабаблари,
Жумбоқдир. Не учун? — билмасди ҳеч ким..

* * *

Арслоннинг ўлими — қуёнга байрам,
Баъзи «казо»лар эркин нафас олишди.
Анча мамнун эди «Улуғ»имиз ҳам,
Хешу ақраболар яйраб қолишди,
Гўёки қўллардан ечилди кишан,
Гўёки қулади майдондаги дор.
Қопқонлар йиғилган, кўнгиллар равшан,
Гўё музлар эриб, келмишди баҳор.
Арман конягига беришарди зўр,

Валибекдан зада бўлган нокаслар.
Салқин гўшаларда қилишарди ҳузур,
Аслда қирғоққа ёпишган хаслар.
Шундай бир аснода «миш-миш»лар қолиб,
Жонпўлат акани сайлашди, қаранг.
Баъзилар ўзича йўйиб, шод бўлиб,
Баъзилар тушунмай, бошлари гаранг...

* * *

ИККИНЧИ БЎЛИМ

I

Қуёш теграсида айланаркан Ер,
Борлиқ ва замондир уйғун, муштарак,
Ҳар даврнинг ўзга даъвати бордир,
Унинг шиддатини англамоқ керак...
Катта йўл ёқаси, турибмиз ёнма-ён —
Достон қаҳрамони билан иккимиз.
Кўримсиз жой эди бу ер бир замон,
Уша кунларга ҳам гувоҳ эдик биз.
Оддий «йўл кўрсатгич» — ёғочдан бўлак
Ҳеч вақо йўқ эди у чоқ бу жойда.
Не ҳайрат! Йил оша бу ерга келсак,
Сўлим бир масканча бўлибди пайдо:
Бир ёнда — нурсифат, мрамарқоя узра,
Қудрат Суюновнинг қуйма ҳайкали.
Бир ёнда — «Ой Барчин» ..қамашади кўзлар,
Турфа қасрларки — ҳусни, сайқали,
Ижодкор ул инсоннинг садоқатидир.
Ҳар қарич заминга тўкар кўз ёшини.
Балки — қисмат! Балки — саодатидир,
Қўяр келажакнинг тамал тошини...
Шу маҳал бошланар қизғин бир суҳбат:
Кўндаланг бўлади минг бир муаммо,

Даштга сув керакдир! Ёғоч, цемент керак,
Булар ўз-ўзидан бўлмайди пайдо.
«Хумор» деҳқонлари асл инсонлар,
Уста саҳибкорлар ўлкаси эрур,
Пахтакорлик илмин алломаси улар,
Меҳнатни шулардан ўрганмоқ зарур.
Фидоийлик бўлса — шуларда жамдир;
Ерни эъзозламоқ — шулар ҳунари.
Миришкорлик сабоғи ўзга оламдир —
Замин бағрин ёритар қуёш сингари.
Пешонадан оққан маржон-маржон тер,
Тиним билмас, ахир, на ёзу, на қиш.
Парча нони ҳалол ва беминнатдир,
Танти меҳнаткашга минг битта олқиш!
.. Кенгайиб боради суҳбат давраси,
Ўртада кўк чой-у, майиз, қандолат.
Жонпўлатга маъноли бир қараб,
Қарим ота сўз бошлайди шу заҳот:
— Ҳаммамиз билимдон! Устаси фаранг.
Ақл ўргатамиз донишмандларга.
Бизнинг даҳомизни минбарлардан сўранг,
Сабоқлар йўллаймиз олис фарзандларга.
Ва лекин, қурувчи ёнида туриб,
Тўртта ғишт терсақ-чи деворга биз ҳам,
Эҳ-ҳа... лоқайдликдан тинкамиз қуриб,
Дарҳол ваъзхонликка тушамиз шу дам.
Шахсининг ролини этмаймиз инкор,
Зероки, даҳолар туғилмас ҳар кун,
Балки юзлаб йиллар кутмоқлик даркор
Битта донишмандга етмоқлик учун..
Не тугун, баҳслар... боши берк ишлар,
Ақлий тарозига тушгач, шу маҳал —
Туриб, тухтаб қолган не бир юмушлар
Қўзғалиб кетади ва бўлади ҳал!..
Йўл нобоп бўлса-ю, оғир бўлса юк,
Тулпор елкасида қора маржон тер.

Арслон уйқу ичра ётса ҳам буюк,
Қудратнинг тимсоли, таърифга арзир.
— Сиз ҳақсиз!
Сабоқлар бари — ҳаётдан,
Гапга аралашиб кетаман шу чоқ, —
Раҳбар қиёфаси, кураш, саботдан,
Мен ҳам айтиб ўтай сизларга озроқ:
— Жонпўлат ака, олманг кўнглингизга,
Қимларга ишониб юрдик биз ўзи?
Бутун заҳримизни сочяпмиз сизга,
Чунки сизлар ахир партиянинг кўзи.
Оддий меҳнат аҳлин аҳволи хароб,
Оши ҳам ёвғондир, усти ҳам юпун.
Сиз яхши яшайсиз — тўкин ва сероб,
Улар ёмон яшар сиздақалар учун.
Қани сизлардаги ҳалоллик, виждон,
Раҳбарга хос бўлган қаноат, сабр?
Наҳотки шунчалик онгсизмиз ҳамон,
Миллий ғуруримиз қайда қолди ахир?
Раҳбарнинг бурчидир: ишга садоқат;
Ўзни унутмоғ-у, элга фидо бўлмоқ.
Меҳнат! Меҳнат! Меҳнат! Сўнггида — роҳат.
Борни қадрлаш-у, йўқни бор қилмоқ!
Раҳбар меҳр қуйса шу юрт, шу ерга,
Юрса фуқаронинг ҳолини сўраб.
Минг афсус бесамар ўтган умрга,
Қачон тош босибди, ахир қуруқ гап!
Бир колхозга бордим ўтган куз чоғи,
Аҳвол — дегуликмас, кайфият ёмон,
Кезиб кўрдим элнинг яқин — йироғин.
Бир вақт — сўйлаб қолди таниш бир деҳқон:
— Ношуд раҳбарларга қолди кунимиз,
Ўзимиз қатори идрок, ақли ҳам,
Ҳалиям яримта бизнинг нонимиз.
На чора! Рўзғор бир — кўрамиз баҳам.
Юмшоқ машиналарда кўча кезишар,

Маъно не, мазмун не — англашайди кошки,
Мажлису мажлисча... шиорлар ёзишар,
Ҳар битта ишчига иккита бошчи,
Ахир нега шундай — ҳар кунни мажлис?
Пастда, ўртароқда, юқорида ҳам.
На кундуз, на оқшом — тугамади ҳаргиз,
Ишлашга вақт йўқ. Бу не дард, алам?
Қимнинг аравасига минибмиз бу дам,
Ўшанинг ашуласин айтиб юрибмиз,
Раҳбарлар не бўлса, шундаймиз биз ҳам,
«Муса қўй келтирар» дея турибмиз...
Элга бош бўлмоқлик — ўзи бир санъат,
Зеро, ҳар кимни ҳам қилмас муяссар,
Не хил мусибатдир — сохта ул савлат —
Ўзини даҳо деб ўйласа агар!
Тинимсиз юришлар, уйқусиз тунлар,
Ишнинг ижросини сўрмоқ, талаб қилмоқ,
Ловуллаган ўтлар, бурқсиган тутунлар,
Ношуд раҳбарларга шафқатсиз бўлмоқ...
Ахир ишда бўлсин тартиб, интизом,
Текинхўр унсурлар қуриб кетсин тамом,
жон куйдирсин бирдек фуқаро-ю раҳбар,
Тарози шайини бўлсин баробар!
Баҳсга киришамиз Жонпўлат иккимиз:
— Хўш, ҳамма бир хилда ташлайдими қадам?
Бундай тафтишларга борми ҳаққимиз,
Саросима бўлиб қоласан одам.
Дастгоҳлар кутади ишчи қўлини,
Йигитларни кутар дала-ю қирлар.
Инсонга интизор жонсиз ётган ерлар.
Қурилишлар чала, боғлар қаровсиз,
Шаҳарни кутамиз терим маҳали,
Ё тавба! — бўлмасак бунча қаловсиз,
Шундай нодонлик ҳам бормиди ҳали?
Ва лекин — саноқсиз чорраҳаларда,
Қишу ёз баравар — кундузу шомлар,

Вокзалу бекатлар, қишлоқ, шаҳарда,
Гуррос-гуррос қайнар сонсиз одамлар.
Дарёдек оқишар турли томонга,
«Буюк кўчманчилик» давридан баттар,
Бу хил «саёҳат»лар тегмасми жонга,
Охир-оқибатда бизни нелар кутар?
Дунё кезиб юрсак таралла-бедод,
Осмондан ёғмас-ку, ахир, ризқу-рўз.
Фаришта эмас-ку, ахир одамзод,
Тирикчилик керак! Керак нону туз!
Аслида, бу гаплар сиёсатга тан,
Зеро — сиёсатбодир ҳаётимиз бари.
Гарчи мен куюнчак битта мухбирман,
Сиз бўлсангиз, ахир, обком секретари.
Баъзан куйиб-ёниб кетасан одам:
«Бу юртнинг эгаси бормикан ўзи?»
Виждон ҳаққи, шунчалик қилади алам,
Кўрмайдими дейман ҳукуматнинг кўзи?
Минг-минглаб безори, ишсиз, текинхўр,
Туя қилиб юрибди халқнинг нонини.
Ишламай тишлайди нон ургур, нонкўр,
Оёқ ости қилиб инсонлик номини.
Наҳот биз шунчалик нотавон, ожиз,
Наҳот кўролмасак бирор-бир чора?
Темир қонунларни ишга солсангиз,
Тартибу интизом ўрнатилса зора!
— Сиртидан қараб ўйласангиз керак:
«Раҳбар буйруқ билан битказоди иш»
Бу тўғри. Ва лекин буйруқдан бўлак,
Ишонинг, қон қилар баъзи бир ташвиш.
Осон деб ўйлайсизми сиз раҳбарликни,
Қайсар бўлиб кетган одамлар ҳозир.
Елкага ортилган тоғдай бир юкки —
Асабни эговлар, юракни эзар.
Менга қолса, ука, арақхўр, безори,
Чайқовчи-ю ўғри, юлғич барини,

Денгизга улоқтириб ташлардим, зора —
Қайтиб кўрмасак турқу сиёқларини.
— Тўғри, сизга оғир, беғамдир одамлар,
Кундуз чироқ ёқиб ётибди анов зот.
Биров — ҳатто нариги дунёсини ғамлар,
Унинг-чун гўёки абадийдир ҳаёт.
Яхши яшамоқни истайди кўнгли,
Иш десанг энсаси қотади лекин.
Аёлча кокиллар — қўнғир ва рангли,
Гўёки уларга бу дунё текин.
Шундай! Шундай ўйлар орсиз, беҳаё,
Наҳотки бир пулдир номусу виждон.
У — олий тахт узра ўлтирибди гўё,
Наҳот шунча тубан кетади инсон...
Алҳазар! Оламнинг паноҳи — қуёш,
Нур сочиб турибди она-ер узра.
Табиат! Ўзингсан ҳаммасига бош,
Турфа балолардан бизни ўзинг асра!
Бизнинг ярим чала ҳаёт наздида,
Бу қусурлар, ахир, ташвишли гапдир.
Бир ерда депсиниб турибмиз аслида,
Зеро, яхшисидан ёмони кўлдир...
Сухбат даврасига чўкди оғир жимлик,
Жонпўлат сукутда қолди, бошқалар ҳам
Барчамиз бир ўйлов, хаёлга чўмдик,
Кўнгишлар безовта, бошлар эди ҳам.

II

Ёз тугаб, куз энди бошланган чоғида
Жонпўлат бошлади яна бир янгилик.
— Бир кўргазма очсак колхоз борила,
Бўлса ул киройи кўргазма дегулик.
Шарт шуки, кўрсатсак бутун оламга
Зарафшон ерининг саховатини.
Яхши ният-ла келган ҳар бир одамга.

Сўйласин юртимиз саодатини.
Бир маҳал, қарангки, бир одамга,
Сўйласин юргимиз саодатини.
Бир маҳал, қарангки, бир маскан бунёд:
Сиртдан қараганда — гўшайи санъат!
Эрам боғларидай сулув ва обод.
Жаннат — жаннат эмас, шу ердир — жаннат!
Борингки, инсоннинг жонидан бўлак,
Не бир нозу-неъмат бунда муҳайё,
Кўриб ҳаяжонга тушади юрак,
Дунё бир бошқа-ю, бу бошқа дунё!
Бундаги меванинг, бундаги рангинг,
Санаб сановига етмайсан киши.
Минг битта жило ва минг бир оҳангнинг —
Минг бир турда янграб, минг бир кўриниши!
Эҳ-ҳа!
Нелар йўқдир бу гулшан аро:
Зардўзи каштадан ЭВМга қадар,
Ўттиз тўрт чаноқли бир туп пахта гўё —
Бу не мўъжизаки — ҳайратга солар!
Миллион йил давоми, она-табиат.
Зарафшон ерида неки яратмиш,
Заҳматкаш деҳқонки — ушбу яхши соат,
Бу ерда ҳаммасин намоён этмиш.
Дарвоқе, бу ерки — ақллар ҳайрон,
Одлий томошабоғ, сайргоҳ эмас.
Илм ва тажриба туташган бир ошён
Замон ўғитларин сўзлагай! Хуллас...
Жонпўлат даврага чорлар бир деҳқонни,
— Мана, кўриб қўйинг, пахта устаси, ч
Гўзаси, ҳаммадан олдин гуллади,
Биринчи очилган ҳам унинг пахтаси.
Шу ғолибга — «Кўргазма»нинг олтин юлдузи,
Ёнида оққушдек — ГАЗ — 24.
Бу — бир пойга! Қим ишда кўрсатса ўзин,
Қандин урсин! Олқиш этар уни эл-юрт.

Мана, Аҳмад ота — қовун ижодкори,
Унинг пайкалида бу йил катта тўй.
Юз хил қовун тўр боғлаб ётар,
Ҳар бири — бир қўшиқ!
Ҳар бири — бир куй!
Яна бир мукофот: зардўзи палак —
Ўзбек баҳорининг алвон чиройи.
Теримчи қизларга қилинар совға.
Никоҳ тўйларига тухфа! Киройи!
Хулласки: «Гул сайли», «Ўзумлар сайли»,
Ўзбек удумлари қайта тирилар.
Бариси — доноли, жонбозлик туфайли,
Халқнинг ўзиники — ўзига берилар.
Эй шоир! Шу ерда тўхта бир нафас,
Рангдор тасвирлардан не эрур мурод?
Ялт этган ҳар нарса ахир олтинмас,
Кўргазма бошқа-ю, бошқадир ҳаёт!
Ҳа, ҳаёт бошқадир. Ундаги ранглар,
Заъфарон япроқдир ва яшил бўёқ.
Сарғайма гўдаклар, маҳзун оҳанглар,
Туз ва оғу билан қоришиқ тупроқ.
Ҳа, ҳаёт бошқадир. Ул зарбул масал:
Кўргазмада бор-у, дўконларда йўқ.
Мақтанмоқ инсонга ҳунардир азал,
Савлатдан от ҳуркар, ҳамёнлар қуруқ.
Ҳа, ҳаёт бошқадир. Рост билан ёлғон,
Бири — кўргазмада, бири — ҳаётда.
Не қиларин билмас ўртада виждон,
Бефарқ қараб турса ахир, уятда...
Пахтани мадҳ этдинг оғзинг кўпириб,
Фаҳринг ҳам ўшадир, бахтинг ҳам ўша.
Дунёга жар солдинг чилдирма уриб,
Насибанг ўшадир, нақдинг ҳам ўша.
«Ифтихорим!» дея мақтаганинг сари,
Босиб келди токи остонанггача.
Она сутига ҳам сингди заҳари,

Кириб келди ҳатто ошхонанггача.
 Қара, бир зулукдек шафқатсиз юҳо,
 Қонини сўрмоқда ўзбекнинг букун.
 Тақдирга кўниккан танти, жон фидо,
 Ҳамон олға қараб бормоқда секин.
 Боғларингни ютди, яйловни ютди,
 Кўз ёшга айлантирди кулгуларингни.
 Барин ютгач, навбат одамларга етди,
 Забун этди зимдан туйғуларингни.
 Мен дедим: кўзингни очсангчи сен ҳам,
 Кўргазма бошқа-ю, бошқадир ҳаёт.
 Хатони тузатиш давридир бу дам,
 Керак фидойлик, очиқ жанг, сабот...
 Жонпўлат акадан сўрадим бир кун:
 — Нега олишдингиз «Биринчи» билан?
 Валибек қисмати сабоқ-ку сиз учун,
 Фақат бир сиз эмас, бутун эл билган.
 — Олишиш ҳалво-ку, бўлди очиқ жанг.
 «Жойни бўшат!»гача борди бир ёғи.
 Ахир, ўзингиз мундоқ ўйлаб қаранг,
 Бу хил буйруқларнинг борми адоғи?
 Муддао: «пойтахтга жўнатинг тезда,
 Гўшт-у, ёғ ва мева... планда не бор.
 Дейди: сиёсий онг бормидир сизда,
 Ёки «ЧСБ»да ўқитмоқ даркор?»
 Пойтахт деганини биласиз сиз ҳам,
 Неча бир миллионли қурама халқдир.
 Худди чумолидек қайнаган одам,
 Қишлоққа кўз тикиб, бари илҳақдир.
 Қаердан йиғилган бунчалик оломон.
 Бекорчи, ишёқмас, текинтомоқлар?
 «Берсанг ейман, дейди, урсанг ўламан»,
 Олиб сотар, қўшмачи, суюқ оёқлар.
 Кошкийди деворга бир гишт қаласа,
 Ёки супурсайди эшиги олдини.
 Бир беморга, дейман, қайрилиб қараса,

Е бир йиқилганни суяб қолдимиз?
Қанча чала олим, чала талаба,
Минг-минглаб маъмурий идора аҳли.
Яллари, қўшиқчи бунча кўп, тавба,
Такасалтангларни демадим ҳали.
Ўзинг асра деймиз уларни кўриб:
Рақсга тушишар устаси фаранг.
Иш десанг қочади лабини буриб,
Фақат аттанг дейсиз, ҳа, фақат аттанг.
Йиғилиб келишган Мағриб, Машриқдан,
Билмассиз қайси қавм ва қайси миллат.
Қайси минтақадан, қайси бўшлиқдан,
На ном-у, на забон... ва қайси элат.
Хўш, энди адолат юзидан айтинг,
Йўқ гўшти пойтахтга берамиз қайдан?
Хатто болаларга сут йўқ, ҳисоб этинг,
Йўндириб бўлурми уни йўқ жойдан?
Бу қандай бедодлик, бу қандай замон,
Ўзимиз емасдан, уларга берсак!
Наҳот ҳақ-ҳуқуқни деёлмасак ҳамон,
Ҳамонки «қул» каби бош эгиб юрсак,
Аслини олганда, айтайин рўй-рост,
Нега ёвғон ошга қолди кунимиз?
Сиз тағин ўйламанг бу бир эҳтирос,
Хатто миннатлидир еган нонимиз.
Нега ахир, нега? Ўзбек дегани,
Неча «миллион» пахта, олтин ҳамда газ.
Уран-у қўрғошин — бойлик-ку тургани,
Нефть, ипақ, қоракўл — тиллодир хуллас.
Барини юқорига — планга бериб,
Ўзи сув бўйида сувга эрур зор.
Дастурхонимиздан нон ея туриб,
«Ўзбекнинг иши» деб бонг урар такрор...
Пойтахт аҳлига гўшт, сут керак бўлса,
Қишлоққа келишсин кўчиб, марҳамат.
Кетмон бор, ўроқ бор. Агар азм қилса,

Ҳеч кимни ўлдирган эмас-ку меҳнат...
— Сиз ҳақсиз. Негаки улуғлар ҳамон,
Мажлис-у йиғишлиш ва гап билан банд.
Мажлис — гап, мажлис — гап.. Бедодлик, тугён,
Гапнинг хирмонлари тоғлардан баланд.
Гапларни, гапларни.. эшитавериб,
Дегинг келар: басдир ва яна басдир!
Турибсиз гапларнинг маҳсулин кўриб,
Гап бу-сафсатадир! Гап — нон эмасдир!
— Бунинг устига денг, янги «Биринчи» ҳам,
«Қўшиб ёзаверинг!» — дейди уялмай.
Ўзингни ўлдиргинг келади одам,
Ҳақ-у ноҳақликни ажрата олмай..
Бизнинг «Биринчи»лар жуда ҳам қўрқоқ,
Москва не деса «хўп» деб туришар.
Тўқнашиб ҳам қолдик у билан бир чоқ,
Ҳақ гапни айтсангиз ёмон кўришар.
Пахта хусусида — мен дедим: «Ўйланг,
Ахир бу миллатнинг фожиаси-ку!
Сарф-у меҳнاتини сарҳисоб айланг,
Юртни сўриб ётган тўймас юҳо бу.
Инсоф билан айтнинг, тўғрими ахир,
«Оқ олтин»ни сотсак қора тангага.
Қадим қул бободек елкалар яғир,
Пахта экишни қисқартмаймиз нега?»
Шунда не дейди денг, хўмрайиб туриб:
«Жуда гапга чечан, ботир экансиз.
Балки ҳал қиларсиз ООНга бориб..
Қолган гапни ўзингиз ўйлаб кўрсангиз».
Нима десам сизга — қийналди Жонпўлат,
Гўё елкасидан босар эди ҳаёт...

III

Китобхон!

Илтифот этсанг рухсатинг-ла,

Бир лирик чекиниш қилсам шу жойда,
 Бир пиёла чой ич менинг кулбамда,
 Ахир, бундай роҳат топилур қайда?
 Сенга мунтазирдир гўзал бир дунё:
 Бир ён — чўли Малик, бир ён — Зарафшон.
 Бағрига чорлайди иккимизни гўё.
 Туғилган элатим — азиз, меҳрибон.
 Азизу меҳрибон юртим — Элобод,
 Қондош қора кўзлар, дилу жонларим,
 Қўнгли ўксук — мени излашар умрбод,
 Улар — ушалмаган сирли армонларим!
 Улар — болалигим, шодлик, кўз ёшларим,
 Менинг каъбам, менинг умид, нажотим.
 Шўхликларим, севгилим, қалам қошларим.
 Бозорим, мазорим, хуллас — ҳаётим!
 Дунёнинг ўзидай қадим бу диёр:
 Бир ён — Абу Муслим, бир ён — Хуросон,
 Наврўз кунларида яшнар бир баҳор:
 Бир ён — «шаҳри вайрон», бир ёндир — Бўстон,
 Бир ён — Арабхона, Тотиён, Сарой,
 Бир ёнда — Кулолон, бир ёнда — Ёбу.
 Бир ёғи — Хушарти — зумрад бир чирой.
 Ҳусни жамолидан таралар ёғду.
 Азим Бухорога оби ҳаёт элтар,
 Қирларни ёқалаб югурган Шоҳруд.
 Қадим бир тарихдир — олисларга кетар,
 Бу кўҳна дунёки — ҳаммасига шоҳид,
 Бунда от сурмишдир неча келгинди,
 Искандар, Қутайба, Чингиз лашкари.
 У тарихлар жуда узоқдадир энди,
 Ривоятлар бўлиб қолмишдир бари.
 Жаҳоний аллома Ибни Синонинг
 Назари тушгандир сенга бегумон.
 Улуғбек, Навоий, Бобир Мирзонинг
 Қутлуғ нигоҳлари тушмуш бир замон...
 Жон юртим! Эсимда бир тонг маҳали

Оламнинг эшигин очувдинг менга.
Тақдирда нелар бор — билмасдим ҳали,
Сўнг нафас бир суқла тикилувдим сенга..

* * *

«Шухрат колхозининг собиқ раиси,
Бир кун Жонпўлатга келди рўба-рў.
Пешонада ажин — гурбатларнинг изи,
Ожиз, ҳимо талаб турар эди у.
Жонпўлат зеҳн солиб кузатди шу чоқ,
Ранглари заъфарон, қарашлар сўник.
Гўёки бандидан узилган япроқ,
Борлиғи қалтираб турарди шўрлик.
— Мана, аҳволим шу, охир — оқибат,
Етим бўлиб қолди олтита болам.
Хону моним куйди, азобу уқубат.
Теграмда қоп-қора, субутсиз олам.
Партиядан ўчдим, раисликдан... ҳам,
Елкада терговнинг айбномаси.
Фақат мен гуноҳкор ва мен муттаҳам.
Буйруқ берганлар четда қолди ҳаммаси.
Тўғри, гуноҳим бор, фариштамасман.
Барча қилмишларим сизга ҳам аён.
Бу қинғир ишларда ёлғиз эмасман,
Терим кунларида тинмасди телефон.
Мен кимга ишонай, ўртоқ секретарь,
Наҳот яшаш мумкин ишонч, имонсиз?
Диёнатсиз бўлсак — ҳаётга дарз кетар,
Нега улар яхши, бизлар — ёмонмиз?
Айтинг, нега шундай? Не учун ахир,
Райком ҳам, обком ҳам туришибди жим.
Ҳақиқат қайда-ю, инсоф қайдадир,
Ҳалвони хоқим ер, калтакни етим.
Жонпўлат ўйланиб қолди. Не десин?
Дилин тирнар эди оғир изтироб.

Ночор бу инсонга не таскин берсин,
Ва бу жумбоққа қайдан топсин жавоб?
Жавоб тополмайди. Унинг қалби аро,
Зарбли бир тўлқиндир — қилар ғалаён.
Ер бағрида кун сайин куч йиғиб гўё —
Портлашга шайланар қўрқинч бир вулқон.

Раиснинг алам-у дардини тинглаб,
Асабим титради, қайнайди қоним.
Жонпўлат менинг авзойимни англаб,
Кўзларин яшириб, турар эди жим.
Ўзим тутолмадим. Борлигим қалтираб,
— Нега индамайсиз? — дедим тик боқиб.
Жонпўлат турарди ҳамон ерга қараб.
Сўнг... сўйлади куйиниб, тутоқиб:
— Не қилай, минбардан айтиб бўлмаса,
Шамолга сув сепсанг, урилар юзга.
Улуғлар... ўзлари инсоф қилмаса,
Таёқ келиб яна тегади бизга.
— Тавба дейман, — бу қандай замондир ўзи,
Қаҳрамонлик — сохта,
Даҳолик — сохта.
Қайдадир бу хил беорлик илдизи,
Ким, қайда, қачон гапирар бу ҳақда?
— Сизга не десам, — сўз бошлар Жонпўлат, —
Мухбир ҳам элчидай холис бир одам.
(Зероки, элчига ўлим йўқ, укам.)
Сабру бардошингиз тугади ниҳоят.
— Сабр — бардош дейсиз, билмагандай гўё.
Раҳбарларда эмасми аслида иллат?
Оддий меҳнаткашда, ахир, не гуноҳ.
Қаттага — ҳурмат-у, кичикка — гурбат.
Устма-уст қаҳрамон! О, бунча арзон!
Ҳали қарабсизки — саркарда, маршал.

Сувтекин бўлди-ку, ул олий нишон,
Сохта бўёқларда йилт этган зарҳал!
— Биларкансиз-ку мендан ҳам яхшироқ.
Ҳа, хабардор эди бутун эл-элат.
Лек ҳеч ким рўй-рост айтолмасди бироқ,
На чора — у йиллар шу эди одат.
Сўнг... Жонпўлат яна жим бўлиб қолди,
Вазмин бир сокинлик чўкди ўртага.
Тугён, изтироб уни қамраб олди:
— Бугун шундай! Хўш не бўлар эртага?...
— Эртагами? — ўйланиб қолдим. Ногаҳон —
Буйруқбоз оғалар келди хаёлга.
«Нуфузли табақа»... пайдо бўлди қачон?
Жавоб борми ахир ушбу саволга?...

IV

Йўллар силсиласи тугади, шу дам —
Нурота воҳаси кўрсатди жамол.
«Деҳбаланд» қирлари, тоғларки — ўктам,
Уфқсиз яйловлар, олис бир хаёл...
Нурота!

Булбуллар маскани бу ер,
Оламни ҳайратга солган бахшилар.
Қирқта дoston куйлаб мақтасак арзир,
Жуманлар, Эргашлар — сўзи яхшилар.
Ўзбек заминида ҳаётки пайдо —
Булбуллар сайрарди қадим Қўрғонда.
Бу — ажиб силсила эдики, ҳатто —
Тенги топилмасди бутун жаҳонда!
Одамзод ақлини тамом этган лол,
Минг жило ўланлар куйланмиш бунда.
Етти иқлимга ҳам доврўғи кетган
Қиссаю эртақлар сўйланмиш бунда.
Бу ернинг муқаддас булоғидан то —
Қадим кўриларнинг санъатигача,

Зулхуморнинг гўзал чорбоғидан то —
Гўрўгли бобонинг Гиротигача.
Афсоналар ичра қоришиқ ҳаёт,
Мавжланиб тургандай заркокил дарё.
Қайнаб ётур бунда меҳнат ва ижод,
Қизилқум кўксида ажиб бир дунё.
Ўйлаб қоламан: шу дostonлар қатида,
Она тилимизнинг сеҳри, жозибаси.
Ўзбек каломига мусиқий қасида,
Юртнинг тахланиб ётган шу хазинаси.
Ўзбек мақомини, ўзбек тилини,
Дунёга танитган минг ранг дostonлар.
Эртақлар қанотида ўзбеклар элими,
Оламга кўз-кўз қилган ширин забонлар.
Ўша шоҳбайтларда эрур мужассам,
Ўзбекнинг даҳолиги, илму идроки.
Буюклик, саховат, санъат — бари жам,
Назм, наво, ишқ-у нозгача токи..
Севги, муҳаббатга эрур бир гултож,
Ўзбекнинг Тоҳири, ўзбек Зухроси.
Иффат, нафосатга хазинайи ганж,
Ширини, Барчини, гўзал Лайлоси..
Бир томон Оқтовдир, бир ён — Қоратов,
Бир ёнда «Қизилча» яйловларидир,
Бир ён наврўз базми, чорлайди ўтов,
Қирққокил қизларки — худди паридир!
Бир ён — қулоч ёзиб турар «Олтинсой»
Бир ён — минг бўёқли хазина — Ғозгон.
Лола-гиламларда гулгун бир чирой,
Бепоён саҳролар, бепоён осмон..
Мана, мрамр кони! Ўша машҳур Ғозгон,
Ақлни ҳайратга солган хазина.
Қамалак жилоли афсонавий уммон,
Хусн кўрсатмоқда зинама-зина.
Неча замонларки бу ерда инсон,
Гўё игна билан қудуқ қазмоқда.

Ўзининг иқтидор, санъатин бегумон —
Мармар қатларига ўйиб ёзмоқда.
Бу мармар Москва, Киев, Тошкентда,
Олий қасрларга бермишдир сайқал,
У тансиқ безакдир, не юрт, не кентда —
Инсон қудратига қўйилган ҳайкал.
Нуротани кездим қадам-бақадам,
Қадрдондир менга ҳар битта гиёҳ,
Қолмади мен бормаган бирор бурчак ҳам,
Шу сулув воҳага парвона мен гўё.
Жонпўлат ногоҳон сўз бошлади шу чоқ:
«Қаранг, фикр қилинг — қизиқ бир савдо —
Ҳозгон — бир сарҳадсиз денгиздир, бироқ —
Энди бир челақ сув олинибди гўё!
Дарвоқе, шиддатли йигирманчи аср,
Нурдай тезлик ила югурган шу дам,
«Ҳозгон» имилласа — изоҳ борми, ахир?
Ўйлаб, бармоқ тишлаб қоласан одам.
Ҳа, укам, муаммо жуда кўп ҳали,
Барчаси зарурдир бири-биридан.
Бу ерга ким келса саратон маҳали
Огоҳ бўлур эди «Нурота» «сири»дан.
Бағри кенг яйловдир, бағри кенг саҳро,
Сув керак!
Сув бўлса — гулистон бу жой.
Кўксини қуёшга тутган бу дунё,
Сув бўлса — баҳордек очарди чирой!
Дарвоқе, сув деймиз, қани ўша сув?
Сув — худди шу ерда, замин остида
Агар ҳунарингиз бўлса кўрсатинг,
Чиқаринг шу сувни ернинг устига.
Энди ўйлаб кўринг: қадим аждоқлар
Кетмону бел билан коризлар қазган.
Сув дея тўкиб фидойи ул зотлар,
Боғу роғлар қилиб, мева ҳам узган.
Биз-чи? Биз — наҳотки шунчалик ношуд,

Девкор машиналар туриб измимизда,
Битта сув омборин этолмаймиз бут,
Неча йиллар ўтди. Айб ўзимизда!
Тинмай мажлис қилиш жонларга тегди,
Ваъзхонлик ҳам, қизил гаплар ҳам.
Ижросиз қарорлар қаддимизни эгди,
Ўз ишингдан ўзинг қуясан одам!
Шунақа!

Минбардан гапириш осон,
Гапириш осон-у, ижро этмоқ-чи?
Ҳамма тенг, барабар куйдирмайди жон,
Баъзилар ҳаётнинг четидан ўтмоқчи.
Ақл ўргатувчи донишманд ҳам кўп,
Лекин: қуруқ гапдан қорин тўймайди!
Варсоқибозликда оғиз кўпиртириб,
Баъзан ўз ҳолингга сени қўймайди».

* * *

Йўлда бир саволга сўрадим рухсат;
«Бу балки саволмас, мунозарадир.
Сиз Олий Советга даҳл — депутат,
Мўъжиза ҳам, ташвиш ҳам ортиб борадир.
Асримиз — техника, атомлар асри.
Буюк кашфиётлар, фанда инқилоб.
Алҳазар! Монелик — нодонлик асли,
Жонбахш нурларини сочаверсин офтоб!
Илмий мўъжизаларга ташаккур, аммо —
Тоза ҳаво, сув, ер — ахир ҳаётдир!
Шуларсиз инсонга не керак бу дунё?
Шуларсиз инсон ҳам, дунё ҳам барбоддир!
Кимё «ҳикматидан» озор чекмаган,
Табиат саҳнида не қолди ўзи?
Бу сифат «кашфиёт» нега чекланмаган.
Қайда бу иллатнинг боши, илдизи?»
— Шу каби жумбоқлар турар кўндаланг,

Инқилоб ҳам ахир бўлмас қурбонсиз!
Зеро, космонавтикага бир қаранг,
Не бир фожиага гувоҳ бўлгансиз,
— Табиатни бузган чаласаводларни,
Балки лозим эрур терговга бермоқ.
Билмадим, бу чоқ ўйлади неларни,
Жонпўлат негадир индамади бироқ...
— Нега индамайсиз?.. шу чоқ Жонпўлат,
Бир ҳаяжон ичра кетди қалтираб.
Кўзлари ёнарди, даҳшатли бир арслон,
Куйиб кетдим мен аҳволига қараб;
— Узингизни босинг, Жонпўлат оғай!
— Кимга индай? Не дей? Айтингиз, кимга?
Биласиз-ку! — Жонпўлат турарди зўрға,
— Нега ҳадеб игна санчасиз, нега?

V

Машина тўхтади йўл ёқасида,
Недир Жонпўлатнинг нигоҳин тортди.
Ширин бир хаёллар келдими эсига,
Пахтазор пайкални оралаб кетди.
Чамандай очилиб ётибди дала,
Пахта тераётир шоҳсанам қизлар.
Эгатлар бағрида бир куй таралар,
Бир куйки, ёшликнинг завқидан сўзлар.
Жонпўлат дилида бир олам тўлқин,
Меҳр-ла қизларга боқаркан, шу чоқ —
Кўнглини чулғади олис бир ёлқин,
Жонланди болалик! Уша она қишлоқ.
Шоҳариқ бўйлари, ям-яшил дала, қир.
Гулбаргак тақишган чўпон қизлари.
Қирққокил сулувларга кўнгиллар асир.
Ўсмирликнинг асов, оловли кезлари,
Оёқ яланг кезган тупроқ кўчалар.
Ҳар сойлик, ҳар сайхон, боғларнинг меҳри.

Полизларда кечган ойдин кечалар,
Шу она тупроқнинг дилдаги сеҳри...
Жонпўлат, бир олам муҳаббат билан
Боқар — нигоҳида бўлиқ пахтазор.
Дилда туғён урди Уктам баҳодирлик,
Ва фарзандлик туйғуси! Туйғу, ифтихор.
Эгилиб бир қисим тупроқ олди шу он,
Тупроқки — вужудга бир севинч солди.
Маъсум бир боладек эъозлади уни,
Сўнг... она заминга тикилиб қолди.
— Ўзбекистон! Фидойи болангман! Чин сўзим!
Сен туфайли халқимнинг иқболи, тириклиги,
Сен борлигим! Фаслларим, баҳорим, ёзим.
Хазинамнинг тўлалиги, юртимнинг буюклиги!
Мен ҳам сен туфайли топдим қадру қиммат,
Ерга меҳрни ҳам сен ўзинг бердинг.
Бу обрў-эйтибор сен туфайли фақат,
Биз неки кўрибмиз — сен бирга кўрдинг...

VI

Ииллар ўтар орадан, шунда бу гаплар,
«Тарих» бўлар китобий саҳифаларда.
Бугун бошқачадир ишлар, талаблар,
Юзлаб жумбоқ янгича вазифаларда.
Беш марта ёз келди, беш марта баҳор,
Беш қовун пишиғи ўтди изма-из.
Ҳеч нарса осмондан тушмади зинҳор,
Ҳамон — қийинчилик, кураш юзма-юз...
Уша кунлар бир йиғинда Жонпўлат,
Деди: «Бош масала — темир интизом,
Фафлатда ётганингиз энди етар,
Уйқуни қочиринг! Лоқайдлик ҳам тамом!
Яна бош масала — меҳнат қилмоқдир,
Меҳнат қилмоқ номус ор билан.
Жон куйдирмоқ ҳамда ҳалол бўлмоқдир.

Меҳнат қилмоқ — ақл, иқтидор билан.
Яна бош масала — қаттиққўл бўлмоқ.
Супуриб ташламоқ барча текинхўрни,
Баъзи нокасларни тергаб, одам қилмоқ,
Кўзин очиб қўймоқ — кўзи очиқ кўрнинг,
Яна бош масала — ленинчасига,
Ижрони текширмоғ-у талаб этмоқ,
Бугунги ишни қолдирмай эртасига,
Хуллас — ҳаммасини қайгадан қурмоқ.
Яна бош масала — инсон қалби аро,
Эзгулик уруғин экиб қўймоқлик,
Фидойи жонларга жонни айлаб фидо,
Бунёдкор инсонни севиб, суймоқлик.
Яна бош масала — оёқ-қўлни эмас,
Ақл ва идрокни, бошни ишлатиш.
Меҳнатки инсонни яратмиш, хуллас,
Шу меҳнатга таъзим ҳамда сажда этиш.
Яна бош масала — виждон масаласи!
Имон масаласи!
Инсоф, диёнат!
Замонга муносиб инсон масаласи,
Халқни, юртни севмоқ — қилмай хиёнат!»

* * *

Олға чопар эди югурик замон,
Ва шиддатли эди унинг парвози...
Ўша аросатда, бир кун ногаҳон,
Дунёни титратди милтиқ овози.
Гўё гумбурлади момақалди роқ,
Бир даҳшат қоплади борлиқни дарров.
Чўнг харсанг — қоядан жарликка шу чоқ,
Қўлда милтиқ ила қулади биров.
Ким бўлди? Жонига қасд қилди нечун?
Э, воҳ, бу ўша-ку — собиқ раис-ку,
Номус ва виждоннинг азоси учун —

Жазодир! Харсанглар ичра ётар у ..
Атрофни бехосда ларзага солган,
Уқ эмас, портлаган қалбнинг садоси.
Дилларда бир қора доғ бўлиб қолган,
Жиноятнинг аянч, одил жазоси.
Ногоҳ содир бўлган бу фожиадан,
Қатта ҳам, кичик ҳам эди ҳайратда,
Изтироб тортасан, ёниб — куясан,
Не чораси бордир? Ҳаёт — ҳаёт-да!
Ҳайрон бўлманг бунга, ҳамиша инсон —
Ҳақиқат нури билан пок этган ўзини.
Гуноҳлар қон билан ювилган бир замон
Ва сиё қилганлар нопокнинг юзини.

VII

Бир замон, қарангки, сокин ул дарё
Тўлиб, тўлқинланиб оқа бошлади.
Одамлар кўзғалиб, янгича бир дунё
Яратмоқ илкида қадам ташлади.
Бунёдкор ўзбекнинг етмиш ҳунари,
Етмиш хазинанинг очди кўзини.
Етмиш хазинаки — бир йўла бари,
Ул қадоқ қўлга тутмоқда ўзини.
Мана, вилоятнинг ўрни яна тўрда,
Яна баланд бўлди авжи, парвози.
Юксак минбарларда, улкан давраларда,
Жаранглай бошлади ўзбек овози.

* * *

Зарафшон ёқалаб борар бир қарвон,
Гўё оқиб борар улкан бир дарё.
Бу кунларга етмоқ бўлмади осон,
Пешона теримиз оқмоқда гўё...
Қарвон қадам ташлар, унинг елкасида —

Тогдай бир хазина, хазинаки — уммон.
Таърифига арзир не бир қасида,
Ахир бу — меҳнаткаш юрт — Ўзбекистон!
Йўл четида туриб мухбир ва раҳбар,
Энтикиб боқишар ул карвон сари.
Бири Зарафшоннинг куйчиси, бири —
Шу юртнинг саркори — обком секретари.
Карвон ўтиб борар, унинг елкасида,
Вилоятнинг беш йиллик нозу-неъмат.
Минг нозу-неъматки — Зарафшон ўлкасида —
Бунёд бўлмиш! Элнинг эзгу меҳнати,
Бу бойликни бунёд этмоқлик учун,
Не бир машаққатни тортмадик бироқ.
Барча дардларин — ошкор этиб бугун,
Ҳансираб ётибди бу азиз тупроқ!
Дарёдек тўлқинли, кетаётир сафда,
Жабрдийда деҳқон — бир жону бир тан.
Бизда неки бўлса — сен учун тухфа,
Жоним Ўзбекистон, суюкли Ватан!

VIII

Бир оқшом Жонпўлат гапириб қолди:
— Қадрдон бўлишдик сиз-ла иккимиз.
Қанча сувлар кечди, ўзгаришлар бўлди,
Энди, ёзсангиз бўлар ўша — очеркингиз.
Мен кулдим.

— Очеркми? Ростини айтсам,
Ҳаёт қозонида қайнадим роса.
Сафарим қариди. Шаҳарга қайтсам —
Бир китоб ёзаман — қўлимдан келса.
— Албатта ёзингиз, сиздан илтимос,
Икки оғиз ёзинг мен ҳақимда ҳам.
Жуда ҳам толиқдим. Ёзингиз рўй-рост,
Еш ҳам кетди, соч ҳам оқарди, укам.
Яна ёзинг: майли одамлар билсин,

Ахир очик айтмоқ эмасдир уят.
Хоҳ ранжисин мендан ва ёки кулсин,
Етишмади баъзан менда қатъият.
Журъат камлик қилди, чекинди имон,
Ва ширин кўринди лавозим, амал.
Кўз олдимда эди камчилик, нуқсон,
Ошкор айтолмадим, этолмадим ҳал..
Ҳорғин бир қиёфа, пешонада ажин,
— Эссиз ёшлик! — Жонпўлат хўрсинди шу чоқ.
Ҳар авлод ўтагай ўз қарзу бурчин,
Начора — куз келса тўкилар япроқ.

1979—1985 йиллар.

МУНДАРИЖА

Тарихга тош отма	3
Шоирларни биламан	5
Гап	7
Эгилмаган бошим	9
Дилимда бир ваҳм	11
Қўрқиш хусусида	12
Хожарбиби	13
Бизнинг қоида	16
Қиз йиғиси	17
Кезарман ёлғиз	18
Бир йўқотиб, қайта тополмаганман	19
Сув пастга оқадир	21
Олисдаман	22
Ўзбеклар иши	23
Мувозанат	25
Тенглик	27
Хаёл	28
Бурилиш	30
Биринчи шеър	33
Майдон	35
Фарзандлар қайтмоқда	37
Ёлғиз бола эди	38
Жарангдор қўнғироқ	40
Бирга кетолмадик	42
Тавба қил	43
Уруш ва муҳаббат	46
Чархи бестун	48
Сақларман дахлсиз	50
Оролга сув керак	51
Темир одам	54
Раънога еткурдинг	56
Сие зулфларини деб	57
Турналар қайтган кеча	58
Саодатдур менга	59

Бир она фарзандимиз	60
Нурсиз буйёқ	62
Жаҳолат	63
Дақиқа хусусида	64
Ун еттида эдим	65
Сен айрилдинг	67
Марҳабо, гул фасли	69
Сабо билан	71
Тушми, ё	72
Эшигингда	73
Дарёдур десам	74
Саодатдур менга	75
Бу кўнгил	77
Танлаганим сен	79
Яхшилик	81
Гулнозалар	83
Кечаларда	84
Жамолинг васфини	86
Дилдор ўландан сўр	88
Биз ўтган сўқмоқлар	90
Темур	92

ДОСТОНЛАР

Зухро	97
Кузги япроқлар	129

Литературно-художественное издание

ДУШАН ФАИЗИ

ПЕСНЯ ДУША

С т и х и

Художник А. Умаров
На узбекском языке

Адабий-бадний нашр

БУ КЎНГИЛ

Ш е ъ р л а р

Мухаррир Олқор Дамин
Расмлар муҳаррири Б. Йўлдошев
Техн. муҳаррир А. Гвоздюк
Мусахҳих Ориф Ҳожи, Қаҳрамон Суяр

ИБ № 4746

Босмахонага берилди 9. X. 1990. Босишга ружсат этилди 10. 01. 1991.
Формати 70×90^{1/2} мм. Босмахона қоғози № 2. Адабий гарнитура. Юқори
босма. Шартли босма л. 12,5. Шартли кр.-оттиск 1. Нашр л. 12,3.
Тиражи 10000. Буюртма № 5100. Беъоси 1 с. 60 т. Шартнома № 8.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг
Самарқанд бўлими, 703005, Самарқанд, Фрунзе кўчаси, 12.

Морозов номидаги полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси,
Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 82-уй.